


Асророва Лобар
Қобилжон қизи

БУХОРО
мадрасалари
тариҳидан

Аҳмадхон ибн И smoилхон мероси



Асророва Лобар
Қобилжон қизи

БУХОРО мадрасалари тариҳидан

Аҳмадхон ибн Исмоилхон мероси



ТОШКЕНТ
2017

УЎК 94(575.146):291.35

КБК 63.3(5У)

А-84

Мазкур рисолада Бухоро амирилги даврида мадрасалар, уларнинг ўкув тизими, талабалар ҳамда мударрислар фаолияти кўплаб манба ва архив хужожатлари асосида ёритилган. Шунингдек, XX аср бошларида Мирি Араб мадрасасида мударрислик қилган Аҳмадхон иби Исмоилхоннинг «Газкиратул инқилюб» асари таржимаси ва таҳлили ўрин олган. Ушбу тадқикот XIX аср охири ва XX аср бошларида юртимиз маданий-маънивий ҳамда ижтимоий ҳаётини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

Масъул муҳаррир: З.Исламов, филология
факултети доктори, профессор.

Такризчилар:

M.Ражабова, юридик факултети доктори, профессор,

K.Ражабов, тарих факултети доктори, профессор,

Ў.Султонов, тарих факултети доктори,

Н.Насруллаев, тарих факултети номзоди.

Муҳаррир:

Бобомурод Эралиев.

А-84 Асрорева Лобар Қобилжон қизи
Бухоро мадрасалари тарихидан:
Аҳмадхон иби Исмоилхон мероси
Т.: «Hilol-Nashr» 2017. – 224 б.

УЎК 94(575.146):291.35

КБК 63.3(5У)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари
бўйича қўмитанинг 751-раҳамли холосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-4818-6-2

© Асрорева Лобар Қобилжон ҳизни
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2017.

Уибу китобни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мұхтарам И.А.Каримовнинг ёрқин хотирасига бағишилайман.

КИРИШ

Эл-жергімиз озодлығы йүлида, халқымыздың гурури, ор-номуси, миңдій аңыналарымыз ва урф-одатларимыздың қимоя қилишпәд, босқынчиларға қарши кураштарда курбон бүлгандар хотирасини аслө унугиб бүлмайды. Мустабид тузум даврида миллионлаб бегуноқ кишиларниң умри ҳазон бүлганини, қанчадан-қанча оныштар боштапасидан айрилиб, гүдаулар етим қолғанини тарих, буғунғи ва келажак авлод ҳеч қачон ёддан чықармайды. Бу борада давлатимиздинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг төк жүхім жиһат – «мустакиллікка әрішінің арағасындығы оғир күнларға белосита күргаш, шу вакешиларниң гүвөхи бүлгіш әдамдарнинг тәделик шағириларниң әзіб оғиши зарур»ligига әзтибор қароттама бекітілді әмас. Ҳақиқіттан ҳам, «көзаки тарих» услуги мустакил Ўзбекистоннинг әнг япты тарихими тиғизмін рәсіппәд, тарихийлік шағиислик тамойындарига ассоциинган ҳолда үргашып, үша даир қиыншешенесінде шағиислик мурасабалықтардың қызығынан шығып, манба-лар билдиң киёсей үргашып имконияттам беради.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилық палағасининг биринчи ташкилдің йигилишида: «Мустабид

тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, ҳалқимиз қанча азоб-укубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. «Пахта иши» деган уйдирма ва бўхтонлар, Марказдан юборилган, ўзини «десантчилар» деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, ҳалқимизнинг шаъни ва гурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тұла очиб бериш лозим. Афсуски, тарихчиларимиз, адибларимиз бу ҳақда кам ёзди», деган сўзлари ижод ахли, тарихчи олимларимиз ва кенг жамоатчилик эътиборини яқин тарихимизни чукур ўрганиш, тадқик қилиш ва бу борадаги бор ҳақиқатни тұла очиб бериш лозимлигига қаратилди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган хайрли ишларнинг натижаси ўларок «Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун» түплами, «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар», «Тарихнинг ҳасратли саҳифалари» каби қатор йирик асарлар, кўпилаб илмий мақолалар, архив материаллари ва эсдаликлар дунё юзини кўрди¹.

¹ Тарихнинг ҳасратли саҳифалари / «Шаҳидлар хотириаси» хайрия жамғармаси, «Мерос» ҳалқаро илм.-амалий экспозиция хайрия жамғармаси ; [Масъул муҳаррир И.Каримов]. – Т.: Шарқ, 2006.; Шамсутдинов Р. Кишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: Шарқ, 2005.; Трагедия среднесазнатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. / Сост.: Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М. Под ред. Алимовой Д.А. Том I. – Т.: Шарқ, 2006.; Шамсутдинов Р. Маҳбус юртдошлар кисмати. // Тарихнинг ҳасратли саҳифаларн. – Т.: Шарқ, 2006.; Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Р.Т. ГУЛАГ лагерларидағы ўзбек маҳбусларининг кисмати. // АиДУ Илмий хабарнома. 2011. №1. Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. Сандармоҳ қатлгоҳида отилган юртдошлар. // Мустақиллик: фан ва таълим тараққиёти. – Андижон, 2011.; Холмирзаев Э.Р. Дмитров лагеридаги ўзбек маҳбуслари тақдирни. // Мустақиллик: фан ва

Бу каби тадқиқотлар бой ўтмишга эга ўзбек халқининг бошига тушган фожеаларини ёритиб беришга қайсиdir маънода камлик қилади. Зеро, бу тадқиқотчилар олдида турган вазифалардан саналиб, келажакда янгидан янги изланишлар олиб бориб, бизга номаълумлича қолиб келаётган маърифатпарвар шахслар ҳамда уларнинг бой меросини халқقا танитишдан иборат.

Мазкур рисолада XIX-XX асрларда Бухоро мадрасалари ва уларнинг таълим тизими, мударрислар ҳамда шу вақтгача фаолияти ўрганилмаган мударрис, маърифатпарвар олим Аҳмадхон ибн Исмоилхон хаёти ва фаолияти хусусида сўз боради. Яна 1914-1918 йилларда юртимизнинг аянчли тарихидан ҳикоя қилувчи «Тазкиратул инқилоб» (Инқилоб тарихи) асарининг форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржимаси ҳамда ундаги айrim воқеаларга архив ҳужжатлари асосида изоҳлар берилади. Тадқиқотда манба, тарихий ҳужжатлар билан бир қаторда, оғзаки тарих услубидан ҳам фойдаланилди. Жумладан, бевосита Аҳмадхон ибн Исмоилхонни кўрган, унинг ўзи ва замондошлари билан ҳамсуҳбат бўлган невараси Нуриддинхон Исломов билан учрашиб, олим ҳаёти ҳақида қўшимча маълумотлар тўпланди. Рисолани ўқиш давомида ундаги воқеа-ҳодисаларнинг аниқ далиллар орқали ёритилиши, муаллифнинг воқеаларни содда услубда баён этиши китобхон қизиқишини орттиради.

таълим тараққиёти. – Андижон, 2011. Ҳолмирзаев Э.Р. Магадан жазо лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг фожиали тақдизи. // «Олим деб юртим деб ёниб яшаш кера» мағкундаги конференция материаллари. – Навоий, 2011. Шамсутдинов Р., Ҳолмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслари. // Тарихнинг номаълум садиғалари: илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар. З-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 2012. Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг катагон сиёсати ва унинг оқибатлари. (Биринчи китоб). – Т.: Шарқ, 2012.

Таджиқот жараёнида моддий ва маънавий кўллаб-кувватлаган ота-онам, акамга, шунингдек, рисолани ёзишга яқиндан кўмак берган Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилоят вакили, вилоят бош имом хатиби (Аҳмадхон ибн Исмоилхоннинг невараси) Н.Исломовга, Тошкент ислом университети раҳбариятига, Самарқанд вилояти архив иши худудий бошқармаси бошлиғи А.А.Маманазаровга, Самарқанд вилоят Давлат архиви бош архивчиси У.З.Эгамбердиевага, Самарқанд Давлат университети катта ўқитувчиси Ж.М.Бузруковга ҳамда Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси кўлёзмалар фонди раҳбари Ф.А.Ахмедовга беҳад миннатдорчилигимни билдираман.

Муаллиф

I БОБ. БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

1.1. Бухоро амирлиги мадрасаларн

Мовароуннахрга ислом дини кириб келиши билан диний таълим ва у билан бошлари ҳам ривожлана бошлади. Машнивиятда ҳурфикрлилик, илм-фанга курмат-эътибор ва унинг қадр-қимматини юксак баҳолаш устунлик қилди. Айниқса, диний ва дунёвий илmlар узвий ҳолда тараққий этиб, қадимги юонон, хинд ва бошқа ҳалқларнинг илмий салоҳиятидан кенг фойдаланилди. Айнан шу даврдан ҳудудларда мактаблар ва мадрасалар пайдо бўла бошлади. Мадрасалар қадимдан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида алоҳида нуғузга эга ўкув маскани сифатида катта обрў-эътибор қолонгани.

Кўхиа Бухоро ҳам ўзининг кўп сонли мадрасалари билан ном тарагтани. У турли срлардан илм таҳсили учун талабалар ташриф буорадиган шаҳар ҳисобланган. Бу айъана кейинги асрларда ҳам давом этган. Шу сабабли аксарият муаллифлар Бухоро ҳакида сўз кетганда аввало унинг шу жиҳати билан таърифлаганлар. Ҳусусан аштархонийлар даври муаррихи Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) Бухоронинг илм тарқатувчи марказ сифатидаги ҳизматини шундай баҳолайди: «Олимларнинг кўплигидан, уни олимлар ва илм-фани булоги деб атайдилар». Бухорога XIX асрда сафар килган Е.К. Мейенцдорф эса Бухоронинг ислом оламида тутган ўринини қуидагича таърифлайди: «Ўзининг кўплиб мактаблари, олимлари ҳамда муқаддас қадамжолари сабабли мусулмонларнинг зиёраттоҳига айланган. Эҳтимол шунинг учун у «шариф»

номига сазовор бўлгандир»². Рус сайди Н. Ханыков ўз эсдаликларида Бухорони йирик илм-фан ва маърифат, диний билимлар маркази сифатида таърифлаб: «Бухоро илм тарқатувчи марказ ҳисобланган ва ҳисобланади», дейди. Ж.Кунитс ҳам Бухорони «араб-эрон маданияти-нинг қальаси», Марказий Осиёнинг юз йиллик тарихидаги «Исломнинг юраги», 250 масжид ва мадрасалар маркази деб атаган³.

Ўрта Осиё мадрасалари тарихи ва уларни фаолияти хусусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб⁴,

² Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: 1975. – С. 93.

³ Kunits J. Dawnover Samarkand. The rebirth of Central Asia. – New York, 1935. – Р. 23.; Джурбаев Д.Х. Изучение политической истории Бухарского эмирата в советский и постсоветский периоды. // Историография, исторические источники, методы исторического исследования. – С. 18.

⁴ Қаранг: Чориев А.Х. Народное образование и подготовка педагогических кадров в Узбекистане в условиях советского тоталитаризма: противоречия между системами традиционно-национальной и советской (20-30-е годы). Доктора исторических наук. – Т.: 1998.; Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоги. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010.; Джурбаев Ж.Х. Бухарский эмирят во второй половине XVIII-первой половине XIX вв. (В письменных источниках) доктора исторических наук. – Душанбе: 2014.; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). – М.: Издательство Академии педагогических наук РСФСР, 1960. (Бундан кейин: Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы).; Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – Алматы: Дайк – Пресс, 2004. (Бундан кейин: Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков).; Маликов А.М. Культура Самарканда в конце XVIII-первой половине XIX в. / Культурно-исторические процессы в Центральной Азии (древность и средневековье). – Алматы: Дайк-пресс, 2012. (Бундан кейин: Маликов А.М. Культура Самарканда в конце XVIII-первой половине XIX в.); Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX вв.). – М.: Изд. восточной литер., 1958.; Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. – М., 1936.;

мазкур рисолада мадрасалар фаолияти ҳақида умумий тұхталиб үтмоқчимиз.

Мадраса – арабча «дараса» («үрганмоқ») сүзидан олинган бўлиб, «үрганиш жойи» деган маънони англатади. Илк ислом давриданоқ масжидлар бунёд этила бошланди. Дастрраб илм мажлислари масжидларда олиб борилган бўлса, кейинчалик мадрасаларда таҳсил олиш йўлга кўйилди. Наршахийнинг фикрича, 937 йилги ёнгиндан зарар кўрган «Форжак» мадрасаси Марказий Осиёдаги дастррабки мадрасалардандир⁵. К.Каттаевнинг фикрига кўра, Самарқанддаги Работи Фозиён мадрасаси яна ҳам қадимириқ бўлиб, унда Имом Мотуридий, Абулқосим Ҳаким кабилар Муҳаммад ибн Фазл Балхийдан (ваф. 931 й.) таҳсил олганлар. Аммо Абу Ҳафс Кабир Бухорий (150-216-17 хиж., 768⁶-832⁷ мил.й.)⁸ ҳам Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса кўшган мадрасага асос соганини инобатга олсан, мазкур мадраса

Сафаралиев Б.С. Народное образование как показатель социокультурной ситуации в истории Среднеазиатского общества. // Вестник Челябинской государственной академии культуры и искусств. 2011 / 2 (26). (Бундан кейин: Сафаралиев Б.С. Народное образование как показатель социокультурной ситуации в истории Среднеазиатского общества.); Faflurov U. XIX asr Toshkent madrasalari. http://fikr.uz/blog/toshkent_islom_universiteti/html (Бундан кейин: Faflurov U. XIX asr Toshkent madrasalari.); Remple L.I. Ҳақимлар мадрасалари. – Т.:1981.; Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирстве. – Т.: Финн, 1991.; Зорина Ю.П. Медресс в регионах дореволюционной России как профессиональные учебные заведения. // Историческая и социально-образовательная мысль. 2014. № 3 (25). ва бошқалар.

⁵ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жильфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 161. (Бундан кейин: Наршахий. Бухоро тарихи.).

⁶ Абдулкарим Самъоний. Насабнома (Лл-Ансаб). Абдулғафур Раззок таржимаси. – Бухоро: Бухоро, 1999. – Б. 37.

⁷ Наршахий. Бухоро тарихи. – Б.55.; Жоха Муҳаммад Порсо. Фасл алхитоб. Манбалар хазинаси. Тошибосма. №34. – Б. 295.

⁸ Бундан кейин: 150/768 й. тарзида берилади.

қўрсатилган мадрасалар билан бир вақтда, балки улардан ҳам қадимийроқ экани маълум бўлади⁹.

Мадраса ўкув дастурининг умумий жиҳатлари X-XII асрларда ишлаб чиқилиб, кейинчалик такомиллашиб борган.

Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафакат Мовароуннахрда, балки мусулмон шарқида ҳам машҳур эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида мадрасалар олий маълумот берувчи марказ вазифасини ўтаган. Мовароуннахр ҳамда Хуросонда асосан давлат ва давлатманд шахсларнинг маблағлари ҳисобига кўплаб мадрасалар курилган.

Шу тариқа мадрасалар кўпайиб, олий ўкув даргоҳи сифатида диний соҳа вакиллари, сиёсий арбоблар ҳамда олимлар етиширадиган олий ўкув юртига айланиб борган. Мадрасалар асосан хон, амалдор, бадавлат кишилар ва зиёли шахсларнинг ташаббуси билан барпо этилиб, номи ўша шахслар исми, баъзан мадраса жойлашган маҳалла, гузар номи билан аталган¹⁰.

Мадрасалар холис хусусий мулк ҳисобидан курилиши шарт бўлиб, хон ва амирлар, йирик амалдорлар томонидан бундай иншоотларни давлат мулкидан бунёд этилиши шарнатга хилоф ҳисобланган.

Мадрасаларнинг асосий даромади вакф мулкларидан бўлгани учун яхши ҳосил олинмаган йиллари кийналган талabalар ва мударрислар муаммосини ҳал килиш мақсадида Мирзо Улуғбек мадрасаларни давлат ҳисобига ки-

⁹ У ўз замонасининг машҳур мадрасаларидан саналиб, ҳозирги «Пойи Калон» мавзесида жойлашган, мадраса Бухорода XIII асрда ҳам фаолият юритган. Караг'и: Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикхи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 121-122.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий Даълат архиви. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 33За-йигмажилд, 15-варак. (Бундан кейин: ЎзР МДА).

ритган ва уларга давлат бюджетидан маблағ ажратилган. Мадрасаларда нафақат бойлар, балки камбагалларнинг болалари ҳам ўқиши хукукига эга бўлган ва нафақа, кийим-бош билан таъминланган. Ўкув йили саккиз йилга қисқарган ва ҳафтада беш кун таълим берилган. Мирзо Улугбек ўкув дастурларини ҳам янгидан ишлаб чиққан¹¹. Янги ўкув қўлланмалар яратилиб, Мирзо Улугбек машгулотларни якка тартибда олиб боришни ман этиб, «жамоа»(гурух)ларга бўлиб ўқитиши услубини жорий қилган. Маърузалар 70 кишидан иборат катта гурухларга, амалиётлар эса 10-15 кишидан иборат кичик гурухларга бўлиб олиб борилган. Бу услуб кейинги асрларда ҳам сакланиб қолганинг архив маълумотлари ҳам тасдиқлайди¹².

Бухоро XVIII асрнинг биринчи ярми XIX асрда ҳам олдинги асрлардаги ўз нуфузини саклаб қолган. Айниқса, Бухоро амири Шоҳмурод (1785-1800 йй.) ва амир Ҳайдар (1800-1826 йй.) хукмронлиги даврида илмга эътибор кучайиб, диний билимлар гуллаб яшнаган¹³. Садри Зиё(1865-1932 йй.)нинг маълумотига кўра, Шоҳмурод Мири Араб мадрасасининг битта хужрасида кечакундуз риёзат чекиб илим олиш билан шугулланган ва халқ орасида «Амир Жаннатмакон» лақаби билан танилган¹⁴. «Тұхфат аз-зөири»

¹¹ Диистур бўйича араб тили, Куръон, нотикдик (санъати), хадис, мантитик, қуқуқшунослик, метафизика, математика, астрономия, медицина, география, тарик шаҳабиёт каби фанлар ўқитилган.

¹² Гурухларга бўлиб ўқитни услуги ХIX аср охири ва XX аср бошлирини ҳам давом этгани УзР МДА И-47-фонд, 33За ишда батағесил ёзилган.

¹³ Джурабейи Д.Х. Система мусульманского образования в Бухарском ханстве в конце XVIII-начале XIX вв. (по материалам русских источников). // История. Тарих. – С. 210. (Бундан кейин: Джурабейи Д.Х. Система мусульманского образования в Бухарском ханстве в конце XVIII-начале XIX вв.).

¹⁴ Қаранг: Садри Зиё. Мажмуъи Шарифжон Маждум. Шарқ кўлёзмалари маркази. Кўлёзма. №2193. 190а, 191а. (Бундан кейин: Садри Зиё. Мажмуъи ШКМ. Кўлёзма.).

асарида эса унинг ўгли амир Ҳайдар ҳам «Амир Саид» ва «Фирдавсмаконий» лақаблари билан танилгани қайд этилган¹⁵. Ҳатто Амир Ҳайдарнинг «Амир» ёки «Олий» номли мадраса курдиргани тўғрисида маълумотлар мавжуд¹⁶.

Амир Шоҳмурод амалдаги ёки бутунлай фаолият кўрсатмаётган вақфларни қайта ишга солди, улардан тушган даромад ва қўшимча соликлардан олинган даромадларни янги масжид, мадраса, хонақоҳ ва мактаблар, зиёратгоҳлар барпо этиши ҳамда уларни таъмирлаш учун сарфлашга буйруқ берди. Мирий¹⁷(1778-1829 йй.) «Маҳозин ат-тақво» асарида Шоҳмурод таҳтга ўтиргунга қадар кўплаб илм масканлари каровсиз қолгани ёки омборхона вазифасини ўтаганини ёзди¹⁸.

Амир Шоҳмурод мадраса талабаларига соликлардан тушиған даромад ҳисобидан иафақа (стипендия) тўлапни жорий этган¹⁹. У олий мадрасаларнинг фаолиятини ошириш максадида бир қанча ислоҳотларни йўлга қўйган. Бу ислоҳотлар асосан уч йўл билан амалга оширилган: аҳволи ёмонлашган мадраса биноларини таъмирлаш, вақф мулкларини қайта тиклаш орқали мадрасаларни молиялаштириш ҳамда масъул шахсларни мударрис этиб тайинлани²⁰.

¹⁵ Қарани-Поспруддин ибн Амир Музффар. Тухфат аз-зоирин. Тошибисит ислом университети. Манбалар хизинаси. Тошибосма. №101. – Б. 94. (Бундан кейин: Постируддин. Тухфат аз-зоирин.).

¹⁶ Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлади, 2009. – Б. 178.

¹⁷ Тўлик номи Мир Ҳусайн ибн Шоҳмурод. У Шоҳмуроднинг ўгли бўлиб, шоир, ёзувчи ва тарихчи сифатида ташилган.

¹⁸ Мир Ҳусайн ибн Шоҳмурод. Маҳозин ат-тақво. ШКМ. Кўлёзма. №51. 526-53а. (Бундан кейин: Мирий. Маҳозин ат-тақво.).

¹⁹ Анкс фон Кюгельген. Негитимация среднесазиатской династии мангитов в произведениях их историков. – С. 331.

²⁰ Маликов А.М. Культура Самарканда в конце XVIII-первой половины XIX в. – С. 292.

Аҳмад Доңиши (1826-1897 й.) ва Садри Зиёлар Амир Ҳайдар ҳукмронлик килган даврда илм олиш мақсадида Бухорога дунёниң турли жойларидан талабалар келганини, илм-фан тараққий этиб, илгари олимлар бунчалик ютуқса эга бўлмаганлигини таъкидлашади²¹. Инглиз сайди А.Бёрнс эса Бухоро мадрасаларида Эрондан ташкари барча мамлакатлардан келган талабаларни учратиш мумкинлиги, улар етти ёки саккиз йиллик ўкув курсини тутатиб, ўз ва-тандарига билим захираси билан қайтишларини қайд этади.

Хориждан келган айрим талабалар ўкишни тамомлагач, юртига қайтмасдан шу ерда мударрис бўлиб қолиши ҳам кузатилган. Жумладан, Муҳаммад Шариф иби Маҳаммад Накий Шоҳмурод ва Ҳайдар даврида яшаб, Бухоро мадрасаларидан бирига тарих ва адабиёт тарихидан дарс берган. Ўзи шоирлик килган²².

Абу Шараф Муҳаммад Ҳусайн иби Абу Умар Булғорий эса ўзи ҳакида шундай деб ёзди: «Факир Булғор шаҳарларидан бири бўлган Каргал шахридан 1231/1815 йилда Бухорога келиб, ҳозирги кунга қадар (1261/1845 й.) шу ерда яшаяпман». Тошкент Давлат Шарқшунослик институти кузуридаги Шарқ қўлёзмалари марказида²³ №2640 ракам остида саклангаётган китобда у Амир Насрулоҳон (1826-1860 й.) даврида саройда адабиёт билим шугулишгани ва амир ўғлига турли фанлардан таълим бергани ҳакида матълумотлар мавжуд²⁴.

²¹ Ақмад Доңиши. История маннитекої династии. – Перевод, предисловие и примечание Н.А. Науқафовой. – Душанбе: Доңиши, 1967. – С. 37.; Садри Зиё. Мажмуты. ШКМ. Кўнгезма. №2193. 1954.

²² Ҳали Заде Р. Историкии к изучению таджикской литературы второй половины XIX в. – Сталинабад, 1956. – С. 124-127.

²³ Бундан кейин – ШКМ.

²⁴ Альмеев Р. Святые места Бухары: мазар ходжа Булгар. //

XIX асрнинг 20-йилларига оид маълумотларга кўра, Бухорода Россия фуқаролари бўлган уч мингта яқин татарлар яшаган бўлиб, уларнинг уч юз нафари мадрасада таълим олиш мақсадида келган.

XX аср бошларида ҳам Бухоро Марказий Осиё, Кавказорти, ҳозирги Татаристон ва Бошқирдистон ҳудудлари учун исломий таълим марказларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этганини кўрамиз. Бу Туркистон генерал-губернаторининг 1899 йил якуни бўйича подшога ёзган хатида ҳам қайд этилган. Хат орқали Россияда 14 миллион атрофида мусулмонлар яшаётгани, қадимдан Бухоро мусулмонлар дунёсида маърифат ўчокларидан бири сифатида тан олиб келинаётгани ва ҳозирда ҳам бу борадаги аҳамиятини йўқотмагани тұғрисида хабар берилган²⁵.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида (Бундан кейин: ЎзР МДА) 1910 йилда Бухоро мадрасаларига ўқишига келган ўн беш нафар талабанинг исми шарифи, каердан келганлиги ҳамда қайси мадрасада таҳсил олаётганилиги рўйхатни келтириш мумкин²⁶. Яна №361 рақамли хужжатда келтирилишича, 1915 йилга келиб, Бухоро мадрасаларида таҳсил олаётган Россия фуқароларининг (рўйхатта олингандар) сони 101, бошқа маълумотта кўра эса 182 нафарга етган²⁷. Уларнинг Бухорода яшаб, ўқишилари учун назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган²⁸. Тадқиқот жараённанда хориждан келган талабаларга мадрасада оладиган нафақасидан ташқари алоҳида вакф мулкла-

²⁵ ЎзР МДА. И-1-жамгарма, 27-рўйхат, 276-йигмажилд, 13-варак.

²⁶ 1.1. иловага каранг.

²⁷ Мазкур хужжатда айтилишича, рўйхатта олинмаган талабалар ҳам кўп бўлган. ЎзР МДА. И-3-жамгарма. 1-рўйхат, 361-йигмажилд, 36-варак.

²⁸ 1.2. иловага карант.

ри ҳам инъом этилгани аниқланди. Жумладан, Ахходан келган талабаларга Мизроббой ибн Абдураҳим Ахло «Лаби Ҳовуз»да жойлашган тўртта чироқ сотадиган дўконни (1867 й.), Сайрамдан келган талабалар учун Ҳожа Азиз ибн Ҳожа Аваз Муҳаммад Коми Або Муслим туманидан 200 таноб ҳосилдор ерни (1677 й.), Туркистондан келган талабаларга Ҳожа Муҳаммад Азизон ибн Шайх Муҳаммад Коми Або Муслим туманидаги «Афғон Дезаи Калон» ва «Афғон Дезаи Хурд»нинг барча ерларини (1666 й.), Али Азизон Хутфар туманидаги «Каризи ризоия» ерларидан 900 таноб (1694 й.), Тошкентдан келган талабалар учун эса Муҳаммад Юсуфбой ибн Муҳаммад Солиҳ «Поёни Руд»дан 91 таноб ҳосилдор ерни (1812 й.) вақф қилишган²⁹. Бундан қадимдан юргимиизда илмга, толиби илм ҳамда мусофириларга бўлган ҳурмат, этиборини шакадар баланд бўлганини кўриш мумкин.

Амирикда фаолият юритган мадрасалар сони манбалярда турлича келтирилган бўлиб, аниқ маълумот мавжуд эмас. Жумладан, XX асрнинг бошлиарида Бухорда мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 га якин, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигига 350 та мадраса фаолият кўрсатайтгани қайд этилган³⁰. ЎзР МДАда саюланашётган «Қушбеги» фондидаги ҳужжатларга таяниб, Бухоро шаҳрининг ўзида 160 тадан

²⁹ Қаранг: ЎзР МДА. И-323-жамгарма, I-рўйхат, 127, 604, 755, 128, 746, 598-йигмажиллар; 4.1. иловада мадрасалар ҳамда мусофири талабаларга вакф этилган мулк ҳужжатларидан намуналар берилган.

³⁰ ЎзР МДА. И-3-жамгарма, I-рўйхат, 361-йигмажилл.

ортиқ мадраса фаолият юритганини келтириб ўтиш мумкин³¹. Бундан ташқари, XIX асрнинг 40-йиллари, рус сийёхи Н.Ханыковнинг кўрсатишига кўра, Бухоро да амир рўйхатида кўрсатилган 103 та мадраса бўлиб, улардан 60 таси энг катта мадраса ҳисобланган. Инглиз сийёхи А.Бёрнс шахарда мадрасалар сони 366 та деса, П.П.Иванов эса 150 дан ортиқ мадраса фаолият юритган ва ўқувчиларнинг сони 30 мингтага етган деб кўрсатди. Л.Климович амирлик пойтахтида 103 та мадраса, талабалар сони 20 000 та дея таъкидлайди. Хуллас, турли маълумотлар умумлаштирилганда Бухоро амирлигига 200 дан 400 га яқин мадраса мавжуд бўлган³².

Мадрасада турли соҳадаги малакали мутахассислар тайёрланган. Бу илм даргоҳини битирувчиларининг аксарияти мударрис, олим, адабиётчи, амалдор, элчи, ҳарбий, имом, рассом, мусиқашунос ва ҳатто маърифатпарвар бўлиб етишган³³.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, мадрасаларнинг молиявий харажати вакф даромади ҳамда давлат хазинасидан ажратилган кўшимча маблағ ҳисобига қопланган, ҳар бир мадрасанинг ўз вакф мулки ва вакфнома хуж-

³¹ ЎзР МДА. И-126-жамгарма, I-рўйхат, 1995, 930, 1994, 1996 ва бошка йигмажиллар.

³² Қаранг: Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX вв.). – М.: Изд. восточной лит.ры, 1958. – С. 107-108.; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX вв.). – М.: Изд. восточной лит.ры, 1958. – С. 107-108.; Климович Л. Ислам в царской России. Очерки. – М., 1936.; Сафаралиев Б.С. Народное образование как показатель социокультурной ситуации в истории Среднеазиатского общества. – С. 99.; Фафуров У. XIX аср Тошкент мадрасалари.; Ремзел Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Т.: 1981. – С.4.; Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Т.: Фан, 1991. – С.16.

³³ Зорина Ю.П. Медресе в регионах дореволюционной России как профессиональные учебные заведения. // Историческая и социально-образовательная мысль. 2014. № 3 (25). – С. 113.

жати бўлган. Вакфномада мадрасанинг чикими, ундаги хизматчилар: мутавалли, мударрис, ҳофиз, муҳри, нақиб, фаррош, ошпаз ва бошқалар, шунингдек, талабалар сони, уларга берилган маош ва нафақалар аник кўрсатилган. Ҳар бир мадрасанинг хон томонидан тайинланган ўз мутаваллиси бўлган³⁴. Мутавалли ходим ва талабаларга тўланадиган ҳақ, вакф ерларида ишни ташкил этиш, мардикорлар ёллаш, ижарачилар ва хиссадорлар билан шартнома тузиш, дўконлар, тегирмонлар ва мадрасанинг вакф мулкига кирувчи бошқа обьектлардан ижара ҳақини ундириш ва ундан бошқа ишларга масъул бўлган. Шунингдек, мадраса хизматчилари, мударрислари ва талабаларга бериладиган йиллик маош миқдори накд пул ва озуқалик дон ҳисобидан ажратилган.

Мутаваллига мадрасадаги хизмат кўрсатувчи ходимлар (ўқитувчи-мударрислардан ташқари) фаолиятини, айрим ҳолларда эса талабаларнинг дарсга қатнашиш давоматларини назорат қилиб туриш юкландиган. Унинг лавозими отадан болага мерос тарикасида ўтиши йўлга кўйилган. Вакф даромадлари мадраса талабалари, мударрислар, мутавалли ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасида шариат кўрсатмалари асосида тақсимланган³⁵.

Мадрасалардаги талабалар сони ва уларнинг ўқиш муддати мадраса даромадига боғлиқ бўлиб, даромадга караб мадраса ходимларининг сони ҳам белгиландиган. Шунингдек, мадрасаларнинг нафақалари ҳам бир-бiriдан фарқ қиласиди. Мадрасалардаги ушбу тафовут архив ҳужжатларида аник кўрсатилган³⁶.

³⁴ Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И. Демезона и И.В. Витке-вича). – М.: Наука, 1983. – С. 46.

³⁵ Ғафуров У. XIX аср Тошкент мадрасалари.

³⁶ Каранг: ЎзР МДА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 333-йигмажилд, 32-33-вараклар.

Абдурауф Фитратнинг ёзишича, Бухорода икки юзга яқин мадраса бўлиб, улар олий, ўрта ва куйи тоифаларга бўлинган. Мадрасаларнинг йиллик вакфи ҳам турлича бўлган. Жумладан, олий тоифадаги мадрасаларнинг (33 та мадраса) йиллик вакфи 250 000 тангадан 40 000 тангагача (жами: 2 815 000 танга), ўрта тоифадаги мадрасаларники (39 та мадраса) 35 000 тангадан 12 000 тангагача (жами: 961 000 танга), куйи тоифага мансуб мадрасалар юздан ортиқ бўлиб, уларнинг вакфи минг тангадан ўн минг тангагачадир. Бу мадрасаларнинг умумий вакф миқдори 500 000 тангага етгани кўрсатилган³⁷. Шунингдек, архив хужжатларида ҳам мадрасаларни вакф мулки ва йиллик даромади қайд этилган³⁸.

Амир Шоҳмурод давридан бошлаб инқилобгacha бўлган даврда давлатманд шахслар мадраса ҳамда хужраларни таъмиrlab, уларни талабаларга ижарага берган. Шу сабабли амирликда кўплаб мадрасалар барпо этилиб, хароба холга келгандари таъмиrlанди³⁹. Мухаммад Али Балжуоний ҳам мадрасаларнинг хужралари олди-сотдиси (яъни, таъмиrlаш мақсадида олингани) ҳақида маълумот беради⁴⁰. Мадрасага яқин хужраларнинг ижара ҳаки юкори бўлган. Агар талабанинг ижара ҳакини тўлашга маблағи бўлмаса, айrim ижара эгалари талабаларга олган илмидан унга ҳам ўргатиш шарти билан ижарага кўйган. Шу билан улар ҳам саводларини чикарганлар⁴¹.

³⁷ Абдурауф Фитрат. Таъланган асарлар. I жилд. – Т.: Маннавият, 2000. – Б. 111-112. (Бундан кейин: Фитрат. Таъланган асарлар. I жилд.). 3.3. иловага каранг.

³⁸ УзР МДА. И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 930-йигмажилд.

³⁹ Аштархонийлар мадрасаларни буздирган.

⁴⁰ Мухаммад Али Балжуоний. Тарихи нофенй. (Тожиж тилидан таржима, сўз бопи ва изоҳлар муаллифлари Воҳидов Ш., Чориев З.). – Т.: Академия, 2001. – Б. 35. (Бундан кейин: Мухаммад Али Балжуоний. Тарихи нофенй.).

⁴¹ Садриддин Айни. Воспоминания. Перевод с таджикского Анны Розенфельд. Издательство академии наук СССР. – Москва. Ленинград. 1960. – С. 195-196. (Бундан кейин: Садриддин Айни. Воспоминания.).

Архив хужокатлари билан танишганда Бухоро шахридаги мадрасаларда ижарага турган мударрислар ва талабалар ҳакида маълумотларга дуч келдик. Жумладан, «Абдуллахон» мадрасасида бешта, «Мадрасан Олий»да олтита хужра бушаб, буш хужраларга тавсия этилган талаба номлари кўрсатилган⁴². Бошка хужокатда эса Мулло Мир Юнус ва Мулло Мир Сулаймон исмли талабаларга «Жўйбори Калон» мадрасасидан бир хужрани 18 тилла миқдорда ижарага бериш ёзилган ва яна шунга ўхшаш кўплаб хужокатлар ҳам мавжуд⁴³.

1.2. Мадрасаларда таълим жараёни.

Мадрасага асосан мактабни тутатганлар қабул қилинган. Талабалар ёши 10 ёшдан 40 ёшгача бўлган. Е.К.Мейендорф, Н.П.Остроумов, Н.В.Ханыков, П.И.Демезон, Т.М.Аминов, В.Л.Бенин, Д.Н.Логофетлар тадқиқотларида мадрасада таълим 10 йилдан 30 йилгача бўлиши ва дарсларда қайси фанлар ўқитилиши ҳакида батафсил маълумот берилган⁴⁴.

Талабалар мадрасага имтиҳон асосида қабул қилинган. Улар билим даражасига қараб уч гурухга бўлинган.

⁴² 42. тоғонга юринг:

⁴³ Европа УзР МДА И-126-жамгарма, 1-рўйхат, 1998-йигмажилд. 32, 46, 47, 51, 61, 68. варзишар.

⁴⁴ Европа. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: 1975. – 150 с.; Остроумов Н.П. Мадрасы и Туркестанском крае // Журнал Министерства народного образования. Новая серия, Числь VIII. – январь, 1907. 12. 13.; Ханыков Н.Н. Описание Бухарского ханства, составленное Н.Ханыковым. – СПб., 1843. – С. 216-219.; Записки о Бухарском ханстве (Отчёты Г.И.Демезона и И.В.Виглевича). – М.: Наука, 1983. – С. 46.; Т.М. Аминов, В.Л. Бенин. Мусульманские образование в дореволюционной Башкирии. // Образование и наука. 2006. №3 (39); Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – С. 340.

Аъло (олий), авсат (ўрга) ва адно (куйи)⁴⁵. Улар мадраса ёткxоналарида яшаш хуқуқига зга бўлган. Тошкент ислом университети «Манбалар хазинаси» фондида сакла-наётган хужоатда кўрсатилишича, Самарқанднинг «Шай-бонийхон» мадрасасида таҳсил олаётган 25 нафар аъло (олий) гурухи талабаларига 242 сўм, 25 нафар авсат (ўрга) гурухи талабаларига 182 сўм ва 25 нафар адно (куйи) гу-рухи талабаларига 122 сўм микдорда нафака берилган⁴⁶.

Мадраса талабалари асосан икки гурухга бўлинган: дарсга мунтазам катнашадиган, мадраса хужрасида яшаб ўқийдиган талабалар ва дарсларга эркин қатна-шадиган талабалар. Мадрасаларда билим бериш асосан сухбат ва мунозара услубида олиб борилган, талабалар-нинг мустакил фикрлашига алоҳида эътибор каратил-ган. Мадрасан олийлар нафақат таълим-тарбия, айни вактда илм-маърифат маркази сифатида алоҳида эъти-бор қозонган. Ўкув йили охирида талабалар ўтилган фанлар юзасидан бевосита ота-онадар иштироқида им-тиҳон топширган. Мадрасани муваффакиятли тамомла-ган талабаларга шаҳодатнома – диплом берилган.

Ҳатто аъло баҳоларда ўқиган талабалар амир то-монидан турли совға ва накд пул мукофоти билан тақ-дирланган. Масалан, кўшработлик талаба Камолиддин Мири Араб мадрасасини аъло баҳолар билан якунлагач, унга амир Абдулаҳад сарупо кийгизиб, «Куръони ка-рим» ва «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини совға қилиб

⁴⁵ Хушвактов Нодир Ҳаким угли. История образовательной системы в медресе Мирзо Улугбека. / «Молодой учёный». №14 (118). Июль. 2016. – С. 491-492.

⁴⁶ Каранг: Тошкент ислом университети. Манбалар хазинаси. Аҳмад-хон ибн Исмоилхон фонди. 1-йигмажилд, 1-варак. (Бундан кейин: ТИУ. Манбалар хазинаси. 1-жамғарма, 1-йигмажилд).

сарайда ишлашга таклиф этган⁴⁷. «Тарихи нофей»да келтирилишича, мадрасада маълум вакт таълим олгач, «Хидоя»ни ўқиб тугатиши билан яхши ўқиган талаба амир буйругига кўра даҳяк (ушр) олган ҳамда бирор бир мансабга тайинланган. Муаллифнинг ўзи ҳам имтиҳон топшириб, даҳяк(ушр)га сазовор бўлганини ёзиб қолдирган⁴⁸. Мири Араб мадрасасида узоқ йиллар давомида таҳсил олиб, бош мударрислик лавозимигача кўтарилиган Ахмадхон ибн Исмоилхон ҳам амирнинг буйругига биноан даҳяк олган. Бундан ташқари, ЎзР МДАдаги «Күшбеки фондига» юз нафар аъло баҳога ўқийдиган талабаларни тақдирлаш учун муфтининг амирга ёзган аризаси сақланмоқда⁴⁹.

Ўз вақтида талабалар ҳам ўзларига мударрис излашва ташлашга ҳақли ҳисобланиб, унга қоникмаган мударрисдан бошқа мударрисга бориш имкони берилган⁵⁰. Аммо талабаларнинг бир мадрасадан бошқа мадрасага ўтиши жуда кам ҳолларда учраган. Айрим мадрасаларда маълум бир фан ёки китобнинг дастурда киритилмагани ёхуд туталланмай қолгани сабабли бошқа мадрасага ўша дастурни тугатиши мақсадида борилган. Масалан, Самарканд, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан кўпшиб ташабаларнинг Бухоро мадрасаларига келгани кужжитнирди кийд этилган⁵¹.

⁴⁷ Карапит Домин Юмандиддин юлий. Тузувчи: Абдулҳамид Аблусами ўти. – Г.: Ҳизик мериен, 2005. – Б. 9-10.

⁴⁸ Муҳиммад Али Байжупоний Тирниги поғсиш. – Б. 34.

⁴⁹ Карапит: ЎзР МДА. И-126-жамгарма, 1-рўйхат, 1999-йигмажилд.

⁵⁰ Садриддин Айни. Воспоминания. – С. 197.; Сифаралиев Б.С. Народное образование как показатель социокультурной ситуации в истории Среднеазиатского общества. – С. 98.

⁵¹ Карапит: ЎзР МДА. И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 333а-йигмажилд.; И-3-жамгарма, 1-рўйхат, 361-йигмажилд ва бошкалар.

Бинобарин, мадрасаларда талабалар тарбияси алоҳида эътиборда турган. Айни ҳолда, талабаларнинг ялқовлик ва хусусан, ахлоқсизлик қилишига йўл кўйилмаган. Мадрасалардаги тарбия жараёнини шартли равишда иккига ажратиш мумкин: 1) таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга қаратилган тарбиявий чоралар; 2) таълим билан узвий боғлиқ бўлган ахлоқий тарбияга йўналтирилган чоралар. Масалан, «Фозиён» мадрасаси вакфномасида тарбиявий тадбирлар аниқ кўрсатилган. Кўпинча чора-тадбирлар моддий жазо шаклида бўлган. Дарсларни ўзлаштириш соҳасида таълим дастурининг бажарилмай колган кисми аникланиб, бундай талабаларнинг ўқиши натижалари коникарсиз хисобланган ҳамда ўзларини мадраса ҳужрасида яшаш хукуқидан маҳрум этилган ва нафақа бериш тўхтатилган. Бухоронинг Ҳазрати Эшон Имло кўчасида жойлашган «Амир Шоҳмурод» мадрасаси вакфномаси-(Амир Насруллонинг муҳри босилган)да ҳам талабанинг дарсларга мунтазам қатнашиши шарт этиб кўрсатилган⁵². Яна бир жазо чорасига кўра, агар талаба бир ҳафта давомида дарсларга узрсиз келмаса, унинг нафақаси тегишли миқдорда камайтирилган⁵³. Агарда талаба мадрасада олти ойгача кўринмаса, у умуман нафақа олиш хукуқидан маҳрум бўлган⁵⁴. Ахлоқий тарбия бериш ҳам моддий жазо асосига йўналтирилган.

Мадраса талабаларининг яшаш тартиблари, шартшаронлари ҳакида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат қаби мърифатпарвар кишилар анча кескин ва тан-

⁵² Қаранг: ЎзР МДА. И-323-жамгарма, 1-рўйхат, 50-йигмажилд.

⁵³ Қазоков Б. Бухоро эски мадрасаларида таълим ва тарбия // Бухори шариф, 2006. 28 июнь.

⁵⁴ ЎзР МДА. Р-1010-жамгарма, 1-рўйхат, 20-йигмажилд, 7-вараж.

кидий фикрларни билдирадилар. Бинобарин, Абдурауф Фитратнинг ёзишича, мадрасада таҳсил олувчи муллалар олти ой ўқиб, колган олти ой мобайнида қишлоқларга бориб, имомлик қилиб, пул тўплашган. Муллалар биринчи ва иккинчи ўкув йилида китоблардан таҳсил олиш учун ҳар ким курби етганича, масалан, 20 тангадан 500 тангагача маблағ тўплаб, устозларига беришган⁵⁵. Садриддин Айнийнинг ҳам таъкидлашича, Бухоро мадрасасида ўкув йили 22-сентябрдан 22-маргача давом этган. Бу муддатда 6 ойга пули етадиган ёки очликка бардошли талабаларгина ўкий олган. Қишлоқлардан келган талабалар куз бошида келган бўлса, йигим-терим вақтида қишлоққа қайтиб, хосилни йиқкан ва пул тўплаб, Бухорага қайтган ҳамда ўкишини давом эттирган. Февраль ойида яна қишлоққа қайтган. Масалан: ўртача ҳисоблайдиган бўлсак, ўкув йили бошида 50 киши дарсга иштирок этган бўлса, бир ҳафтадан сўнг 20 киши қолган. Ноябрь ва декабрь ойларида синф яна тўлган. Ўкувчилардан иккинчи кетиши вақтида эса март ойи бошларида 10 га яқин талаба қолган ва шу 10 та талаба ўкув йилини якунлаган. 19 йил таълим жарёни шу ахволда кечган⁵⁶. Архив ҳужжатлари ва мавжуд тарихий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, амириликда ўз мавқеи бўйича учинчи ўринда турган қониқлон ҳоёр таълим миннинг ахволи, тарбиявий ишларга мисъул ҳисобланган. Амирликнинг барча вилоятлари ни шаҳарларида вакиллари бўлиб, улар юкоридан келган топширилишни амалга оширган. Ўз ўрнида талабаларга нафака ҳам ажратилган. Демак, таълим тизими ҳокимнят назаридаи четда бўлмай, ўз олдига қўйилган

⁵⁵ Фитрат, Танланган асарлар. I жилд. – Б. 50.

⁵⁶ Карап: Садриддин Айни. Воспоминания. – С. 200-206.

вазифаларни мамлакат тараққиёт даражасидан келиб чиккан ҳолда бажариб турган. Шунингдек, қозикалон айрим молиявий жиҳатдан қийналган талабаларга амирдан рухсат сўраб иш билан таъминлашни ҳам йўлга қўйган. Бу эса авваламбор талабанинг пул топиш мақсадида илмдан четлашмасдан, ўз соҳасига яқин иш билан таъминланса, иккинчи томондан олган билимини амалиётда қўллашга яхши имконият, илмини оширишга ва тажриба ортиришига қўл келган. Зотан, Мир Бадриддин Қозикалон Мулло Мир Афзал исмли талабага 18 тилло маошли ишга тайинлашни сўраб ёзган аризаси, Мулло Мир Бадриддин Садри раис «Мирзо Убайд» мадрасаси муazzини Мулло Абдураҳимнинг вафоти сабабли Мулло Муҳаммад Билол исмли талабанинг оиласи эканлиги ҳамда оиласини боқиши учун уни маоши 12 тиллодан иборат бўлган мазкур лавозимга тайинлашни сўраб ёзган аризалари фикримизни тасдиқлади⁵⁷.

Мадрасаларда ясовули уламо (олимлар қуриқчisi – Л.А.) лавозимида ишлайдиган ходим амир, күшбегига ўкув йилини бошлашга рухсат сўраб баёнот ёзган⁵⁸.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухоро мадрасаларида ҳафтада тўрт кунлик таҳсил жорий этилган. Яъни, якшанбадан чоршанбагача. Пайшанба, жума, шанба кунлари дам олиш кунлари ҳисобланган. Одатда машғулотлар сентябрда бошланиб, март ойигача давом этган. Ёз ойлари ва рамазон ойида таътилга чиқилган.

Дарслар бомдод намозидан кейин бошланган. Дарс эрталаб соат 4:00 дан 10:00 гача давом этган. 12:00 да

⁵⁷ Каранг: ЎзР МДА. И-126-жамгарма, 1-рўйхат, 1967, 1963-йигмажиллар.

⁵⁸ Каранг: ЎзР МДА. И-126-жамгарма, 1-рўйхат, 2000, 2001, 2002-йигмажиллар.

тушлик, сўнгра баҳс-мунозара. 16:00 дан 18:00 гача дам олинган. Кечки овқатдан сўнг яна тунгача баҳс-мунозара давом этган⁵⁹. Таалабалар ўкув курсига қараб эмас, балки қайси китобни ўқиётганилгига қараб жамоа-гурухларга ажратилган. Жамоа-гурух сони таалабалар микдори ва мадраса қамровига қараб белгиланган. Катта мадрасаларда ҳар бир гурухда 5-10 нафардан 20 нафаргача таалаба таҳсил олган⁶⁰.

Ўкув дастурлари уч қисмга бўлиб ўргатилган: диний адабиётлар, умумтаълим фанлар ва маҳсус педагогик фанлар⁶¹. Мадрасанинг ўкув курси, одатда, «Аввали илм» деб номланган форс тилидаги ўкув қўлланмасини ўзлаштириш билан бошланган. Мадрасаларда тўлиқ курсни ўқиб тугатиш учун таалабалардан фалсафа ва хукуқ фанларига оид тахминан 137 та дарслик-қўлланманни ўзлаштириш талаб этилган⁶². Бу дарсликларнинг аксариятини марказий осиёлик алломаларнинг асрлари, жумладан, И мом Бухорий ва Исо Термизийларнинг ҳадис тўпламлари, Абу Мансур Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид», Бурхониддин Марғинонийнинг «Ал-ҳидоя фи шарҳ ал-бидоя», Умар Қазванийнинг «Ар-рисола аш-шамсия фил қавоид ал-мантиқия», Абдураҳмон Жомийнинг «Ал-фавоид ад-диёя», Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубийнинг «Викоят ар-ривоя фи масоилил Ҳидоя», Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубийнинг «Ан-нукоя» кабин асрлари ташкил этган.

⁵⁹ Джурабаси Й.Х. Система мусульманского образования в Бухарском ханстве в конце XVIII-начале XIX вв. – С. 213.

⁶⁰ Айний С. Эддиониллар. / Асрлар. V. – Б. 200.

⁶¹ Аминов Т.М. История профессионального образования в Башкирии. Начало XVII века – до 1917 года. – М.: Наука, 2006. – С. 77.

⁶² Джурабаси Й.Х. Система мусульманского образования в Бухарском ханстве в конце XVIII-начале XIX вв. – С. 214.

Бундан ташқари, талабалар кизиқишлири ва мударрисларнинг салоҳияти ҳамда мавжудлигига қараб, ҳандаса, тиббиёт, кимё, жұтрофия, тарих, адабиёт, аruz илми, меъморчилик (архитектура) асослари, хаттотлик, мусика, математика, мантика, астрономия, араб адабиёти, этика, нотиклиқ санъати ва гигиена каби фанлардан ҳам билим олишган⁶³.

Бундан кўриниб турибдики, мадрасаларда фақатгина диний асосдаги фанларнигина ўқитилмаган. Шунингдек, айрим мадрасалар алоҳида ихтисослашганилиги боис, уларда алоҳида фанлар таҳсили йўлга кўйилган. Масалан, табиблар тайёрлаш учун «Доруш-шифо» мадрасасида Абу Али ибн Сино, Розий, Абу Ҳасан Али ибн Ризвон Мисрий, Субҳонкулихон⁶⁴ каби табибларнинг асарларини ўқитиш жорий этилган. Бундан ташқари, 1511 йилда ёзилган, 101 саҳифадан иборат Муҳаммад Юсуфнинг «Тибби Юсуфий» деб номланган рисоласи тиббиётта тааллукли маълумотлар ҳақида бўлиб, табиб-

⁶³ Аминов Т.М., Бенин В.Л. Мусульманское образование в дореволюционной Башкирии. // Образование и наука. 2006, № 3 (39). – С. 119.

⁶⁴ Субҳонкулихон тиббиётта онд «Тибби Субҳоний»дан бошқа форс тилида «Ихёу тибби Субҳоний» китобини ҳам ёзган. Бу асарнинг қўлэсма нусхаси (инв. №2101, 301 варак) ШКМда сакланади. Асар саккиз бобдан иборат бўлиб, унда турли дорилар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, Субҳонкулихон даврида тибга онд кўп асарлар араб тилидан форс ва ўзбек тилига таржима килинади ва қайтадан кўп нусхаларга кўчиртирилади. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш максадида 1697 йили Бухорода «Букъсан дор аш-шифо» номли 18 ҳужрали мадраса бино килинади, бу ерда мутахассислар дарс беради. «Дор аш-шифо» кошида касалхона, амбулатория ва дориҳона ҳамда кутубхоналар бўлган. Дориҳонада дори тайёрловчи иккита ходим ишлаган. «Дор аш-шифо» харажатлари вакфдан келадиган даромад хисобидан Йилига 40 минг танга миқдорида тайин килингани эди. Тўлиқ маълумот учун қаранг: А.Ирисов, А.Носиров, И.Низомиддинов. Ўрта Осиёлик кирқ олим. – Т.: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1961. – Б. 93.

ларни тайёрлайдиган мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган⁶⁵. Бундай мадрасаларда таҳсил олган талабалар кейинчалик шу соҳага оид рисолалар ёзиб, мударрислик қилган. Масалан, Жаъфархожа ибн Насриддинхожа Хусайнний Ҳазораспий 1823 йилда турли касалликлар ва уларни даволаш услублари ҳамда дори воситалари хусусидаги «Тиббий маълумотлар тўплами»ни ёзди. Жунайдуллоҳ ибн Шайхул ислом «Ҳозико» лақаби билан танилган (ваф. 1843 й.), шоир ва табиб бўлган. У 1843 йилда Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Ниёз Бухорий Муҳаммад Ақбар (XVII аср)нинг «Мезон ат-тиб» номли асарига шарҳ ёзган. Шарҳ ёзиш баробарида унга кўплаб қўшимчалар киритган⁶⁶. Мири Араб мадрасасида таҳсил олиб, шу ерда тиб илмидан сабоқ берган олим Аҳмадхон ибн Исмоилхон ҳам доришуносликка оид «Қарабодин Тайлокий» ва шогирди Абул Бақо Махзум ибн домло Эрназар мударрис «Ҳужжатул-лабиб» номли асарларини таълиф этишган⁶⁷.

Архив ҳужжатларидан маълум бўладики, Бухоро мадрасаларида бемор мударрис ва талабалар учун алоҳида ҳужралар ажратилган ҳамда улар ўша ерда даволанганд. Жумладан, «Күшбеги» фондида сакланаётган №1996 ҳужжатда 80 нафар bemorning Xалифа Худойлод, Модарихон, Абдуллахон, Чўбин, Жўйбори Калон, Муҳаммадамин, Боркаш, Миркон, Мадрасийи Олий каби ўшаб мадрасаларда даволанаётган мударрис ва

⁶⁵ Бухори Диний музей-музей-кўрикхонаси кўлёзма фонди. №13385/11.

⁶⁶ Вильданов А.Б. О состоянии науки в Среднеазиатских городах XVI – первой половины XIX века: (По данным восточных рукописей из фонда ИИ АН УзССР) // Обществ. науки в Узбекистане. 1989. № 7. – С. 36.

⁶⁷ Бу ҳақиди кейинги бўлимларда батағсил маълумот берилади.

талабалар рўйхати берилган⁶⁸. Яна шу фонднинг №1994 хужжатида ҳам шу каби рўйхат берилиб, хужжат остида 400 нафар беморнинг исми келтирилгани қайд этилган. Аммо, хужжат бутунлигича сакланиб қолмаган, унда 295 нафар беморнинг исми ва мадрасалар номи ёзилган⁶⁹. Бундан тиб фанидан дарс берган мударрисларнинг факат таълим бериш эмас, балки ўз билимларини амалиётда ҳам кўллаганликлари аён бўлади. Жумладан, Мири Араб мадрасасида тиб илмидан дарс берган Аҳмадхон ибн Исмоилхон ҳам беморларни даволагани унинг «Қарабодин Тайлоқий» номли рисоласида зикр этилган⁷⁰. Мадрасада иккита ҳужра айнан бемор даволашга ажратилгани бунга ёркин мисол бўлади.

Садриддин Айний ўзининг «Эсадаликлар»ида негадир айрим маълумотларни нохолис баҳолаганини кўриш мумкин. Масалан, Мири Араб мадрасасида уч юздан ортиқ битирган талабалар орасидан бирорта ҳам шеъриятни севадиган ва адабиётта кизиқадиган талабани учратмагани ҳакида ёзган⁷¹. Аслида ҳам шундай бўлганми? Манбаларга мурожаат этадиган бўлсак, авваламбор мадрасаларда адабиёт, аruz ва араб адабиёти каби фандарнинг ўтилиши, Раҳматуллоҳ Возех Бухорийнинг «Тұхфатул-ахбоб фи тазкиратул-асҳоб» номли рисоласини айнан шоирларга багишлагани, улар орасида мадраса битирудчилари ва мударрисларнинг ҳам қайд этилиши бу фикрнинг хато эканига далолат қиласи. Шунингдек, Садри Зиё «Жомеъ»сидан ўрин эгаллаган 29-рақамли

⁶⁸ 1.3. иловага қаранг.

⁶⁹ ЎзР МДА. И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 1994-йилжилд, 1-варак.

⁷⁰ Қаранг: Аҳмадхон ибн Исмоилхон. Қарабодин Тайлоқий. ТИУ. Манбалар хазинаси. Кўлёзма. №339.

⁷¹ Садриддин Айни. Воспоминания. – С. 213.

рисола («Фузалойи мутааххирин ва шуъарои маъсирин») айнан ўзи яшаган даврдаги шоирларга бағишиланған бўлиб, улар орасида мударрислар ҳам бор⁷². Яна тадқиқ этилаётган «Тазкиратул инқилоб» асарининг муаллифи айнан Айний ўқиган кезлари у ҳам Мир Араб мадрасасида таҳсил олган ва адабиёттага бўлган қизиқини юкори бўлган. Чунки унинг кутубхонасида Ҳофиз, Жомий, Навоий, Бедил, Имло, Соиб, Машраб каби ўнлаб шоирларнинг тўлиқ девонларини учратиш мумкин. Бундан ташкари, кўплаб қайд варакларида форс ва турк тилларида ёзилган байтларнинг учраши унинг шеърият билан ҳам шуғулланганинг исботидир. Тадқиқотчи М.Турсунованинг «Мадрасалар таълимида адабиёт сабоги» номли монографияси ҳам айнан мадрасаларда адабиёт фанини ўқитишнинг тарихий босқичлари ва услубларига бағишиланган⁷³. Бошқа тадқиқотларда ҳам бу мавзуда кўплаб маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, XIX асрнинг 30-йилларида Бухороди бўлиб, мадраса дарсларини кузатган Демезон ҳам талабаларни қўшимча равишда Румий, Мирзо Бедил, Ҳофиз, Саъдий, Исмат, Қосим ва Навоийларни севиб ўқишларини эслатиб ўтади⁷⁴.

Афсуски, мактаб ва мадраса таълим тизимини бундай поконис баҳолашлар бошқа тадқиқотларда ҳам учрайди. Бу ҳол шўро тузуми даврида ёзилган айrim тадқиқотчиларнишиларида яққол кўзга ташланади. Масалан, С.М.Граменицкий Туркистон мактаблари ҳақида ёзар

⁷² Карапин Саиди Йоё Мажмуъа. ШҚМ. Қўлёзма. №2193. 3326-3376.

⁷³ Карапин Турсунови М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоги. Монография. – Самарқанд: СимДУ нашри, 2010. (Буидан кейин: Турсунова М. Мадрасалор таълимида адабиёт сабоги.).

⁷⁴ Записки о Бухарском чанчаке (Отчёты Демезона П.И. и Витковича Н.П.). – М.: Наука, 1983. – С. 45-46.

экан, тўрт йил мобайнида ўкувчилар факатгина механик ўкишни ўрганиши, ундан сўнггина ҳарфларни ёзиш, жуда кам ҳолатда айрим сўзларни ёза олиши, мактабда факат кундалик ҳаётда керак бўладиган ибодат масалаларинингина ўзлаштириши мумкинлиги ҳакида гапиради⁷⁵. Аммо бизнинг фикримизча, бу айрим мактабларга хос бўлиши мумкин. Чунки мадрасага ўкувчи имтиҳон асосида қабул этилган. Агар у ҳарф танимаса, қандай қилиб синов имтиҳонларини топшира олган? Тўғри, XIX аср охири XX аср бошларида ўлкада турли низолар, сиёсий нотинчилклар ҳукм сурди. Бу барча соҳалар сингари таълим соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Таълим XI-XII асрлар ёхуд Амир Темур ва темурийлар давридек гуллаб-яшнамаган бўлса-да, илм тўхтаб қолгани йўқ. Айрим талаба ёки мударрисларнинг «камчилиги» эвазига аксарият зиёлиларни саводсизга чиқариш мумкинми? Талаба, мударрислар ҳакида гапирмайлик-да, амирлик чегараларини қўриклийдиган чегарачиларнинг қайд дафтарини таҳлил этсак, унда амирлик худудига кираётган ё чиқаётган ҳар бир шахс ҳакида батафсил маълумот берилган: Сана, унинг исми шарифи, бўйи, кўзи, қоши, соқоли, мўйлови, оғзи, бурни, юзи, касб-хунари, қайси вилоят, туман, мавзе ва гузардан эканлиги, хат ва саводи, махсус белгиси, нима мақсадда амирликдан чиқиб кетаётгани ҳамда кимнинг кафилигига кетаётгани ёзилган⁷⁶. Чегараада турганларнинг бари мадрасани тамомлаган дея олмаймиз, агар

⁷⁵ Қаранг: ЎзР МДА. Р-1010-жамғарма, 1-рўйхат, 20-йигмажилд, 15-варак.

⁷⁶ Бу ҳозирда мавжуд бўлган паспорт тизимига ўхшаб кетади. Яна амирликда паспорт тизими ҳам ўрнатилган. Қаранг: ЎзР МДА. И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 182-йигмажилд, 4.3. иловага қаранг.

узвр ёнишни билмаса, бундай маълумотлар бизгача қандай етиб келган?

Яна С.М.Граменицкий мадрасада ўқитиладиган фаниларни таҳлил этар экан, «Ҳисоб илми» (математика) фани мерос масаласини ҳал этиш учун ўқитилиши, унда арифметик тўрт амални ўтиб, қолган сон, каср⁷⁷, пропорциялар ўқитилмаслиги ҳамда талабаларнинг алгебра фанини умуман билмаслигини таъкидлаган⁷⁸. Тўғри, ҳамма мадрасаларда ҳам юқори савияда дарслар олиб борилмагани маълум. Лекин ҳозирги кунга қадар турии мадрасаларда ўқиган талабаларнинг ўкув дарслари ҳамда машқ дафтарлари етиб келган. Шундай китоблардан бир нечтаси Тошкент ислом университети (Бундан кейин: ТИУ) «Манбалар хазинаси»да сакланмоқда. Масалан, №120 рақамли қўлёзма айнан математика фанининг назарий қисмига бағишлиланган. Унда математик амалларни кўллаш қоидалари баён этилган. Бундан ташқари Мири Араб мадрасасида бош мударрис бўлиб, тафсир, ҳадис, талхис ва тиббиёт каби фаннадан дарс берган Аҳмадхон ибн Исмоилхоннинг китоблари орасида математика, геометрия фанларидан мисоллар ишланган учта китоб (машқ дафтар №№266/III, 281/II, 284/VIII) мавжуд. Олим ўзининг содиси бўлмаса-да, математика фанини чукур ўзлаштиргани мазкур китоблардан маълум бўлади. Китобда амаллар таърифи келтирилиб, сўнгра мисоллар очилган. Дистараб натурал сонлар, сўнгра сонлар устида амаллар-

⁷⁷ Каср – ар. «бўлак», «парча». Математикада бирнинг битта ёки бир нечти қисмидаги иборат сон.

⁷⁸ Карниев УзР МДА. Р-1010-жамғарма, 1-рўйхат, 20-йитмажилд, 4-вараж. Научные труды. С.М.Граменицкий. Статья о деятельности училищ Туркестанских мадрассе и мерах его преобразования.

ни бажариш усуллари, яни кўпайтириш, сонларнинг дарражасини хисоблаш, бўлиш, қолдиқли бўлиш, қўшиш, айриш, каср сонлар²⁹ (оддий каср, нотўғри каср ва аралаш каср), пропорциялар ва бошқа амаллар ҳакида ҳам атрофлича сўз юритилган. Муаллиф «кўпайтириш» амалини кўйидаги услубда ечган:

$$\begin{array}{r} 423 \\ \hline 846 \end{array}$$

Замонавий дарсликларда эса бу кўпайтма қўйидаги шаклда ёзилади:

$$\begin{array}{r} 423 \\ \times 2 \\ \hline 846 \end{array}$$

Иккала услубда ечилган мисолни киёслайдиган бўлсак, биринчи услубда 1-кўпайтувчи ёзилган, аммо 2-кўпайтувчи, 2 раками ёзилмасдан чизик тагига тўғридан-тўғри жавоб, яъни кўпайтма ёзилди. Бир томондан қаралса, мисол ихчамгина берилган, шу билан бирга чукур мушоҳада юритишни ҳам талаб этади. Чунки кўпайтмадаги 2-кўпайтувчи ёзилмаган. Жавоб орқали бу кўпайтувчини қандай ракамга тенглигини аниқлаб олишимизга тўғри келади. Бу эса ўкувчидан ўта идрокли бўлишни талаб килади.

Мисол:

$$\begin{array}{r} 423 & 423 & 324 & 2134 \\ \hline 1269 & 1692 & 1620 & 12804 \end{array}$$

Хозирги дарсликларда бу мисоллар қўйидагича ёзилади:

²⁹ Китобда касрнинг сурати ва маҳражлари хусусида ҳам сўз боради.

$$\begin{array}{r}
 423 & 423 & 324 & 2134 \\
 \times 3 & \times 4 & \times 5 & \times 6 \\
 \hline
 1269 & 1692 & 1620 & 12804
 \end{array}$$

Колган учта амал ҳам шу сингари бажарилади. Бундан ташқари, түр усулида күпайтириш – «Балиқ түри» деб иомланиб, ҳозирги кунда фойдаланадиган «Пифагор жадвали»ни эслатади. Лекин «Пифагор жадвали»дан иғзашылған томони шундаки, унда сонларни күпайтириш шарттасыда ҳосил бўлган күпайтманинг ўнликлар хонаси юкори катакчага ва бирликлар хонаси пастки катакчаларга алоҳида ажратилиб ёзилган. Бунда эса ўқувчи бир шаҳрни ўзида ҳам күпайтмани, ҳам соннинг бирликлар на ўнликлар хонаси қандай сонлардан иборатлигини күриши мумкин. Айникса бу жадвал күпайтиришни ўргаништаган ўқувчилар учун анча кизиқарли. Бир вақтнинг ўзида ҳам күпайтиришни ўрганади, ҳамда сонларни ўнликлар ва бирликлар хонаси қандай бўлишини тақрорлайди⁸⁰. Шунингдек, бир неча математик қоидалар, мисол ечишнинг турли услублари ҳам мавжуд⁸¹.

Мазкур мисоллардан маълум бўладики, С.М.Граменитский барча мадрасалар таълим тизими билан тўлиқ танишолмаган бўлиши мумкин. Чунки Туркистонда мадрасалар сони жуда кўп бўлган. Уларнинг ҳар бирини тадқик этиш иложсиз албатта. Ҳозирги кунда Беруний, Хоразмий, Ибн Сино каби ўнлаб алломаларимиз илмий

⁸⁰ 4.4. иловага карант.

⁸¹ Мушилиф ушбу манбаларин тадқик этишда яқиндан ёрдам берган шу сөзде (шинк ғанлар) мутахассиси, Кори Ниёзний иомли Педагогика илмий тадқиқот институти тадқиқотчеси К.С.Алимовага ўз миннатдорчилориниши бишадириди.

меросидан дунё аҳли хабардор. Аммо, яқин ўтмишимизга назар соладиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган аждодларимиз мероси, уларнинг фаолияти тўлиқ тадқиқ этилмаган. Аксинча, улар ҳакида танқидий фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Айниқса мадраса таълими, мударрис ва талабалар каттиқ танқид остига олинганд. Аммо манбалар асосида уларнинг фаолиятини таҳлил этиш жараёнида бунинг аксини кўриш мумкин. Оддий математика фани мисолида олиниадиган бўлса, унда берилган топшириклар чукур мушоҳада этишини талаб этади. Бир мисолни бир неча усул билан ечилиши, талабанинг фикрлаш доираси серқирра эканлигидан далолат беради. Шу соҳа мутахассислари ҳозирги кундаги математика дарслуклари билан XIX аср охири ва XX аср бошларида ўқитилган дарслукларни қиёслаб, ўқувчи ва талабаларнинг дарсдан ташкари машғулотларида кўлласа, уларнинг билим-кўнікмаларини янада ривожлантириши мумкин. Хуллас, юқоридаги мисоллардан мадраса таълим тизимида дунёвий фанларнинг ҳам пухта ўқитилганини кўриш мумкин.

Афсуски, шўролар даврига келиб, 1920-1930 йилларда «маданий инқилобчилар» томонидан мадрасаларнинг кўпчилиги бузиб ташланди. Омон қолган айрим мактаб ва мадрасалар бирин-кетин ёнила бошлиди. Вакф мулклари мадрасалар тасарруфидан олиниб, уларнинг фаолиятига нукта қўйилди. Кўплаб мадрасалар қамоқхона ва омборхоналарга айлантирилди. Халқ таълими, ўқитиш тизими ва йўл-йўриклиарнинг мазмун-моҳияти тубдан «янгича» шаклда ўзгарди, янги усуздаги дастурлар, дарслуклар ва ўкув кўлланмалари яратилди. Бу ҳақда Мухаммад Али Балжувоний ҳам айрим мадрасаларнинг аячли тақдиридан рањиб: «...

Бухоро инқилюбчилари таҳту баҳтга эришиб, «Хўржин мадрасасини», «Пушаймон мадрасаси»ни, «Ўткур кўшбеги» мадрасасини ва «Фатҳали кўшбеги» мадрасасини Бухоро инқилоби даврида камоқхонага айлантирилар. Бухоро аҳолисидан кўп одамларни асир олиб, амирнинг одамлари, деб камадилар», дея ёзади⁸². Кейинчалик, шундай XX асрнинг 40 йилларидаги сиёсий вазият туфайли ички сиёсатда динга нисбатан баъзи енгилликлар берилшига ҳаракат килинди. Бунинг натижасида 1945 йил 10 октябрда Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси қошида диний мадраса очилишига рұксат берилди. Юкоридаги бўйруқ асосида 1945 йил 29 ноябрда Диний бошқарма ихтиёрига иккита диний муассаса очилишига рұксаг берилганлиги тўғрисида қарор қабул килиниб, Тошкент шахридаги Барокхон ва Бухоро шахридаги собиқ Мири Араб мадрасаси фаолиятига рұксат берилди. Мири Араб мадрасаси 1946 йилдан 30 та талаба билан, Барокхон мадрасаси эса 1956 йилдан ўз фаолиятини бошлади⁸³. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда ўнта диний таълим муассасаси, жумладан, «Имом Бухорий» номидаги Тошкент ислом институти, 9 та ўрта маҳсус ислом билим юрти (мадраса) фаoliят кўрсатмоқда. Уларнинг иккитаси аёл-қизлар ўрти маҳсус ислом билим юртидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бухоро мадрасалари кадимдан ўз нуфузига эга бўлиб, талабаларнинг

⁸² Муҳаммад Али Балжуоний. Тарихи нофеній. – Б. 78.; Жамолова Д.М. Освещение вопросов образования в Бухаре на примере произведения «Тарихи нофений». // Ученый ХХI века. Международный научный журнал. № 4-2 (17), апрель 2016 г.

⁸³ Ҳайилова З. 1945-1990 йилларда Ўзбекистондаги мағкуравий ҳоизининг мадрасалар дастурига таъсири. // Тошкент ислом университети итимои таҳлилий ахбороти. №3. 2016.

мънавий киёфасини шакллантиришда муҳим аҳамият қасб этди. Бу эса ҳалқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одат, ахлоқ-одоб меъёrlари, тарихий миллый қадриятларини сақлаб қолишга, талабаларни камтар, хушмуомалали, ростгўй, олижаноб, сабр-токатли, ҳалол қилиб тарбиялашга ёрдам берди. Диний ва дунёвий фанлар уйғунликда ўқитилиб, маърифатпарвар олимлар, давлат арбоблари етишиб чиқди. Аммо, мадраса таълим тизимидағи ушбу ютуклар, юртимиз тарихи, илмий мероси етмиш йилдан ортиқ давр мобайнида нохолис ёритилиб келинди. Бугунги кун тадқиқчилари олдида турган масъулиятли вазифалардан бири – бу юртимиз тарихини асл ҳолича ўрганиб, ёш авлодга етказишдан иборат.

1.3. Мударрислар фаолияти

Мустабид совет тузуми давридаги дарсликлар ва тарихга оид асарларда Туркистон ҳалқининг асосий қисми саводсиз бўлган, аҳолининг бор-йўғи икки фоизигина ўқиши-ёзишни билган, деган нохолис иддаоларга кўп дуч келинади. Масалан, Дмитрий Граменитский «Мусулмонлар ҳаётида бошланғич мактаблар кўп бўлишига қарамай, саводли кишилар жуда кам⁸⁴», деб уқтиради. Яна бир рус олими В. Вяткиннинг сўзлари ҳам ҳамкаслариникидан фарқ килмайди: «Ибитидой мактаблар барча кишлокларда бор, аммо ҳалқ қанчалик ўқимасин, барибир саводсизлигича қолаверган⁸⁵», деса, К.Е.Бендриков «Мактабдаги ўқитувчиларнинг аксарияти табиат конунлари, жамият хаёти ҳамда ақлий тафаккур илмидан хабарсиз мадрасада

⁸⁴ Д.М.Граменитский в 1875 г. о Ташкенте в «Туркестанские ведомости», № 30.

⁸⁵ В.Л.Вяткин в 1904 г. о долине Зеравшана в газ. «Самарканд», № 113.

таҳсил олган имомлар эди»⁸⁶, дея таърифлайди. Бу каби илм аҳли учун билдирилган салбий фикрларни Н.С.Кулчанов⁸⁷, В.П.Наливкин⁸⁸, М.Н.Вирский⁸⁹ларнинг тадқиқот ва мақолаларида ҳам учратиш мумкин.

Ислом оламининг машҳур илм-фан ва маданият ўчколларидан бири сифатида жаҳонга юзлаб даҳо олимларни стиштириб берган юрт халқи мустамлака бўлмасдан олдин ҳам ялпи саводсиз эмаслигини тарихий далиллардан яққол билса бўлади. «Қомус ул-аълом»да келтирилишича, ўн тўққизинчи милодий асрда биргина Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 13 мингта хонадон, 18 та мадраса, 60 та бошланғич мактаб (куттоб) бўлган. К.Е.Бендриковнинг ёзишича, ота-оналар фарзандларини олти ёшга тўлмасданоқ мактабга таълим олгани беришган⁹⁰.

1878 йили Фарғона водийсига келган академик А.Миддендорф уч ой мобайнида аҳолининг саводхонлик даражасини ўргангач, бу ердаги мусулмон аҳолининг ёппасига саводхонлиги ҳақида хulosага келади ва бу ҳолат Россиянинг халқ маорифи арбобларига катта ма-ломат эканини ёзади⁹¹. Гаспринский Тошкентга келган-

⁸⁶ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы).

⁸⁷ Н.С.Кулчанов в 1887 г. о верховьях Зеравшана – в «Сборнике материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 гг.», вып. I, – Самарканд, 1890.

⁸⁸ В.П.Наливкин в 1891 г. о Сыр-Дарьинской области в «Сведениях о состоянии туземных мадраса о Сыр-Дарьинской области о 1890/91 учебном году», Ташкент, 1916. – С. 44.

⁸⁹ М.Н.Вирский в 1895 г. о Дюрткульской волости Самаркандского уезда – в «Справочной книжке Самаркандской области», вып. III, – Самарканд, 1895.

⁹⁰ Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). – С. 37.

⁹¹ Очерки Ферганской долины. Спб., 1882. – С. 362, 472.

да, зиёлилар билан учрашади. Учрашув асносида унинг Туркистон ҳақидағи барча тасаввурлари тубдан үзгари-ди. И smoилбей матбуотда туркестонликларни «савод-сиз ва жохил» сифатида айблаб, бонг ураётган хабар ва маълумотлари асоссиз эканлигига амни бўлади⁹².

Бундан кўриниб турибдики, мустамлакачилар халқ-нинг саводхонлик даражасини аниқлашда минг йиллар мобайнида шакланган ва исломий билимлар асосига курилган таълим тизимини бутунлай инкор қилишган ҳамда үзлари очган рус-тузем мактабларида таҳсил ол-ганиларниги саводли деб хисоблашган. Қарийб бир аср ўтмиши бузиб талқин этилган юрт фарзандлари олдида үз тарихини бевосита ўрганишдек масъулиятли ҳамда машакқатли вазифа турибди. Бу борада кўплаб тадқиқотлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда.

Мустамлакачилар таъбири билан айтганда, «икки фоизгина ўқиши-ёзишин билган аҳоли» орасидан қанчадан-қанча шоир, олим, давлат арбоблари ва мударрислар етишиб чиқди. Аммо уларнинг аксариятини тақдирин аянчли хотима топганини мустакилликка эришгандан сўнг англаб етдик. Куйида ўрга ва олий таълим маскани хисобланган мадрасаларда илм зиёсини тарқатиб, кўплаб олимларни стиштирган мударрислар хусусида сўз боради. Яна мударрислар ким бўлган? Уларни ким бу ла-возимга тайинлаган? Мударрисларнинг фаолияти қандай бўлган каби саволларга батафсил маълумот берилади.

Мударрис (арабча – «дарс берувчи») – мадраса ўқитувчиси хисобланиб, мадрасаларда ўқитиладиган муайян фандан дарс берган. Ўқитувчилик-мударрислик масъулиятли ва шарафли касб хисобланган. Истель-

⁹² Абдурашидов З. Устози муззам.

доли, барча билимлардан хабардор ва ҳурмат-эътибор коюнган алломалар маҳсус комиссия синовидан ўтиб, мударрислик вазифасига тавсия этилган. Айрим мударрислар синовдан ўтмаганлиги сабабли ўз лавозимидан маҳрум этилган⁹³.

Мадрасаларда дарс берадиган мударрисларнинг ўзи ҳам бирор мадрасани тугаллаган бўлиши шарт бўлган⁹⁴.

Мадрасада дарс бериши учун мударрисликка тайинланниш тартибига кўра, кичик мадрасаларнинг мударрисини қозикалон тайинласа, йирик мадрасаларнинг мударрисини эса, амир томонидан тайинланган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Абдурауф Фитрат охунд, муфти, мударрислик маргабалари амир томонидан қози калон воситасида, яъни қози амирга арз қилгандан сўнг улар номига ёрлик келишини келтиради⁹⁵. ЎзР МДА да ушбу мавзудаги ҳужжатлар кўплаб сакланмоқда. Жумладан, Мир Бадриддин қозикалоннинг амирга ёзган аризасида «Жаъфархўжа» мадрасасининг мударрисларидан бири Мулло Убайдуллохнинг вафоти сабабли «Жўйбори Калон» мадрасаси мударриси Мулло Маҳмудхўжани унинг ўрнига тайинлаб, 55 тилло маош белгилаш қайд этилган⁹⁶. Ушбу ҳол бошка хонликларда ҳам шу тартибда амалга оширилган. Буни Кўқон хонлигининг мударрис тайинлаш хақидаги кўйидаги фармони мисолида ҳам кўриш мумкин:

⁹³ Масалан, «Эшонкули Дотдох» мадрасасидан Тўрахўжа Эшон синовдан ўтгомай, ўз вазифасидан озод этилган. Каранг: ЎзР МДА. И-47-жамгарма, I-рўйхат, 333а-йигмажилд, 90-варак.

⁹⁴ Сафаралиев Б.С. Народное образование как показатель социокультурной ситуации в истории Среднеазиатского общества. – С. 98

⁹⁵ Фитрат. Танланган асрлар. I жилд. – Б. 51.

⁹⁶ Каранг: ЎзР МДА. И-126-жамгарма, I-рўйхат, 1967-йигмажилд, I-варак. Яна З-варакда ҳам шу мавзудаги ҳужжат мавжуд.

«...Хаммага маълум бўлгайким, биз иқтидорли ва муносиб олим Мулла Муҳаммад Содикни Муҳаммад Алихон қурдирган мадрасага мударрис этиб тайинлашга фармон бердик. Ушбу мадрасанинг барча илм толиблари фанлар бўйича билим олиш учун шул зотга муројсаат қылмоги даркор. Муҳр ва сана – 1843 й.».

Мирзо Улуғбек давридан бошлаб мударрис лавозимига номзод маҳсус Уламолар ҳайъатига имтиҳон топшириши, яъни ўз билимларини исботламоги лозим бўлган. Бирок, кейинчалик бу анъанадан бир оз чекинилган ва XIX асрнинг бошларига келиб мударрис лавозимига кўпроқ хонга қарашли шахслар тайинланана бошлаган⁹⁷.

Ўкув жараёнини ташкил этиш одатда, мударрисларнинг зиммасида бўлиб, улар қуийдаги уч тоифага бўлингган:

Биринчи тоифа – аъло даражали мударрислар. Бунга қози ул-қуззот, раиси калон, шайх ул-ислом, охунд, аълам, муфти, аскар кирган.

Иккинчи тоифа – ўрта даражали мударрислар. Бу тоифадаги мударрисларни кийган кийимларига қараб «банораспӯш» деб аташган. Айни шу тоифадан чиккан илми мударрислар муфтилик лавозимига эришган. Мазкур тоифадаги мударрислар тахминан икки юз нафар бўлиб, уларни яна «ўрта мударрислар» деб ҳам аталган.

Учинчи тоифа – қуий даражадаги мударрислар. Бу тоифадагиларни мударрислар, имом мударрислар, баъзан бекасабагўш деб аталган. Имом мударрислар сони уч юздан ортиқроқ бўлган⁹⁸.

Садриддин Айний эса Бухоро мударрисларини уч тоифага ажратган:

⁹⁷ Гафуров У. XIX аср Тошкент мадрасалари.

⁹⁸ Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофекий. – Б. 33-34.

1. Ўзи курсни тугатмаса ҳам аммо, таълим бериш кобилиятига эга шахслар. Улар бошлангич курсларга дарс берган.

2. Кўйи мударрислар. Уларнинг ойлиги харажатларни қопламаган.

3. Катта мударрислар. Кўп йиллар таълим бериб, мадраса вақфидан ойлик оладиган. Кўзга кўринган мударрислар⁹⁹.

Шуни таъкидлаш жоизки, мадрасаларда мударрислар сони таълим олувчилар сонига қараб белгиланган. Туркистон мадрасаларида таълим берувчи мударрисларнинг сони XX аср бошларида таҳминан 800 нафар деб кўрсатилади.

Ахмад Дониш мударрислик касбининг машққатлари ҳакида: «Кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечқурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, хуллас у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танаффусиз шугуулданади», деган фикрларни баён этади.

Тарихда айрим хукмдорларнинг ўзи ҳам мадрасада мударрислик қилгани ҳакида маълумотлар учрайди. Масалан, Мирзо Улугбек Самарқандда, Амир Шоҳмурод ва Амир Ҳайдар Бухорода мударрислик қилган. Шоҳмурод «Ҳидоя», Байзовийни «Китоб усул ад-дин»идан ҳамда Шотибий(ваф.1194 й)нинг асарлари ва унга ёзилган шарҳлардан дарс берган¹⁰⁰. Шоҳмуроднинг ўғли Мирийнинг ёзишича, Шоҳмурод «Шотибия» ҳамда унинг шарҳларини ёддан билган¹⁰¹. Яна отаси ҳакида ёзар экан, унинг кироъат, ха-

⁹⁹ Садрицдин Айтни. Воспоминания. – С. 206.

¹⁰⁰ Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. – С. 332.

¹⁰¹ Мирий. Маҳозин ат-тақво. Қўлэзма. №51. 2036-205a.

дис, тасаввуф ва фиқҳ илмлари билимдони экани, умрини талабаларга дарс беришга сарфлаб, кўплаб шогирдлар етиштирганини таъкидлайди. Мирийнинг ўзи ҳам отасидан «Шархи Мулло» китобидан дарс олган¹⁰². Амир Шоҳмурод ханафий мазхабига доир фатволарни жамлаб, асосан Бухоро уламоларининг фатволари асосида «Фатвойи аҳли Бухоро» номли асар ёзган. Афсуски, бу асар туталланмай қолган¹⁰³. Унинг кўлёзма нусхалари ШКМ фондида №2864, 5804, 2837, 2589 рақамлари остида сакланмоқда.

Амир Ҳайдар эса Аркдаги масжид қошида мадраса қурдирган ва ўзи ҳам ўша мадрасада дарс берган. «Таҳқиқоти Арки Бухоро» асарининг муаллифи Саид Муҳаммад Носир ибн Музаффар Амир Ҳайдар ҳакида: «Одатда у тушдан кейин хонақоҳ олдида йигирма нафар талаба билан сұхбат ўтказар, кимматли умрини зое кетказмас эди», деса, Шарифжон Маҳдум (Садри Зиё) ҳам амирнинг Арк қасрида бир неча гуруҳдан иборат талабаларга дарс бергани ҳакида маълумот беради¹⁰⁴.

Амир Ҳайдар кўплаб шогирдларни тарбиялаган. У «Шархи Кофия», «Шархи Мишқот», «Шамоили набавий» ва «Тафсири Қози Байзовый»дан дарс берган. Талабаларидан еттитаси амирдан ижозат олиб мударрислик билан шуғулланган¹⁰⁵. Садри Зиёнинг маълумотига кўра, Амир Ҳайдар кироат илми ва ҳаттотлик санъатини ҳам пухта эгаллаган.

¹⁰² Мирий. Маҳозин ат-такво. Кўлёзма. №51. 2056-206а.

¹⁰³ Мирий. Маҳозин ат-такво. Кўлёзма. №51.; ШКМ. Кўлёзма. №5804. Ia.; Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. – С. 333.

¹⁰⁴ Саид Муҳаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти Арки Бухоро. – Т.: Тафаксур, 2009. – Б. 41.; Садри Зиё. Мажмуъа. ШКМ. Кўлёзма. №2193. 195a.

¹⁰⁵ Носируддин. Тухфат аз-зоирни. – Б. 94-95.

Манбаларда қайд этилишича, Амир Ҳайдарнинг мадрасада таълим олувчи 400-500 нафар талаба шоғирдлари бўлган. Амир Ҳайдар талабалар учун Истанбул (Усмонли турк сultonлиги)дан китоблар келтиришга шахсан ўзи бош-қош бўлган¹⁰⁶. Яъни, 1815 йилда деонбеги Эшмуҳаммад ва Мирзо Муҳаммад Юсуф кўрчибошини мактуб билан Истанбулга юбориб, султон Маҳмуд II дан шариатта доир китобларни сўратганда, Маҳмуд II ўз элчиси Ҳасан Чалабий орқали Бухорога 32 жилдни китоб юборган.

Амир Ҳайдар Бухоро мударрислари билан ҳам яхши алокада бўлган. Масалан, унинг ҳуқомронлиги даврида Домло Муҳаммад ибн Сафар Ҳўжандий мударрис бўлиб ишлаган ва уни Маъруф (Хожибой), дея аташган. Кейинчалик амир Ҳайдар унга «Муҳаммад», дея ном берган¹⁰⁷.

Тадқиқотчи Абдусаттор Жуманазар Бухоро мадрасалари, хусусан Кўкалтош мадрасаси ҳакида ёзар экан, мадрасанинг таълим тизимини бир неча кисмларга бўлиб ўрганган. Жумладан:

Охунд: Олий таълим соҳасида олий даража. Дастребки «охунд» ўша даврнинг энг юксак мақомдаги илм даргоҳи бўлган «Абдуллахон мадрасаси»да дарс берган. Бу сўз шу вактдан таълим соҳасидаги расмий атамага айланади. Кисқа вактда охунд «Кўкалтош мадрасаси»га ўтади ва бу даргоҳ шуролар инқилобига қадар унинг доимий ўрни бўлиб қолади.

¹⁰⁶ Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. – С. 107.

¹⁰⁷ Джурбаев Д.Х. Научные труды светских и религиозных деятелей Бухарского эмирата в конце XVIII – начале XIX века. // Вестник Челябинского государственного университета. 2013. №36 (327). История. Вып. 58. – С.101.

Аълам: Таълим тизимида атама сифатида «охунд» билан қарийб бир вақтда шаклланган. Мунтазам ра-вишда «охунд»нинг ўринбосари бўлиб келган ва Гавку-шон мадрасасида дарс берган.

Муфти: Жамиятдаги ҳар қандай мураккаб масала ечими юзасидан хulosса чиқаришга илми етадиган олим. Уларнинг сони Бухоро шахри олий таълими со-ҳасида ўн, баъзан ўн бир кишидан иборат бўлган. Аъ-ламнинг ўрни бўш қолганда маҳсус танлов асосида улардан бири саралаб олинган.

Банорас тўнли: Таълим соҳасида ушбу қатlam ва атама қачон пайдо бўлганини хозирча аниқ айти олмай-миз. XIX асрда уларнинг сони қирқ-қирқ бир нафар атрофида эди. Улар зарурат бўлганда белгиланган си-новлар натижасига кўра муфти даражасига кутарилган. Муаррихларнинг таъкидлашиб, банорас тўнни ушбу тоифага мансуб бўлмаган бошқа олим ё устозлар ки-йиши таъкидланган. Бу шарафга зеришиб учун хизмат килиш лозим эди.

Ушбу тоифадаги олимлар охунд раҳбарлигида Кў-калтош мадрасасида йигилиб, жамиятда юзага келаёт-ган ижтимоий муаммолар билан боғлиқ илмий сұхбат ва мунозаралар ўтказиб турган. Бундай йигинларда баъзан кўшини хонликлардан келган таникли олимларни ҳам кўриш мумкин эди.

Мазкур тоифалардан кейин таълим тизимининг яна бир алоҳида занжирли ҳалқаси бошланади. Бу олий таълим соҳасининг қуий қисмидир. Улар орасида фан-нинг қайсиdir туринга ихтисослашган ўкув даргоҳлари ҳам учрайди. Масалан, баъзи мадрасаларда «Таҳзиб»-чи, «Ҳидоя»чи, «Саловат»чи, «Мулла Жалол»чи, «Ҳик-мат»чи каби мударрислар дарс ўтган. XX аср бошлари-

да ушбу икки тоифадаги ўкув масканлари Бухоро шахри ва унинг атрофида уч юзга яқин эди, деб келтиради¹⁰⁸.

Мадрасадаги биринчи даражали оқунд 25 минг танга маош олган, агар у яхши олим бўлса, яна 10 минг танга маош кўшилган. Мударрисларга амир ёки күшбеги томонидан турли тадбирларда совға-саломлар бериб турилган.

Мударрислар ҳам бундай эътибордан масъулиятни хис килган ҳолда ўз устиларида муттасил ишлаган. Яъни, дарслик ва ўкув кўлланмалари яратганлар. Мурракаб асарларни ўрганишнинг турли усусларини яратганлар. Улар томонидан яратилган ўқитиш усуслари кўйидагилардан иборатдир. Бу усуслар асрлар давомида шаклланган ва амалиётда кенг кўлланилган:

1. Усули хижоя (савтия) – бўгинга бўлиб ўкиш.
2. Илми шарҳ – тафсир.
3. Илми таҳлил – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
4. Илми мунозара – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
5. Илми қироат – (оҳанг ва сўз талаффузи орқали қироат).
6. Илми фасоҳат (илми балофат) – чиройли, ўринли сўзларни кўллаш.
7. Илми баён – нозик маъноларни баён қилиш (риторика).
8. Илми ғариба¹⁰⁹ (ғариф) – кам сўз кенг маънени ифодалаш, акс эттириш.
9. Илми маоний – баён этиш бўлиб, бирор нарса ёки ҳодисанинг моҳиятини, мазмунини ечиб берувчи илм.

¹⁰⁸ Абдусаттор Жуманазар. Бир жангчи ва Туркистон академияси. <http://mv-vatanparvar.uz/uz/>

¹⁰⁹ «Ал-ибора», «шорех», «зурафо», «сурофо», «дабир» каби атамалар ҳам «илими ғариба» билан боғлиқ.

10. Илми наср ва иншо – ёзма иш тури, услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.

11. Илми мухозирот – латифагүйлик, ҳозиржавоблик, зукколик.

12. Илми муаммо – бадний санъат тури булиб, шеъриятдаги масала ва рамзларни ечиш усули.

13. Илми мантрик – сўз маъносидаги мазмун.

14. Илми калом – накълий масалани ақлий далиллаш, исбот қилиш¹¹⁰.

Мадраса мударрислари аксарияти ўша мадрасада ишлайдиган мударрислар ҳамда талабаларнинг тавсияси билан тайинланган. Яъни, улар давлат мутасаддилари (хоким, қозикалон) номига ариза ёзиб, номзод мударрисни тавсия қилганлар. Масалан, кўконлик Мулло Абдуваҳҳоб Охунд Мулло Абдулғафур ўғлини «Жомеъ» мадрасасининг мударриси Маъсумхон Тўранинг вафоти сабабли унинг ўрнига мударрислик лавозимига тайинлаш тавсия қилинган¹¹¹. Яна Самарқанднинг «Тиллакори» мадрасасининг иккинчи мударриси вафоти муносабати билан барча талабалар ва мударрисларнинг розилиги ила Мулло Ҳожи Имомназар Муллобой Муҳаммад ўғлини унинг ўрнига мударрис этиб тайинлашни Самарқанд шаҳри уламолари (қози, мударрис ва муфтилар) аризаси¹¹² ёки Бухоро қозиси Мулло Мир Сироҳиддин номига ёзилган аризада ҳам «Мулло Курбон» мадрасасида мударрис ва муфти лавозимида ишлаган Мулло Жабборбердининг вафоти

¹¹⁰ Турсунова М. Мадрасалар таълимида адабиёт сабоги. – Б. 19-20.

¹¹¹ Карагъ: ЎзР МДА. И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 904-йигмажилд, 33-варак.

¹¹² Карагъ: ЎзР МДА. И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 904-йигмажилд, 69-варак.

сабабли ўрнига Мулло Раҳимқулини тайинлаш тавсия қилинган¹¹³.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, амирнинг «зиёратчилари» бўлган. Яъни, улар ҳар тонгда амир саройига бориб «Мехмонхонаи Раҳимхоний»га ўтириб Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларига салавот ва дуолар ўқиб қайтганлар. Улар давлатдан ҳар ой 30 танга маош олишган. Бундан ташқари, ҳар кун битта нон ва майиз олишган. Бухорода бунака гурухлар кўп бўлган. Ҳар бир гурухга 30 нафар одам бўлган. Айрим гурухлар саройга ҳар кун, бошқалари ҳафтанинг пайшанба куни, бошқалари эса ҳафтанинг душанба кунлари борган. Мири Араб мадрасасидаги зиёратчилар эса мадрасада яшаб, ҳар куни боришган¹¹⁴.

«Күшбеги» фонди хужожатлари билан танишганда фондда амир «зиёратчилари»нинг рўйхатлари сакланиши аниқланди¹¹⁵. Хужожатлар «Салавотхон», «Дуохон», «хатиблар», «Хатми Ҳожаҳон» каби бўлимларга бўлиниб, уларнинг рўйхати келтирилган. Рўйхатда номлари келтирилган салавотхону дуохонларнинг аксарияти мадрасаларда таълим берадиган мударрислардан иборат¹¹⁶. Бундан ташқари «Максурахон», «Кори» ва «Сахиҳхон»лар ҳам амирнинг Аркига бориб турган. Мазкур фондда уларнинг ишга тайинланиши, сони ҳамда оладиган маоши ҳақида хужожатлар мавжуд¹¹⁷. Шу ўринда нега мударрислар амир саройига тез-тез чакирилиб турган, деган савол тутилиши табиий. Бизнингча, мударрис-

¹¹³ Қаранг: ЎзР МДА. И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 1962-йигмажилд, 6-варак.

¹¹⁴ Садриддин Айни. Воспоминания. – С. 216.

¹¹⁵ Қаранг: ЎзР МДА. И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 1995-йигмажилд, 1-7-вараклар.

¹¹⁶ 1.4. иловага қаранг.

¹¹⁷ 1.5. ва 4.5. иловаларга қаранг.

ларнинг ҳар куни ёки ҳафтада бир ё икки кун саройга қатнаши, авваламбор сарой хаёти билан боғланиш, иқтисодий манфаат бўлса, иккинчи томондан ҳукумат эгаларини мадраса хаётидан воқиф этиб турилган. Яъни, ҳукумат аъзолари ҳар бир мадрасадаги тартиб-интизом, камчиликлардан хабардор бўлиб туришган.

Россия империяси истилосининг дастлабки йилларида мадрасаларда таълим ва ўқитиш ишлари анъанавий коидалар асосида олиб борилган бўлса, кейинчалик уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ўкув ишларини тартибга солишини ўлка маориф бошқармаси ўз қулига олган¹¹⁸. Бунга уларнинг ҳар бир мадрасада ўз вакилларини қўйиши, мударрислар устидан турли важларни баҳона қилиб Туркистон генерал-губернаторлиги Маориф бошқармасига шикоятномаларнинг ёзишлари мисол бўлади. Жумладан, 1914 йилда инспектор М.Андреев ёзган баённомасига кўра, айрим мударрисларнинг икки ва ундан ортиқ мадрасада дарс берётгани, бир вақтнинг ўзида шунча мадрасадан иш ҳаки олишидан шикоят этган.. Яна мазкур ҳолатга Бухоро ҳонлиги даврида йўл кўйилмагани, айни дамда¹¹⁹ эса умуман рухсат берилмаслигини айтган¹²⁰. Аммо бизнингча ушбу ахборот нохолис бўлиб, бундай ҳолат амирлик мадрасаларида кўп кузатилган. Масалан, Домло Икромча номи билан танилган Домло Муҳаммад Икром (1847-1925 йй.) Бухородаги Бадалбек мадрасасини якунлаб, Жаъфархонжа, Турсунжон, Мирн Араб, Кўкалтош ва Абдуллахон мадрасаларида узок йиллар мобайнида мударрислик

¹¹⁸ 1.6. Иловага ҳарани:

¹¹⁹ Яъни «амирлик» даврида (Л.А.).

¹²⁰ Қарани: ЎзР МДА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1391-йигмажидд, 21-варак.

килган¹²¹. Бундан ташқари, хонлик ва амирлик даврида бир мударриснинг иски лавозимда ишлаши ҳам кўп кузатилади. Масалан, Мир Қосим табиб Субхонкулихон даврида (1681-1702) «Доруш-шифо» мадрасасида мудир ва мударрис лавозимида ишлаган. Амир Ҳайдар даврида эса Атоуллоҳожа Шайхул ислом қози ал-куззот лавозими ҳамда «Кўкалтош» мадрасаси мударриси бўлиб фаолият юритган¹²². Шунингдек, Муҳаммад Али Ҳожи мадрасасида Мулло Набира Ҳожа, Болой Ҳавз мадрасасида Мулло Мир Аҳмад, Мулло Қурбон мадрасасида Мулло Жабборберди каби олимлар мударрис ва муфти лавозимида ишлаган¹²³. Яна айрим мударрисларни саводсизга чиқариб, уларга қарши иш очилган. Ҳужжатлар орасида мадраса талабалари номидан устозларининг билимли экани ва унга қарши ёлғон кўрсатма берилгани ҳакида баёнот берилган¹²⁴.

Бундан ташқари айрим нозирларнинг мадрасаларда фақат дикий билимлар ўқитилиши, уларнинг назорат остига олинмаслиги сабабли мадраса фаолиятини тұхтатиши кераклиги хусусида баёнотлари мавжуд¹²⁵.

Хуллас, шунга ўхшаш турли тазийклар ҳамда мадрасаларнинг кескин кисқартириб ёки ёпилиши оқибатида кўплаб мударрислар ишсиз қолишга мажбур бўлади. Уларнинг аксари саводсизга чиқарилиб, таълим соҳасидан четлаштирилади.

¹²¹ Вохидов Ш.Х. Домулло Икромча Муфти Бухори (1847-1925): жизнь и деятельность. // Иран-наме. №3-4. 2014. – С. 284-285.

¹²² Карап: Садри Зиё. Мажмуъа. ШҚМ. Кўлёзма. №2193. 186а., 197а.

¹²³ Карап: ЎзР МДА. И-126-жамғарма, 1-рўйхат, 1962-йилмажилд, 4, 6-вараклар.

¹²⁴ Карап: ЎзР МДА. И-47-жамғарма, 1-рўйхат, 1391-йилмажилд, 40, 41, 48-вараклар.

¹²⁵ Карап: ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 18-рўйхат, 29-йилмажилд, 11-варак.

II БОБ. МИРИ АРАБ МАДРАСАСИ МУДАРРИСИ АҲМАДХОН ИБН ИСМОИЛХОННИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

2.1. Мударрис ҳаёти ва илмий мероси

Аҳмадхон иби Исмоилхон ҳаёти ҳакида уни қўрган, сұхбатлашган яқинлари (масалан: невараси Исломов Нуридинхон) ҳамда шогирдлари авлодларининг хотиралари ўрганилди. Қўлга киригилган маълумотлар архив хужжатлари билан киёсланиб, таҳлил этилди.

Аҳмадхон иби Исмоилхон 1873 йилда Самарқанд вилоятининг Даҳбед¹²⁶ қишлоғида таваллуд топган. 1885 йилда 12 ёшга тўлгач, Бухорога таҳсил олгани боради. Аҳмадхон нараб жиҳатидан шажараси Маҳдуми Аъзамнинг 18-19-авлодларидан¹²⁷ саналади. Илмга бўлган ҳарислик аждодлар қон-қонига синганлиги боис, Самарқанднинг Найман қишлоғи аҳолиси Аҳмадхонни Маҳдуми Аъзам авлодидан эканлигини билгач, уни ўн икки йил мобайнида маблағ билан таъминлаб туради. Чунки у даврда мадрасада ўқиш учун талабалардан маълум микдорда маблағга эга бўлиш тақозо этилган. Сабаби, талабалар яшashi учун бирор-бир ҳужрани ижарага олиши, дарсликлар ҳамда қундалик харажатлар учун анчагина маблағ керак бўлган. Ёш Аҳмадхон ҳам бошқа талабалар сингари Бухорода ижарага туришига мажбур бўлади.

Аҳмадхон Мири Араб мадрасасида ўн икки йил таҳсил олиб, ўн олти йил мударрислик қилган. Аҳмад-

¹²⁶ Самарқанд шаҳрининг шимолий-ғарбий тарафида, Оқдарё ва Корадарё оралигидаги Миёнкодда жойлашган қадимий ва тарихий мавзълардан бирийлар.

¹²⁷ Маҳдуми Аъзамнинг Санд Кутбиддинхўжа ва Убайдуллаҳўжа исмили ўтилари бўлиб, Аҳмадхоннинг нараби Убайдуллаҳўжага бориб етади.

хон ибн И smoилхон Мири Араб мадрасасида бош мударрис¹²⁸ лавозимида ишлаб, тафсир, ҳадис, талхис ва тиббиёт каби фанлардан дарс берган¹²⁹. Олимнинг невариси Нуриддинхон Исломов бобосининг кундалигида ёнилган хотираларни ёдга олиб, маълум муддат амирнинг фармонига биноан мадраса дарслигидаги ҳадис ва тафсир фанлари эҳтиёткорлик билан чегараланган ҳолда ўтилгани, шу соҳага қизиқкан илм ахларига Аҳмадхон дарс бергани ҳақида ёнилганини айтади. Бу фикрни Мири Араб мадрасасида таҳсил олиб, ҳозирги кунда мазкур мадрасада таълим бераётган Абдулғафур Раззоқ Бухорий ҳам тасдиқлади. Олимнинг таъкидлашича, уша кезларда мадрасада ушбу фанлар расмий дарс сифатида ўқитилмаса-да, шу соҳа мутахассисидан таълим олиш урф бўлган. Масалан, Мири Араб мадрасасининг мударрисларидан Домла Холмурод ҳадисдан, Домла Кутбиддин фиқҳдан, қори Абдулхолик курро Куръон ўқишини етти хил кироъатидан дарс берган. Абдулғафур Раззоқ Бухорийнинг таъкидлашича, амирининг мадраса дарслигидан ҳадис ва тафсир фанларини чегаралаганининг асосий сабаби, «Жомеъ ас-Саҳиҳ»да тўрттала мазҳаб имомлари истифода этган ҳадислар мавжудлиги, Имом Бухорийнинг тўрттала мазҳабга ҳам истисно килган ҳолатларининг борлиги, ҳали илмни пухта эгалламаган талабалар орасида ҳанафий мазҳабига карши фикрлар кучаймаслиги ҳамда ҳанафийлик мазҳабининг нуфузини саклаб қолиш бўлган¹³⁰.

¹²⁸ Мадрасаларда «бош мударрис» яна «1-мударрис», «котта мударрис» каби номлар билан ҳам юртнинган. Қаранг: ЎзРМДА. И-36-жамгарма, 1-рўйхат, 3725-йигмажилд.; И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 394-йигмажилд, 10-11-вараклар.; И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 1391-йигмажилд, 4, 24, 138-вараклар.

¹²⁹ У юқори курсларга дарс берган.

¹³⁰ Тафсир илмни ўрганиш учун ҳадис пломидан яхши хабардор бўлиш такозо этади. Шу сабабли, маълум муддат бу фан ҳам чегаралантан.

Мирин Араб мадрасасида тиб бўлими ҳам фаолият юритган. Ахмадхон шу бўлимда тиб илмига тааллуқли оят ва ҳадислардан таълим берган. Мадрасада иккита ҳужра айнан бемор даволашга ажратилгани, мударрисининг факат тиб илмидан таҳсил бериш билан чегараланиб қолмасдан беморларни ҳам даволаганидан далолат беради. Ахмадхон беморларни даволагани унинг «Қарабодин Тайлоқий» номли рисоласида ҳам зикр этилган¹³¹. Ахмадхон унвони ошгач, Бухоро амирлигидан маош ҳам олган.

Олим қирк ёшга тўлгач, 1913 йилда Самарқандга кўчиб келади. У Бухородан китобларини бешта тужга юклаб келган. Шуролар тазикини сабабли китобларини уйни шифтидаги яна бир яширин хонасида сақлаган. Бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаган. Кейинчалик фарзандлар уйни таъмирлашаётганда ушбу маҳфий хонадан хабар топишган.

Кирк ёшгача оила курмаган Ахмадхон унга ўн икки йил таҳсил олишига кўмаклашган Найман қишлоғи аҳолисига миннатдорчилик тарикасида ўша ерга кўчиб бориб, оила қуради. Найманга қайтган олимга Тогай исмли мансабдор шахс етти гектар (учтаси Найман қишлоғидан, туртгаси эса Эшон қишлоқдан) ер ажратиб берган. Ушбу экин экилмайдиган ерларни қишлоқ аҳли билан ўзлаштириб, маълум муддат дехкончилик билан ҳам шугулланган. Унинг уч ўғил, икки қиз фарзандлари бўлиб, улар: Сайдмуродхон Ҳожа, Ҳасанхон Ҳожа, Исломхон Ҳожа, Санобархон ва Робияхон.

Давр иотинчлиги ва маърифатиарвар олимлар тазиқ остига олинган вақтлар Ахмадхон ҳам яшаш жойини беш марта ўзгартиришга мажбур бўлади. Инки-

¹³¹ Қаранг: Қўлёзма ҳакида 6-бўлимда багафени матлумот берилган. Ахмадхон иби Исломхон. Қарабодин Тайлоқий. ТИУ. Манбалар хазинаси. Қўлёзма. №339.

лобдан сўнг Мирি Араб мадрасаси ёпилгач, 70 та таваба ўқишни тугатолмай қолади. Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда Навоидан бўлган 70 нафарга якин талаба йигилиб, 1913 йилдаёк Самарқандга қайтган мударрис Ахмадхондан таҳсилни давом эттиришини иштимос қиласидилар. Навоидада¹³² унинг машҳакатли хизматлари туфайли шунча талаба ўқишни якунлаган. Ҳагто 1927-1928 йилларда ҳам Кўшработнинг «Узумсой» деган мавзесида талабаларга таҳсил бериб, хатмона килдирган¹³³. У кўплаб шогирдларга таълим берган бўлиб, куйида баъзиларини келтириб ўтамиш:

Мулло Абдураҳим Бухорий, Мулло Абдураҳмон (Нурота), Домло Олим Самарқандий, Домло Сайдкул ва Домло Камол (Кўшработ), Домло Элмурод, Домло Хонимкул ҳамда Домло Абдузоҳид (Жиззах), Домло Эшонкул, Домло Ибодулло (Бахмал), Мулло Тамойха Махзум, Мулло Абдуссалом (Челак).

Шунингдек, Самарқанднинг «Андижоний» номли кишилогонда истиқомат қилувчи Абул Бақо исмли шогирди ҳам бўлган. У 99 ёшда вафот этган. Унинг тиббиёт фанига доир (унда тиб илми билан шуғулланиш жонзлиги оят, ҳадис ва фатволар билан ёритиб берилган) «Хужжатул-лабиб» номли рисолоси ТИУ «Манбалар хазинаси» фондида №339/1 рақами остида сакланмоқда¹³⁴.

Ахмадхон ибн Исмоилхон умрининг охириларида тиб илми билан шуғуллангани, шу илм орқасидан тирикчилик килганини неварасига айтган. Олимнинг невараси Нурид-

¹³² Юкорида айтилганидек, олим беш марта яшаш жойини узгартирган.

¹³³ Олим ҳакидаги мазкур маълумотлар Ахмадхон ибн Исмоилхонни бевосита кўргаи, унинг шогирди билан ҳамсuxbat бўлган невараси Нуриддинон Исломов билан сухбат чогида ёзиб олионди.

¹³⁴ Кўлёзма ҳакида:

2.2. бандда батфисил маълумот берилди.

динхон Эшон ёшлиқ даврини эслар экан, шундай ҳикоя қиласди: «Бобомнинг шогирдлари собиқ шўро даврида ўзини телбага солиб юрар, гоҳ оёқ яланг, гоҳида эса жулдур кийимларда уйимизга келишар эди. Туни билан тонггача китобхонлик қилиб, бомдоdda тарқалар эдилар». Бундан уларнинг қандай нотинч замонда минг машакқатлар билан илм олиб, таҳсил беришганини кўриш мумкин.

Бизга маълум бўлишича, Аҳмадхон Мири Араб мадрасасида ўкиб, ишлаб юрган кезларида кундалик ҳам тутган. Унда ҳар кунги воқеалар, яъни амирлиқда юз бераётган сиёсий-ижтимоий вазият, Мири Араб мадрасасидаги мударрислар, талабалар хаёти, бемор бўлган талабалар ахволи, кундалик харажатлар, дарс жараёнлари каби ҳар бир воқеани қайд этиб борган¹³⁵. Афсуски, бу кундалик бизгача етиб келмаган. Аҳмадхоннинг невараси Нуриддинхон бобосидан эшигтан ва мазкур кундаликка қайд этилган бир воқеани ҳикоя қилиб беради:

«... Мадрасада бир талаба бўлади. У Арк яқинида яшовчи бир бойнинг қизига кўнгил қўяди. Аммо бой талабага қизини бермайди. Бир 67 ёшга кирган бева аёлнинг неча гектар ерлари, мол-дунёси бўлади. Шу талабани ҳеч бўлмаганда ош-нон еб турамиз деб кампирга уйлантириб қўйишади. Уйлангандан сўнгра уч ой яшаб талаба кетмоқчи бўлади. Шунда аёл унга кетмаслигини, бор мол-мулкини унга васият қилиб қолдиришини айтади. Орадан олти ой ўтгач, аёл вафот этади ва барча мулки талабага мерос бўлиб қолади. Йигит қизини бермаган бойга совчи юбориб, унинг қизига уйланади. Уйланган йигит Аҳмадхоннинг шогирди Абул Бақо эди...».

¹³⁵ Бу кундаликни олимникинг шогирди Абдураҳим Хожа, невараси Нуриддинхон кўрган.

Шогирди Мулла Абдураҳим(1887-1972 йй.)нинг ҳабар беринича, Аҳмадхон еттита асар ёзган. Улардан бештаси мустақил асар бўлса, қолган иккитаси таржима хисобланади¹³⁶. Афсуски, бу китоблар нашр килинмай қолиб кетган. Бухорода ишлаб юрган кезлари унинг шахсий котиби ҳам бўлган. Котибининг фожеали вафотидан сўнг, китобларни ўзи кўчира бошлаган¹³⁷. Унинг доришуносликка доир «Қарабодин Тайлоқий» ҳамда тарихга оид «Тазқиратул инқилоб» номли асарлари бизгача этиб келган.

Аҳмадхон ибн Исмоилхон тариқатда Фузордаги Халфа Турага байъат килган. Кейинчалик ундан иршод хати олиб, («Иршод» – тўғри йўл кўрсатувчи, ҳидоят этувчи, «иршод хати» – шайх муридига тариқат силсиласини давомчиси сифагида ижозат хати бериши. Л.А.) силсилани давом этирган. Олим валийсифат инсон бўлиб, куйидаги воқеадан бунинг исботини кўриш мумкин:

У шўро тузуми даврида турли айловлар билан ҳисбага олинади. Қамоқдалигидаги намоз вақти кирганда қўлидаги кишинлар ва панжара кулфлари очилар, у таҳорат олиб намозини адо этгач, яна жойига келиб ўтирас эди. Бу ҳолни кўрган кўриқчилар ундан нега кулфлар очилганда қочишга ҳаракат кильмаслигини сўрашади. Шунда у: «Мени шу ерда ўтири деб қамаб қўшишди, ўтирибман», дея жавоб қайтарган. Уч ойдан сўнг у оқланиб озод этилади¹³⁸.

Аҳмадхон 1952 йил 79 ёшида вафот этиб, Найман қишлоғининг «Қайрагоч мозор» қабристонида дағн этилган.

¹³⁶ Бинтаси тафсирга оид, иккичиси эса Имом Буқорийнинг «Жомъ ас-саҳиҳ» асари таржимаси.

¹³⁷ Арава устидаги юк ютиб устига тушиб, арава остига қолиб кетади.

¹³⁸ Нуриддинлон Ҳожа мазкур ҳодисага бевосита гувоҳ бўлган отаси ҳамда бир неча инсонлардан айнан эшитганидек хикоя килиб берди.

Олим вафотидан сўнг ҳам унинг шогирдлари устози оиласидан хабар олиб турган. Аҳмадхоннинг невара-си Нуриддинхоннинг таъкидлашича, отаси Исломхон Ҳожа шўролар тузуми сабабли Аҳмадхоннинг илмидан баҳраманд бўла олмаган. Кейинчалик Абдураҳим Ҳожа Бухорий устозининг ўғлига илм ўргатган. Яна Мири Араб мадрасасида таълим олаётган Нуриддинхон билан учрашиб, устози ҳақида кимматли маълумотларни хотирлаб ҳикоя қилиб берган. Тадқиқот жараёнида олимнинг мазкур шогирди хусусида маълумот топишга мусассар бўлдик¹³⁹. Қори Абдураҳим Ҳожа Турсунов (Эшон Баҳоуддинхон) Баҳоуддин Нақшбанд авлодига мансуб бўлиб, 1887 йилда Когон туманидаги Қасри Орифон қишлоғида тутилган. Отаси – Турсунхон беш ўғил кўрган: Фозихон, Хўжахон, Акрамхон, Арслонхон, Абдураҳим Ҳожа. Ўн икки ёшида мураттаб қорилик даражасига етган Абдураҳим Бухоро амири Саййид Амир Олимхонга куёв бўлган. Амир Бухорони тарк этганда, укалари «Қолинг» дейишиларига қарамасдан, «Мен Амирнинг куёвиман, шуро ҳукумати мени барибир ўлдиради», деб у ҳам Бухородан чиқиб кетади.

Қори Абдураҳим Ҳожа мустабид тузум даврида кулоқ бўлмаслик учун Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида кўчиб яшаган. 1927 йилларда Самарқанд вилояти Оқдарё туманига қарашли собиқ Калининномли колхоздаги Эшон қишлоққа бориб, Парда шоирнинг уйида қўним топади.

¹³⁹ Буида асосан, Нуриддинхон Исломов, Абдураҳим Ҳожанинг невараси Озод Турсунов хотиралари, Азизхўжа Иноятов ва Музайим Солиевалар томонидан тайёрланган «Зулматдаги зиёкорлар» номли рисоласидан фойдаланилди. Қаранг: Иноятов А., Солиева М. Зулматдаги зиёкорлар. Эътиқодини истибодод бука олмаган бухорий зиёлилар хаётидан ҳикоялар. Ж.1. – Т.: Ҳилол-нашр, 2016. – Б. 178-180.

Бир куни пешин намозига таҳорат олаётгандан ҳукумат одамларининг келганини билиб қолиб, югуриб уйга киради. Аскарлар келиб Парда шоирга: «Биз эшоннинг чопиб уйингта кирганини кўрдик, хозир тутиб оламизу сени кам эшонга қўшиб йўқотамиз», деб дўк урадилар. Уйга киришса, ҳеч ким йўқ. Эшонни ахтариб, топишолмай шоирни ҳақорат қилиб, чиқиб кетишади. Улар кеттандан сўнг қори Абдураҳим Хожа уйдан чиқади. Буни кўрган Парда шоирнинг тили калимага келмай қолади. У: «Ҳа, эшон бобо, садагангиз кетай, мени тамом қилдингиз», дейди. Абдураҳим: «Қўрқма, Аллоҳ суйған бандасини ҳеч қачон хор қилиб қўймайди», деб шоирни тинчлантиради.

Қори Абдураҳим 1934-1935 йилларда Бухорога қайтиб келиб оила қуради ва 16 нафар фарзанд қуради. 1945 йилда ислом динига бироз эркинлик берилганда, ҳукумат томонидан айрим масжидлар ишлашига руҳсат этилади. Уша даврда Ҳазрат Баҳоуддин масжиди ҳам очилиб, шу масжидда имом-хатиб бўлиб иш фаолиятини бошлайди. Олим сахий инсон бўлиб, икки нафар етим қизни ҳам ўз тарбиясига олган. Абдураҳим Хожа 1972 йил 29 августда Бухорода вафот этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихни англаш орқали кишида ҳаётни ва ўзлигини англаш қобилияти шаклланади. Айниқса, буюк аждодларнинг ворислари бўлган, башарият таракқиётига катта ҳисса қўшган миллатга дахлдор инсон қалбида ўтмишини ўрганишга эҳтиёж кучаяди. Унинг миллий ғурури мустақил таракқиёт йўлинни танлаган юрт фаровонлиги учун камарбаста бўлишига чорлайди. Аҳмадхон ибн Исмоилхоннинг машакқатли умр йўли унинг асарларида ўз аксини топган. Собиқ Иттифоқ даврида ўтмиши қора қилиб кўрсатилган, маънавияти поймол этилган, маърифатпарвар-

лари тазийк остига олиниб, қатагонга учраган миллат фарзандларининг илмий меросини ўрганиш, уларнинг номини тиклаш биз авлодлар зиммасидаги вазифалардан бири саналади.

2.1.1. Аждодига мос авлодлар

Ахмадхон ибн Исмонлхон юқорида таъкидланганидек, насаб жиҳатидан Махдуми Аъзамнинг 18-19-авлодларидан саналади. Олимнинг фарзандлари ҳақида маълумот келтиришдан аввал бобокалони Махдуми Аъзам хусусида зикр этиш жоиз топилди. Унинг тўлик исми – Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Ҳожаги Косоний Даҳбедий бўлиб, 1461 йили Фарғона водийсининг Косон шаҳрида Жалолиддин Косоний оиласида таваллуд топган. Онаси Саййид Абдулло Аржанд наслидан бўлган Мир Саъд Юсуфнинг кизи эди. Махдуми Аъзамнинг отонаси пайғамбар (с.а.в.) авлодига мансуб бўлиб, аждодларидан Марказий Осиёда туттилган биринчи бобокалони Султон Саййид Бурхониддин Қилич (XIII аср) саналади.

Аллома нақшбандия тариқатининг давомчиси бўлиб, фикх илмида ҳам шуҳрат қозонган. У зироатчилик билан ҳам машғул бўлиб, янги мева ва полиз навларининг яратилишида хисса қўшган. Махдуми Аъзам мадрасани тамомлагач, устозлари Мир Саййид Алиниң маслаҳати билан Самарқандга Ҳожа Аҳрор Валийнинг шогирди Мавлоно Муҳаммад Қозидан таълим олиб, илмини оширади. Махдуми Аъзам 1514-1516 йиллари шайбонийлар давлати бошқарув ишларида фаол қатнашиб, тинчлик ва осойишталиктининг сакланишига хизмат килади. Ҳукмдорларни доимо инсоф, ҳалқпарварлик ва адолатта даъват қилади. Жонибек Султон 1510 йили Са-

марқандга ҳоким этиб тайинлангач, Маҳдуми Аъзамни пойтахтга таклиф қиласи. У 1528 йили Самарқанд худидаги сўлим маскан Даҳбед мавзисида қўним топиб, дехқончилик ва боғдорчилик билан шугулланади.

Хожагон тариқатининг давомчиси Маҳдуми Аъзам 1542 йил 8 май душанба куни ўзи яшаб турган Даҳбед қишлоғида вафот этади.

Маҳдуми Аъзам ўзининг ҳаёти мобайнода қатор илмий асарлар ёзиб қолдирган. Бир неча шогирдларни тарбиялаб, вояга-камолотга етказган. Асарларидаги мавзулар одоб-ахлоқ, илохиёт, фалсафа ва адабиётга бағишланган. Олим маърифпарварлик руҳидаги гоялари, тариқат илмидаги қобилияти туфайли забардаст уламолар томонидон тан олиниб, Шайбоний ҳукмдорларидан Убайдуллохон, Жонибек Султон, Абдулазизхон ва Захириддин Мухаммад Бобурлар уни ўз устозлари деб билганлар. Унинг «Баёни чаҳор калима», «Одоб ас-соликин», «Ганжнома», «Одоб ас-сидикин», «Силсила ас-сиддиқин», «Рисолаи бакоия», «Танбех ал-уламо», «Рисолаи Гул ва Наврӯз» каби 30 дан ортиқ асарлари юртимиз фондларида сакланиб келинмокда.

Маҳдуми Аъзамнинг ҳаёт йули ва бой илмий мероси ёш авлодни ватанпарвар, иймонли, ўз ҳалқига садоқатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди. Маҳдуми Аъзам Косоний-Даҳбедийнинг авлодлари бутунги кунда Косонсой туманида, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида, Самарқанд вилоятида, Хиндистон, Покистон ва Арабистонда истиқомат қилиб келмокдалар. 1618 йилда Маҳдуми Аъзамнинг набираси Ҳожа Ҳошим даврида Самарқанд ҳокими Яланѓтуш Баҳодир алломанинг мақбарасини ободонлаштириб, унинг яқинида катта хонақоҳ барпо эттиради. Яланѓтуш Баҳодир-

нинг ўзи ҳам мазкур мақбарада дағн қилинганд. Мустақиллик йилларида тарихий ёдгорлик «Махдуми Аъзам» жоме масжиди ва мақбараси ободонлаштирилди.

Аждодлари изидан борган олим Аҳмадхон беш фарзанднинг отаси бўлиб, афсуски шўро тузуми даврида фарзандларнига таълим берса олмади. Аммо ўзининг аждодлари тарихини билган, теран англаған авлодлар бобоси изидан бориб, илм зиёсидан баҳраманд бўлдилар ва ҳозирга қадар юрганимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар ҳакида муҳтасар гапирадиган бўлсан:

Сайдмурод Ҳожа (ваф. 1992 й.) бўлиб, ундан беш фарзанд қолган. У дехқончилик билан шугулланган. Аҳмадхоннинг иккинчи ўғли Ҳасанхон (ваф. 1962 й.) ҳам дехқончилик билан шугулланган. Унинг иккни ўғли бор. Учинчи ўғли Исломхон Ҳожа (ваф. 1995 й.) уч ўғил, бир қиз отаси бўлиб, у ҳам дехқончилик билан шугулланган. Кейинчалик отасининг шогирди Раҳим Ҳожа Бухорийдан таҳсил олади.

Исломхонтўранинг тўнғич фарзанди Раҳимахон 1943 йилда таваллуд топган. Ҳозирги кунда нафақада. Ўгилларидан бири – Нарзиллохон 1950 йилда таваллуд топган бўлиб, 11 фарзанднинг отасидир. Тошкентдаги Миллий университетни тамомлаган, ҳозирда нафақада.

Яна бир ўғли Нуъмонхон эса 1955 йилда таваллуд топган бўлиб, дехқончилик билан шугулланади.


Катта ўғли Нуриддинхон Ҳожа 1947 йилда Самарқанд вилояти, Найман кишлогида таваллуд топган. Ўрта мактабни якунлагач, 1965-1968 йилларда Самарқанд вилоят тиббиёт институтида таҳсил олган. Сўнгра Бухоро вилоятига бориб 1972 йилга қадар масжидда оддий ходим бўлиб ишлаган.

1972 йилдан 1974 йилга қадар Самарқанд вилояти-

нинг Хожа Аҳрор масжидида имом ноиби бўлиб хизмат қиласди. 1975 йилда яна Бухорога кайтган Нуриддинхон Хожа Мири Араб мадрасасига ўқишга қабул қилинади. Нуриддинхон Хожа талабалик кезлари бобоси Аҳмадхоннинг яқин шогирдларидан бўлган Абдураҳим Хожа билан икки маротаба учрашади. Учрашув асносида Абдураҳим Хожа уни Аҳмадхоннинг талабалик ҳамда бош мударрислик лавозимида ишлаб юрган кезларда содир бўлган муҳим воқеалардан хабардор қиласди. Кейинчалик Нуриддинхон бобосининг кундалик дафтарини ўқиганда ҳам ўша воқеаларнинг кундаликка батафсил ёзилганига гувоҳ бўлади.

1980 йилда Мири Араб мадрасасини тамомлаган Нуриддинхон шу санада Тошкентдаги Имом Бухорий номли ислом институтига (Маъхад) ўқишга қабул қилинади. Аъло баҳоларда ўқиётган Нуриддинхон тарбиясини Зиёвуддин Бобохон Жамолиддин қори ҳамда Нўймон кори кўлига топширади. Нуриддинхон Хожа талабалик вактида Ўзбекистон ва Қозоғистон мусулмонлари идорасининг «Халқаро бўлим»ида ҳам ишлаган. 1984 йилда институтни якунлаган Нуриддинхон Хожа кўп йиллар мобайнида Жиззах вилоятининг Фаллаорол туманида бош имом хатиб лавозимида ишлаб келди. 2008 йилдан ҳозирга кадар Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарканд вилоят вакили, вилоят бош имом хатиби лавозимида ишлаб келмоқда.

ҲАЗРАТИ ИСҲОҚ ВАЛИНИНГ АВЛОДЛАРИ ШАЖАРАСИ¹⁴⁰



¹⁴⁰ Мазкур шажара К.Каттаевнинг «Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед» номли рисоласидан олинди.

2.2. Тошкент ислом университетида сақланаётган Аҳмадхон ибн Исмоилхон фонди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университетин ташкил этиш тұғрисида»¹⁴¹ ги 1999 йил 7 апрель Фармонига биноан «Манбалар хазинаси» бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети қошида фаолият кўрсатади¹⁴¹. Бўлим ходимларининг вазифаси минг йиллар давомида яшаб ўтган аждодларимиз томонидан яратилиб, мамлакатимизда сақланиб келинаётган ҳамда чет эллардан олиб келинган илмий маънавий, диний меросимиз дурдоналарини жамлаш, саклаш, уларни келгуси авлодларга етказиш ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боришдан иборат.

1999 йилдан хозирги кунга қадар фонд доимий равишда китоблар билан бойитиб борилмоқда. Бўлимда қўлёзма, тошбосма ва янти нашр китоблари фондлари мавжуд бўлиб, жами 12 000 га яқин китоб сақланади. Қўлёзма ва тошбосма китоблар бўлимида бир неча шахсий фондлар мавжуд. Шундай фондлардан бири «Аҳмадхон ибн Исмоилхон фонди» бўлиб, у 2013 йилда Самарқанд вилояти Тайлөқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро Исломов Мухиддин томонидан «Манбалар хазинаси»га ҳадя этилди. Китобларни совет иттифоқи давридаги турли тазииклардан бизнинг кунимизгача асрар-авайлаб келган Мухиддиннинг бобокалони Аҳмадхоннинг фонди «Аҳмадхон ибн Исмоилхон» номи билан аталди. Фонд таркибида 420 дона тошбосма ҳамда қўлёзма китоб, юздан ортиқ турли мавзудаги тарихий хужжатлар мавжуд. Мазкур китоблар Куръони карим,

¹⁴¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 4-сон, 91-модда. Тошкент ш., 1999 йил 7 апрель. ПФ-2282-сон.

тафсир, ҳадис ва ҳадисшунослик илмига оид манбалар, фикх, ақоид, ислом тарихи ва фалсафаси, мантиқ, араб тили грамматикаси, математика, геометрия, астрономия, космография, ветеринария, доришунослик, тарих, назмий асарлар, қиссалар, ҳикматлар, балоғат илми, сиёsat илми, турли қасбларга доир ва психология каби ўндан ортиқ мавзудаги асарларни ўз ичига олган. Куйида ушбу фонд китоблари ва ҳужоатларидан айримлари хусусида маълумот беришни жоиз топдик.

2.2.1. Кўлёзма китоблардан намуналар:

Мазкур фондда XV-XX асрлар оралиғида кўчирилган 90 та (уч юздан ортиқ асар) кўлёзма китоб сакланади. Ушбу китоблар орасида юртимиздан етишиб чиқкан олимларнинг ҳали ҳануз илм ахлига номаълумлигича қолаётган асарлари ҳам талайгина.

Фондда саклангаётган китоблар мазмунига қараб фан ёки соҳаларга бўлинади. Масалан: Куръон илмлари, ҳадис, тафсир, тарих, табиий фанлар каби. Турли фанларга доир айрим асарлар илмий тавсифидан намуналар келтирилади:

Нуриддин Абдураҳмон Жомий(ваф.898/1492 й.) нинг «Ад-дуррат ул-фохира» (№285/I ракам остида сакланади) номли асари.

Мазкур асар Мавлонбек ибн Мулло Нормуҳаммад аълам Тошкандий томонидан 1315/1897 йилда кўчирилган. Мазкур асар фалсафий-ирфоний меросида мухим ўрин тутган асарлардан саналади. Турли манбалар ва нусхаларда «Ад-дуррат ул-фохира» турлича номланган. У кўпинча икки ном, яъни – «Ад-дуррат ул-фохира» ва «Рисола фи таҳқики мазҳаб ас-сүфия ва-л-мутакаллимийн ва-л ҳукамо» билан аталиб келган. Жомийнинг



Мири Араб мадрасаси. XX аср боши.
Кинофотофондо жүжіктілар МДА. № 2-11807



Мири Араб мадрасаси. Хозирғы ҳолаты.



Мири Араб ва Минорас Калон. XX аср боини.
Кинофотофондохужжатлар МДА. № 2-7644



Мири Араб ва Минораси Калян. Ҳозирги ҳалати.



*Мири Араб, Масжиди Калон ва Минораи Калон.
Хозирги ҳолати.*



Мири Араб мадрасаси



Жўйбори Калон мадрасаси



Кўкалтош мадрасаси



Модарихон мадрасаси



Абдуллахон мадрасаси



Дарсда, XX аср боши.
Кинофотофондо жылжаттар МДА. № 0-6058



ХV аср бошидаги мактаб.
Кинофотофондо жылжаттар МДА. № 2-7695



Устоз ва шогирдлар. XX аср бошы.
Кинофотофондо жекелгилар МДА. № 0-94417



Хаттоттик дарси. XX аср боси.
Кинофотофондо жүжітлар МДА. № 0-94420



«Саҳихон». XX аср боини.
Кинофотофондо жөнжатлар МДА. № 0-94450



Маҳдуми Аъзам мақбараси



«Кайрагоч» мозор қабристони



Аҳмадхон ибн Исмоилхон қабри



Исломхон ибн
Аҳмадхон.
(ваф. 1995 йил)



Аҳмадхоннинг шогирди
Абдуразим
Хоҷа Бухорий
(ваф. 1972 йил)



Аҳмадхон ибн Исмоилхон авлодлари





шогирди ва муриди Абдулғафур Лорий, Жомий асарлари фиҳристида асарни «Рисолаи таҳқики мазҳаби суфи ша мутакаллим ва ҳаким» шаклида таништиради¹⁴². 1328/1910 иили Қоҳирада чоп этилган нусхада бу икки ном бир-бири билан аралашиб кетганилигини кузатиш мумкин. «Куллиёти Жомий»да эса у «Таҳқик ул-мазҳаб» шаклида келтирилган.

«Ад-дуррат ул-фохира»нинг араб тилидаги асл матнини тайёрлаб, унга инглиз тилида мукаддима ёзган исломшунос олим Николос Ҳирнинг маълумотига қариганда, бу асар баъзи бир нусхаларда «Хутта раҳлак», яни «Ўз хуржунингни тушир» деб номланган. Яхудо №3872 ва Ақойиди Темур №393 нусхаларида бу сохта ном «Ад-дуррат ул-фохира» ўрнида келтирилган¹⁴³. Иброрхим Куроний ўзининг «Ал-умам ла яқоз ал-химам» номли асарида бу уччала номни аралаштириб, «Ад-дуррат ул-фохират ал-мулакқабат би хутта раҳлак фи таҳқики мазҳаб ас-суфият ва-л-мутакаллимин ва-л-хукамо ил-мутакаддимиин», деб ном беради.

Абулхайр Аҳмад ибн Муслиҳиддин Мустафо Тошкӯбризода Сайид Мухйиддин Фанорийдан накл килишича, Жомий бу китобни усмоний сulton Муҳаммадхон иккинчининг илтимосига биноан ёзган. Жомий бу асарда юкоридаги уч гурухнинг олтига масала бўйича, жумладан, вужуд масаласига, Аллоҳнинг сифатлари ва бошқа ақидавий масалаларни ҳаким (файласуф), суфий ва мутакаллимлар фикрлари билан

¹⁴² IX-X асрларда ёзилган манбаларда (масалан, Мустамлий Бухорийнин «Шарҳ ит-таъарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф» асари) тасаввуф ва калом таълимотиги «мазҳаб» номи билан ҳам тилга олинади.

¹⁴³ Nihād-īlīm Abd al-Rahmān-i Jāmī. Al-Durrat Al-Fakhīrah. Introduction by N. Nezi, 9.

киёслаб, шу мавзуда уларнинг қарашларини муҳокама этади. Сўнг уни султонга юбориб, агар маъкул бўлса, охирига етказишини, агар маъкул келмаса, бунинг учун беҳуда вакт сарф килмаслигини маълум килади. Лекин бу рисола Истанбулга етганида Султон Муҳаммадхон дунёдан ўтган бўлади. Тошкўбризоданинг маълумотидан шундай холоса чиқариш мумкинки, «Таҳқиқ үл-ма-зоҳиб» 886/1481 йили, яъни Султон Муҳаммад вафот килган йили ёзиб тутатилган. Демак, Жомий бу китобни 69 ёшида ёзган.

2. Эшон *Махдумнинг «Одоби мунозара»* (№273/II рақам остида сакланади) номли асари. 1278/1861 йилда котиб Муҳаммад Ориф ибн Муҳаммад Зариф томонидан кўчирилган мазкур кўлёзма асар ҳам фалсафа илмига багишланган бўлиб, унда дедукция – умумий холатдан хусусий холосалар чиқариш, қарама-қаршиликлар каби мавзулар ёритилган.

3. *Сайид Али ибн Шиҳобиддин ибн Муҳаммад Ҳамадоний*(ваф. 786/1384)нинг «Захирату-л-мулук» (№271 рақам остида сакланади)номли асари. Кўлёзма 1247/1831йилда кўчирилган.

Асар сиёсат илмига багишланган бўлиб, ўн бобдан иборат. Асарнинг биринчи бобида – иймоннинг шартлари, хукмлари каби масалалар, сиёсий маданият, мамлакатни яхши бошқариш коидалари, иккинчи боб – фуқароларнинг ҳукуклари, учинчى боб – гўзал ҳулқилик, ҳоким ва подшоҳларнинг мажбуриятлари, хулафойи рошидинларнинг сийратлари, тўртинчи боб – дин, эр-хотин, фарзанд, қариндош-уругларнинг ҳақ-ҳукукларини адо этиш, бешинчى боб – давлатнинг сиёсий-маънавий, бошқарув, ҳукуқий тизими, олтинчى боб – давлатни бошқариш сирлари, еттинчى боб – амри маъруф ва наҳи

мунисиринг ҳакиқати, фазилати, шартлари ҳамда одобари ва бошқа күпигина масалалар ўрин олган. Асарда кўшиб Куръон оятлари ва ҳадислардан иқтибослар келтирилган.

4. *Аҳмад ибн Жалолиддин Ҳожагийи Косоний Даҳбедий, Маҳдуми Аъзам* (1461-1542 йй.)нинг «Рисолалан бакоийя» (№304/IX рақам остида сақланади) исари. Асар тасаввуф илмига бағишланган бўлиб, унда нақшбандия тариқатига оид қарашлар тарихий воқеалар билан киёслаб изоҳланган. Яна муаллиф тавба ҳақида сўз юритар экан, Одам алайҳиссаломни тавба қишинларини мисол тариқасида келтиради. Сўнгра, агар инсон ҳам тавба килганда чин қалбдан йиглаб тавба қилиса, гуноҳи кечирилишигини кулоса қилиб айтади. Яна муаллиф инсоннинг қалби исён ва катта гуноҳлар эвазига тошдан ҳам қаттикроқ бўлиши, тавбанинг қабул бўлиши саодат уруғини қалб еринг экишни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло исташини, аммо тошли жойда ҳеч қандай уруғ унмаслиги таъкидланган. Инсоннинг ўзи бу тошини юмшата олмаслиги, бунинг учун Аллоҳнинг суюкли бандаларидан бирининг дуоси шарофати билан юмшани ва у ерга саодат уруғини экиб сугориш кераклиги таъкидланган. Сугоришда кўз ёшидан фойдаланиш мажозий мисоллар орқали ёритиб берилган. Рисолада кўшиб оят, ҳадис ва ривоятлардан истифода этилган. Муаллиф мавзуларни ёритар экан, ҳар бир мавзуга доир шисърий мисралардан ҳам фойдаланган.

Мазкур кўлёзмада Аҳмад ибн Жалолиддин Ҳожагийи Косонийнинг 15 га яқин тасаввуфий ирфоний рисолалари ўрин олган. Мазкур рисолалар келажакда тадқиқотчилар томонидан ўрганилса, юртимиз алломалари хизнинасидан яна бир асар ўрин эгаллайди.

5. *Хусайн ибн Олим ибн Абул Ҳасан ал-Хусайнин* (ваф. 718/1329 й.)нинг «Нузҳату-л-арвоҳ» (№273/1 рақам остида сақланади) номли асари. Қўлёзма Муҳаммад Ориф ибн Муҳаммад Зариф исмли котиб томонидан 1278/1861 йилда кўчирилган. Олим «Фаҳр ас-Содат» ҳамда «Амир Ҳусайнин ал-Фурий» номлари билан машҳур. Асар тасаввуф илмига бағишланган бўлиб, 711/1311 йилда ёзиб тутатилган. Марказий Осиёда машҳур асарлардан саналган ушбу китоб 28 фаслдан иборат. У наср ва назмда ёзилган. Асар Аллоҳга ҳамд, пайғамбар (с.а.в.)га наът¹⁴⁴ билан бошланган. Сўнгра, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али р.а.ларнинг манокиблари¹⁴⁵ баён қилинган. Шунингдек, ундан тариқат тушунчаси, тариқатни англаш, соликнинг мақомлари, соликка насиҳат, тариқат коидалари, фитрат ҳакида, тариқатдаги ҳоллар, маърифат тушунчаси, қалб латифлиги, ишқ ҳакида, ишқнинг ҳақиқатлари, ошиқ ҳакида, нафс ҳакида, Росулуллоҳ (с.а.в.) манокиблари сингари кўплаб мавзулар ўрин олган.

6. *Низомиддин ибн Муҳаммад Аэз Шошиний*(600/1203 йилдан кейин вафот этган)нинг «Усул аш-Шоший» (№315/1 ракам остида сақланади) асари. Мирзо Муҳаммад Камном Бадахший томонидан 1220/1805 йилда Оксувда кўчирилган.

Ҳанафий усул ал-фикс ғанига оид «Усул аш-Шоший» асари ислом оламида кенг шуҳрат ёйишига кара масдан унинг муаллифи хусусида тадқиқотчилар ораси-

¹⁴⁴ Наът – таъриф-тавсиф, васф, мақтов, мадҳ. Мумтоз адабиётда: катта ҳажмли шеърий асарлар бош кисмидаги келадиган, асосан пайғамбарлар шаъннинг ёзилган мақтов, васф. (Л.А.)

¹⁴⁵ Манокиб – фазилатлар, ёднома. Манокиб юксак фазилатли, валий ва ўзинга хос хислат эгаларининг таърифу тавсифи берилган китоб. (Л.А.)

да ҳамон турли иоаниқликлар мавжуд. Бунга асосий сабаб, биринчидан «аш-Шоший»куняси остида фаолият олиб борган олимлар саксондан ортиқ эканлиги ва улар орасида «усул ал-фикҳ» фанига доир асар ёзганлари бир нечта бўлганлиги, шунингдек, тадқиқ этилаётган «Усул аш-Шоший» асарининг кўлёзма ва аксарият босма нусхаларида муаллиф номи аниқ кўрсатилмаганлиги дидир. Бу масалага тадқиқотчи Аҳмадалиев Абдувоҳид ойдинлик киригтан. У асарни XI асрдан кейин ёзилганлиги боис, турли олимлар муаллиф қилиб келтирган 1) Исҳоқ ибн Иброҳим Шоший (ваф.325/937й.), 2) Абу Али Шоший (ваф. 344/955 й.), 3) Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн И smoил Қаффол ал-Кабир Шоший (904-976), 4) Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий Қаффол ас-Сағир Шоший (ваф.417/1026й.) лар томонидан ёзилмаганлитгини далил қилиб келтиради. Шунингдек, Абу Бакр Қаффол ал-Кабир (904-976) ҳамда Абу Бакр Қаффол ас-Сағир (ваф.417/1026й.) ларнинг ҳар иккиси ҳам Шофей мазҳабига мансуб бўлганлар. «Усул аш-Шоший» асари эса, ҳанафий мазҳабига асосланган ҳолда ёзилган бўлиб, шофей мазҳаби қарашларини тақиқ остига олган.

Тадқиқотчи хуроса қиласар экан, шундай дейди: «... Асл номи «Китоб ал-хамсин» бўлган «Усул аш-Шоший» асари мазкур асарнинг асл муаллифи Ҳожи Ҳанифа, Абдулҳай Лакнавий, Муҳаммад ал-Жайламий, Муҳаммад Акрам ан-Надвий, Валий ад-дин ал-Фарфур, Фуат Сезгин ва Муртеза Бедир каби тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганларидек, Низомиддин аш-Шоший бўлиб, унинг тўлиқ исми Низомиддин ибн Муҳаммад Азиз аш-Шоший бўлган. У XII-XIII асрларда яшаган ва 600/1203 йилдан кейин вафот этган. У ўзи туғилиб ўсган Шош-

даги буюк аллома қозирда маҳаллий халқ тилида «Ҳас-ти Имом» номи билан аталувчи ҳазрати имом Абу Бакр Мұхаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол ал-Кабир Шо-ший (904-976) мақбараси ичига дағы этилган».

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу чалкашликлар айрим каталогларда ҳам учрайди. Жумладан, «Мактабатул вакфийя», «Мактабатул Мустафо» каби электрон кутубхоналари каталоглари ҳамда ШҚМ фондида сақланаёттан №3287/I асарни Исҳоқ ибн Иброҳим Шошийга нисбат берилса, №6638, 4944/II, 8866, 6899 рақамлар остида сақланаёттан нусхаларни Низомиддин Шошийга нисбат берилген. У яшаган даврини эса XIV аср дея хато күрсатылған. №3287/I рақамли асар нусхалари билан колған нусхалар солиширилганды матн бир хил эканлиги аниқланды (Л.А.).

Хуллас, мазкур асар бобларга, боблар эса фаслларга бўлинган. Асар беш бобдан иборат бўлиб, унда Куръони карим, суннат, ижмөъ, қиёс, шаръий хукмлар сабаблари каби мавзулар ёритилған. Яна ҳақиқат ва мажоз, са-мимий ва қиноя, хукм, қайтариклар, фикҳий ва фикҳий бўлмаган ровийлар, ижмөъ қисмлари, қиёснинг хуж-жатлари каби фаслларда шу мавзуларда батафсил тўх-талған. Айрим сахифаларда асосий матн остида, ҳошия қисмларида шарҳлар, изоҳ ва тўлдиришлар киритилған.

7. Аҳмад ибн Али ибн Саълаб ибн Саъатий Баъз-бекий Багдодий (ваф. 696/1296 й.)нинг «Китаб Маж-мая ал-баҳрайн ва мултака ан-найирайн» (№298 рақам остида сақланмоқда) асари.

Асар фикҳ илмига бағишланған бўлиб, 690/1291 йилда ёзилған. Муаллиф мукаддима қисмida ўз аса-рини Шайх Абул Ҳусайн Қудурий (ваф. 428/1037)нинг «Мухтасари Қудурий» ҳамда Абу Ҳафс Насафийнинг

(537/1142) «Манзума»си асосида ёзганлигини келтириб ўтган. Кўлёзма қадимий бўлиб, 1-2-вараклари таъмирланган. Асар «Китоб» ва «фасл»ларга ажратилган. Унда фуруъ ал-фикхга оид мавзулар ёритилган.

8. *Жаъфар ибн Ҳасан ибн Яҳё ибн Ҳасан ибн Саъидат-Ҳиллий* (602/1206-676/1277 йй.)нинг «Шаронъ ал-ислом» (№320 рақам остида сакланмоқда) асари. (Кўлёзма тахминан XV-XVI асрларга мансуб).

Ушбу асар фикҳ илмига бағишланниб, шиаларнинг мӯътабар манбаларидан бири саналади. Муаллиф «Муқакқақ ал-Ҳиллий» номи билан шуҳрат қозонган. Асарда фикҳ илмининг кўплаб мавзулари ёритилган. Унинг бир неча шарҳлари мавжуд. Асар шиалар эътиқоди бўйича ёзилган. Мазкур асар фикҳ илми билан шугулланаштан тадқиқотчиларга муҳим кўлланма бўлиши мумкин.

9. *Ёрмуҳаммад ибн Худойдоқ Самарқандий* (XVII аср)нинг «Рисолаи тажвид» (№311/VIII рақам остида сакланади) номли асари.

Тажвид илмига бағишланган мазкур асарнинг муқаддима қисмida асарнинг ёзилиш тарихини келтириб, муаллиф шундай дейди: «*Куръон илми талабалар учун ширур илмлардан бўлиб, намоз усиз дуруст бўлмайди. Ва бу факур, ҳақур Ёрмуҳаммад ибн Худойдоқ Самарқандий бир муддат қироъат, тажвид ва тафсир илмарини олиб, Мовароуннаҳр ва Ҳуросон шаҳарларида фаoliият юритадиган устозлар хизматида бўлдим. Улардан ижозати олий олгандан сўнг, тажвид илмига доир бирор асар ёзишини ният қилдим. Осим қироъати замда унинг ровийлари ҳақида, айниқса Абу Бакр ва Ҳаифа қироъати, тажвид, унинг қоидалари, ровийларини ихтилофларини барчасини ушбу рисолага киритдим...*». Муаллиф яна ушбу рисоласини машхур адиб,

тарихчи олим ва давлат арбоби, туркій халқлар шажа-расини тузган Абулғози Баҳодирхон (1603-1664 йй.)га бағишилаб ёзгани ва унға тұхфа этганини айтади. Асар 12 бобдан ташкил топған. Муаллиф ўзи таъқидлаганидек, унда таждид қоидалари, ровийлар ихтилофи, улар орасидаги фарқлар кенг қамровда очиб берилген.

Мазкур асар ҳали үрганилмаган бўлиб, ўз тадқикини кутмокда.

10. *Хөжи Абдураҳмон Самарқандийнинг [Дар баёни масофати роҳи ҳаж] (№310/II рақам остида сақланмокда)* асари.

Мазкур асар тарихий географик асарлардан бўлиб, муаллиф уни баъзи ёру дўстларини (масалан: Валишоҳ Маҳдум) илтимосига биноан ёзганини баён қиласди. Муаллиф асарда Ҳиротдан бошлиб то Макка ва Мадинағача бўлган масофа, ушбу йўналиш бўйича йўлда жойлашған шаҳарларнинг тузилиши ҳамда мазкур шаҳарлардаги пайғамбарлар, авлиёлар, тарихий шахсларнинг қабрлари хусусида батафсил маълумотлар берган. Шунингдек, Макка, Мадина, Каъбатуллоҳ, Замзам ку-дуги, у ерда ўсадиган ўсимликлар ҳакида ҳам тўхталиб ўтган. Ҳаж амаллари, тўрт мазҳаб вакилларининг ибо-датдаги фарқларини ҳам изоҳлаган.

Бу манба ҳам тадқик этилмаган асарлар сирасига ки-ради.

«Аҳмадхон ибн Исмоилхон фонди»да мазкур китобларнинг эгаси Аҳмадхоннинг қаламига мансуб иккита (тарих ва тиббиёт, доришуносликка оид) ҳамда шогирди Абул Ба-конинг битта (тиббиётта доир) асарлари сақланмокда:

11. *Аҳмадхон ибн Исмоилхон(1873-1952 йй.)нинг «Қарабодин Тайлөқий» (№339/II рақам остида сақланмокда)*. Китоб муаллифнинг ўзи томонидан кўчирилган.

Рисола тиббиёт илмига бағишенгандар бўлиб, муаллиф мукаддима қисмида асарини ҳалққа тушунарли тилда бўлсин учун форс тилида ёзганлиги, инсоннинг бошдан то оёғига қадар бўлган касалликларга қарши мураккаб бўлган даво турларини ёзганини баён этади. Сўнгра, китобда биринчи бўлиб бош оғриғи ҳакида маълумотлар берилган. Шунингдек, асарда яна кўз, бурун, кулок, тиш, ошқозон, ичак касалликлари, шишлар, кўкрак қафаси, умуртқа, ўпка, ич кетиш, юрак, хуллас, инсоннинг ички ва ташки аъзолари касалликлари ҳамда уларни даволаш учун дори воситаларини тайёрлаш усувлари берилган. Шунингдек, жароҳатлар ва уларга сурладиган малҳамлар борасида ҳам атрофлича фикр юритилган. Рисолада Ибн Сино, «Қарабодини Кабир»¹⁴⁶, «Махзанул-адвия», «Қарабодини Қодирий», «Тухфатул-мўминин», «Комил ас-синоъя», «Газкираи Сувайдий» каби ўнлаб манбалардан иқтибослар келтирилган. Муаллиф дори тайёрлаш ҳакида ёзар экан, ўша дорини қанча беморда синааб кўргани ҳамда унинг фойдалари хусусида ҳам эслатиб ўтади.

Кўлёзманинг муқова қисмида олим томонидан турли қайдлар битилган. Жумладан, кимларга қарз бергани, тўй қылганда бир неча гузарда яшовчи ҳамкасб ва танишларини таклиф этиш хусусидаги эслатмалар мавжуд. Бундан ташқари тўйга кимларнинг тўёна олиб келганилиги рўйхати ҳам аниқ ёзилган¹⁴⁷.

Мазкур рисола ҳам ҳали тадқиқ этилмаган.

¹⁴⁶ Муаллифи – Саййид Муҳаммад Ҳусайн Ақилий Ҳурросоний Шерифий. Унинг доришуносликка доир яна «Махзанул-адвия» номли асари ким бор. Муаллиф «Қарабодин Кабир» номли асарини темурний шаҳзода Улутбекка бағишилаб ёзди. Унинг 228 саҳифалик ягона нусхаси Туркияда сабабланмоқда.

¹⁴⁷ З.1. ва З.2. иловаларга қаранг.

12. Абул Бақо Махзум ибн ғомло Эрнаазар мударисининг «Хужжату-л-лабиб» (№339/1 раками остида сақланмоқда) номли асари.

Рисола тиббиёт илмiga бағишланган бўлиб, муаллиф мұқаддима қисмида асарнинг ёзилиш сабабларини айтиб ўтган. Унда айтилинича, муаллиф диний илмларни ўрганиш асносида, мадрасада таътил берилгач, тиббиёт илмини ҳам ўрганишга киришади. У турли касалликларга қарши дорилар тайёрлаш, муолажа килишни ҳам аста-секинлик билан ўрганади. Кўпгина олимлар суҳбатида бўлади. Айрим фозиллардан тиб илми яхши амаллардан эмас, деган фикрни ёшитса ҳам, бу илмга бўлган меҳри камаймайди. Чунки у ёшлигида бир қасалликка йўлиқкан бўлиб, қанча табибларга катнагани, агар шифо топса, албатта шу илмни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб олган бўлади. Шифо топгач, тиб илмини ўрганишга отасининг рухсати билан киришади.

Рисолада тиббиёт илмiga доир ҳадис, оят ва факихларининг берган фатволари жамланган. Бу рисола (кўпроқ ўкув кўлланмага ўхшаш) ҳам ҳали тадқиқ этилмаган асарлар сирасига киради.

2.2.2. Тошбосма китоблар. Мазкур фондда 330 та тошбосма китоблар (мингта яқин асарни ўз ичига олган) сақланмоқда. Куйида улардан айримларини келтириб ўтамиз:

1. Мұъиниддин ибн Мұхаммад Мискин Фароҳий Ҳиравий (909/1503 й.)нинг «Мадориж ан-нубувва фи мадориж ал-футувва» асари.

Асар муаллифи «Мулло Мискин» номи билан шухрат қозонган. Тарих илмiga оид ушбу асар мұқаддима, тўрут руҳи ҳамда хотима қисмлардан иборат. Биринчи руҳи(қисм)да Одам, Шис, Идрис, Нух, Худ, Иброҳим

алайҳиссаломлар тарихи, сўнгра Муҳаммад (с.а.в.) шинг боболари, оталари тарихи берилган. Иккинчи руҳн(қисм)да Муҳаммад (с.а.в.)нинг тутилишларидан 25 ёшларигача бўлган воқеалар, учинчи руҳн(қисм) да Муҳаммад (с.а.в.)га ваҳий нозил бўлишидан Мадинага хижрат килишларигача бўлган воқеалар ёритилган. Тўртинчи руҳн(қисм)да Муҳаммад (с.а.в.)нинг хижратларидан то хижратнинг ўн биринчи йилигача содир бўлган воқеалар баёни берилган. Хотима қисми икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда – Муҳаммад (с.а.в.)нинг ақлий мӯъжизалари баёнида, иккинчи бобда – хиссий мӯъжизалари ҳакида сўз юритилади.

2. Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулқодир Розий (666/1268 йилда ҳаёт бўлган. Китобда вафоти 760/1359 йил деб келтирилган)нинг «Мухтор ас-сиҳоҳ» асари.

Зайниддин лақаби билан танилган олим тилшунослик, фикҳ, ҳадис, одоб ва тасаввуф каби соҳаларда фаолият юритган. Унинг тилшуносликка багишланган мазкур асари олимга шуҳрат олиб келган. Ушбу китобнинг афзаллик томони шундаки, унда тилшунослик услублари тартибга солиб чиқилган, нозик иборалардан, осон жумлаларнинг ишлатилиши билан ажralиб турди. Хуллас, асарда факих, ҳофиз, мұхаддис, адиллар нутқда қўп ишлатадиган иборалар ва истилоҳлар изоҳи берилган. Бу эса, талабалар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Сўзлар алифбо тарзида келтирилган.

3. Раҳимхўжа ибн Алихўжа Эшон Шоший (тав. 1251/1835 й.)нинг «Назми Мухтасарул Викоя» асари.

Ушбу китоб XIX аср ўзбек адабиёти ва тарихининг иодир наимуналаридан бири сифатида сакланиб қолган «Назми Мухтасарул Викоя» асари бўлиб, асосан

шариат арконлари ва ҳукмий масалаларини шеърий услугда ифодалаб беришга бағишиланган. Мазкур назмий асар ҳанафий мазҳабига оид мұytабар манбаларга суюнган ҳолда омма тушунадиган содда тилда баён этилгани халқ орасыда машҳур бўлишини таъминлаган. Муаллиф шеърий услугда битилган бу асарида диний ажном ва масалалар ҳакида маълумот бериш баробарида бу борадаги ўз қарашлари, муносабати, билим ва тажрибаларини ҳам маҳорат билан баён килиб берган.

Муаллиф бевосита ҳанафий мазҳаби ва унинг асосчилари Имоми Аъзам, у зотнинг Абу Юсуф ва имом Мухаммад шогирдлари, шунингдек, Молик ўғли Анас, Идрис ўғли Мухаммад, Аҳмад Ҳанбал ўғли қаби сунний мазҳаб соҳиблари ҳам тилга олинниб, туғилган йиллари, вафотлари, ўзига хос сифатлари, илму тақвонлари ҳамда барчалари Имоми Аъзам шогирдлари экани шеърий матн асосида фасоҳат билан ёритиб берилган.

«Назми Мухтасарул Виқоя» асарининг яна бир кусусияти шундан иборатки, Туркистон диёри илм-фан ривожи сустлиги, хусусан, фиқх илми борасыда манбалар камлиги туфайли аҳоли етарли даражада баҳраманд бўлолмаётгани учун бу асарни туркий тилда битишга қарор қилганини айтади. Мазкур асар тадқиқотчи олим Н. Насруллаев томонидан тадқик этилиб, кирилл алифбосида қайта нашр этилди.

4. *Нуриддин Абдурраҳмон Жомий* (ваф. 898/1492) нинг «Лавоен» асари.

Мазкур асар тасаввуф илмiga бағишиланган бўлиб, 870/1465 йилда Нуриддин Абдурраҳмон Жомий томонидан ёзилган. Асар наср ва назмда битилган. З6 лойиҳа¹⁴⁸дан иборат бўлиб, асосий мазмун илмий-фалсафий

¹⁴⁸ Ҳар бир мавзу «лойиҳа» деб аталади. (Л.А.)

насрда ифода этилган ва ҳар бир лойиҳанинг охирида фалсафий-ирфоний мазмундаги бир-икки рубоий келтирилган. Рубоийлар насрй парчалардаги мазмунларни кувватлайди. Китобдаги рубоийлар шарҳ учун эмас, балки асардаги илмий-фалсафий матнларни кувватлаш ва тасдиқлаш учун мўлжалланган. Бошқача қилиб айтганда, бу асардаги рубоийлар аксинча, насрй парчалардаги фикрларни шарҳлайди. «Лавоех»даги насрй парчаларнинг ҳажми ҳам нисбатан кичик. Жомий «Лавоех»да асосан тавҳид, фано ва бако хусусида фикр юритади ва мавзулар атрофидағи ўз қарашларини Ибн Арабийнинг фалсафий-ирфоний мактаби билан боғлайди. У кариб ҳар бир лойиҳада Ибн Арабий қарашларини асос қилиб олади ва кўп жойларда бевосита уни тилга олади. Шунингдек, Жомий тажаллий хусусида ҳам баҳс юритади. Жомийнинг бу асари анча содда услубда ёзилган. Жомий бир ўринда фикрларини тасдиқлаш мақсадида Румийнинг «Маснавий»сидан ва Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз»идан ҳам байтлар келтиради. Жомийнинг бу асари анча содда ва равон тилда ёзилган бўлса-да, унга мутафаккирлар томонидан бир канча шарҳлар битилган. Жумладан, Абдумалик ибн Абдулғафур Ансорийнинг «Ашиъот ал-Лавоех» номли асари, Мулло Имоднинг «Шарҳи Лавоехи Жомий» номли асари «Лавоех»га битилган энг муҳим шарҳлардан саналади.

2.2.3. Ҳужжатлар. Юкорида айтиб ўтилганидек, фондда юздан ортиқ турли мавзудаги ҳужжатлар мавжуд. Олим кутубхонасидаги ҳужжатларни бир неча туртга бўлиб ўрганиш мумкин. Жумладан, «Жўнг» жанрида сийаган фиқҳий асарларда қайд вараклар сифатида киритилган қозилик ҳужжатлари, «маҳзарлар» ва шахсий ҳужжатлари (турли мавзудаги хатлар, мударрислик фа-

лияти даврида талабалар томонидан ёзилган ариза ва тушунтириш хати) каби хужжатлардан иборат.

«Махзар»лар фондда №261/Л рақам остида сакланади. Унда турли мавзудаги қозилик хужжатлари (масалан: даъволар ва турли васиқалар) ўрин олган.

№309/Л рақам остида сакланётган қўлёзма хужжат юритиш қоидаларидан ташкил толган. Яъни, унда ариза, мирзога, қозига хат ёзиш, турли шартнома, даголатнома каби хужжатлардан намуналар келтирилган. Уларни ёзиш услублари хусусида сўз юритилган.

№261/Л ва 255/Х рақам остида сакланётган китоблар Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-Шарийъа(ваф.747/1346 й.)нинг «Мухтасарул викоя» асарига ёзилган жўнгдир. Қўлёзма вараклари орасида жуда кўплаб қозилик хужжатлари мавжуд. Булар Ўрта Осиё тарихи, айникса ижтимоий-сиёсий ҳолатларни ўрганишда муҳим хужжатлар саналади. Ушбу хужжатлар келажакда тадқиқотчилар илмий тадқиқотларида қўшимча манба вазифасини ўтаса ажабмас. «Мерос», «вакф ерлари», «никоҳ» ва «талоқ» каби мавзулардаги хужжатлар кўплаб учрайди. Ахмадхон фондида бу каби хужжатларнинг кўплиги, яъни турли қозиларнинг хужжатларини жамлаганинг ўзи ҳам унинг маълум муддат фатво берганлигидан дарак беради. Бинобарин, олимнинг невараси Исломов Нуриддинхон билан бўлган сұхбатда бобосининг Бухорода бир муддат фатво бергани, Самарқандга келгач, «Қози Калон» мансабини таклиф қилишганда воз кечганлигини эслаб ўтди. Фонддаги китобларнинг аксарияти фикр илмига оидлиги ҳам бу фикрни исботлайди.

Фондда Бухоро ва Самарқанд қозилари томонидан муҳрланган турли йилларда ёзилган хужжатлар мав-

жуд. Тахминимизча, олим Бухорода яшаган кезларидан хужжат тўплаган. Буни Самарқандга келиб ҳам давом эттирган.

Шахсий ҳужжатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада бир оз чалкашликка дуч келиш мумкин. Шахсий ҳужжатлар асосан фонд таркибига кирган китоблар орасидан топилган ҳужжатлардан иборат. Улар Аҳмадхон ибн Исмоилхоннинг шахсан ўзига ва яна шу китобни қайси шахсдан сотиб олган бўлса, ўша инсонга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Чунки тадқиқот жараённада айрим ҳужжатлар олим Бухорода таҳсил олиб, мударрислик қилган кезлари Самарқандда ёзилганлиги аникланди.

Аҳмадхон ибн Исмоилхоннинг шахсий ҳужжатлари орасида шогирдлари, дўстларининг унга ёзган хатлари, унинг отасига, бобосига ёзган хати, мударрисларга берган китоблари рўйхати, таклифномалар, никоҳ шартномалари, илтимосномалар, талабаларнинг аризалари, тушунтириш хатлари каби ўнлаб ҳужжатлар мавжуд. Ҳужжатларнинг бирида олимнинг қуийдаги аризаси бор:

«Андижоний даҳа советига Аҳмадхон Исмоилхон ўғли томонидан Ариза.

Бераман ушбу аризани шул хусусдаким, ҳақиқатдан мани 1935-йилда ҳуқуқдан маҳрум қилиб ва қулоқ қилиб, менинг сигир ва бошқа ўз молларимни арис (арест – Л.А.) қилиб Кунна даҳа совети олган эди. Шунинг учун сизлардан илтимос қилиб сўрайманким, шу молларимни текшириб берсангизлар, деб ариза бергувчи Исмоилов. 6.VII.1936 й»¹⁴⁹.

Ҳужжатлар орасида Раҳимхўжа исмли ўртоғининг дўстига ёзган хатида Самарқанддан Душанбега сафари,

¹⁴⁹ Ўррини: ТИУ. Манбалар хазниаси. 1-жамгарма, 1-йитмажилд, 10-шарк.

йўл таассуротлари, Душанбе шаҳри таърифи, ундаги нарх-наволар каби маълумотлар бор¹⁵⁰.

Гулом Муҳаммад Афандининг ҳамкасбига ёзган илтимосномасига кўра, Собиржон ва Муҳаммад Туробномли талабаларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришини сўраган¹⁵¹.

Яна кулоҳ олганлик ҳакида ташаккурнома, 1925 йилда ёзилган Мулло Муҳаммад Сафар мударрисни Мулло Латиф мударриснинг ўрнига Бадалбек мадрасасида ишга тайинланганлиги, 1930 йилда Ҳожи Обиднинг устозига йўллаган мактуби, Сайид Аъзамхўжа исмли талабанинг ва Шайбонийхон мадрасаси талабаларнинг тушунтириш хати, имтихон харажатлари рўйхати, Мулло Ҳолмуҳаммад мударрисга Шердор ёки Тиллакори мадрасаларидан ҳужра бернишни сўраб ёзилган ариза каби кўплаб ҳужкатлар мавжуд.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, Аҳмадхон ибн Исмоилхон фондида хали тадқиқ этилмаган кўплаб асарлар ва ҳужкатлар мавжуд. Мазкур китоблар ўн бешдан ортиқ фанларга доир мавзууларни ўз ичига олган. Улар келажакда тарихчи, исломшунос, диншунос, астроном, математик ва кўплаб соҳа мутахассисларига муҳим кўлланма вазифасини ўташи мумкин. Мазкур фонддаги ҳужкатлар эса юртимиз ва кўшни республикалар тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳёти тўғрисида бирламчи маълумот берувчи вазифасини ўтайди.

¹⁵⁰ ТИУ. Манбалар хазинаси. 1-жамгарма, 1-йигмажилд, 15-варак.

¹⁵¹ ТИУ. Манбалар хазинаси. 1-жамгарма, 1-йигмажилд, 17-варак.

III БОБ. «ТАЗКИРАТУЛ ИНҚИЛОБ» РИСОЛАСИ ҲАҚИДА

3.1. «Тазкиратул инқилоб» асари таҳлили

Ахмадхон ибн Исмоилхон ушбу тазкирасини ўзи бевосита гувоҳ бўлган тарихий жараёнларни, ижтимоий-сиёсий ҳолатни ёзib қолдиришга ҳаракат килган. Муаллиф мамлакатда рўй бераётган воқеаларга холис баҳо берган. Яъни чоризм даврини ҳам, совет тузумини ҳам оқлаб чиқмаган. Бинобарин, мазкур рисоласи айнан шўролар даврида ёзилган бўлса-да, иккала тузумни ҳам ёқдамаган. «Тазкиратул инқилоб» (Инқилоб тарихи) асари 1914-1918 йилларда Ўзбекистон, хусусан, Самарқанд тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётда юз берган воқеа-ҳодисалар, биринчи Жаҳон уруши оқибатлари каби мавзуларни ўз ичига олган. Шунингдек, муаллиф асарда инсонларни илм-маърифатни згаллашга, жаҳолатга маърифат билан курашга чакиради. Жумладан, рисоланинг муқаддима қисмида: *«Аллоҳ таоло Ўз тасарруфидаги мулклари бир муддат мусулмонларга, яна бир муддат эса гайри динларга беради. Агар хоҳласа, банда таомини оғзига солишга улгурмасдан маглубни голиб устидан ҳукмдор этиб қўяди. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўзига, динига ва ватанига зарар етмаслиги учун бандага жузъий ихтиёр берилган. Улар динини душманлардан асраш мақсадида илм-маърифатни згаллашга ҳаракат қилсин. Агар таълим олиш ва шим тарқатиш фойда бермаса, саодатли келажакни ибодатларида Аллоҳдан сўраб, тақдирга ҳавола қилсин. Аҳли ҳақни тутадиган йўли шудир».* Бу эса

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан бот-бот тилга олинган ҳамда давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиган мавзулардан бири хи-собланади.

«Тазкиратул инициатоб» асари тўрт кисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда ўша даврда уруш сабабли юза-га келган очарчилик, касалмандлик, ўғрилик, қароқчи-лик, ижтимоий ҳаёт, кенгашлар, адоват, баҳс-мунозара, бўлинишлар, фирибгарлик ҳамда турли сайловлар ва ташкилотлар хусусида фикр юритилган. Чоризм дав-рида олиб борилган мардкорлик сиёсати ҳакида ҳам атрофлича тўхтаб ўтилган.

Иккинчи қисмida эса Туркистонда мухториятнинг эълон қилиниши, Туркистон шахарларида мухторият эълон қилингандан сўнг содир бўлган айrim ихтилоф, қарама-қаршиликлар, большевиклар ҳокимият тепаси-га келгандан сўнг вужудга келган тартибсизликлар, ўғ-рилик ва истилолар баён этилган.

Учинчи китобда меньшевиклар даврида содир этил-ган бузгунчилик, қотиллик ва қароқчиликлар ҳакида ёзилган. Яна биринчи жаҳон уруши вақтида Туркистонда содир бўлган ёнғинлар ҳакида ҳам маълумотлар мавжуд.

Тўртинчи қисмда муаллиф бевосита гувоҳи бўл-ган воқеалар баён этилган. Унда Европада бошланган биринчи жаҳон уруши оқибатида юзага келган воқеа-лар: 1917 йилнинг охирларида хуррият эълон қилинган вақтда Туркистон вилоятларида очарчилик, киммат-чилик, курғоқчилик, ўғриликларнинг ортиши, очлик ва касалликлар туфайли вилоятларда одамларнинг ва-фот этиши, буғдойнинг камайиб кетниши каби масала-лар ёритилган. Муаллиф ушбу қисмда бозорлардаги

озиқ-овқат, кийим-кечаклар нарх-навосидан тортиб, күмир, керосин нархигача аниқ келтирган. Яна шуни таъкидлаш жонзки, Аҳмадхон нафакат воқеликни кузатган, балки жараёнга оид газета-журналлар, турли манбаларни таҳдил этган ҳолда воқеаларни баён этган. Қўлёзмада рисоланинг ёзилган санаси қайд этилмаган. Муаллиф асарини XX асрнинг бошида ёки иккинчи чорагида ёзган бўлиши мумкин. Хуллас, рисоланинг ўқиш давомида унданғи воқеа-ходисаларнинг аниқ далиллар орқали ёритилиши, муаллифнинг баён услуби китобхон кизиқишини орттиради. Унданғи воқеалар содда услубда баён этилган.

Асарнинг таржимаси амалга оширилгач (таржима жараёнида айрим гаплар, ҳикоялар таҳрир этилди), унда берилган воқеа ва маълумотларни тадқиқ этиш мақсадида турли тарихий манбалар ва тадқиқотлар, Сармарқанд вилоят архиви, Бухоро вилоят архиви ҳамда ЎзР МДА хужоатлари билан танишиб, таҳдил этилди. Айрим маълумотларга архив хужжатларидан далиллар мавжудлиги аникланди. Куйида мазкур далиллардан кам намуналар келтирилади:

1331 йилнинг бошида бошланган биринчи жаҳон уруши 1335/1917-18 йилга қадар давом этди¹⁵².

Маълумки, Биринчи жаҳон уруши (1914-1918 йиллар) – давлатларнинг икки коалицияси: Марказий давлатлар (Германия, Австрия-Венгрия, Туркия, Болгария) ни Антанта (Россия, Франция, Буюк Британия, Сербия, кейинчалик Япония, Италия, Руминия ва бошқа; жами 34 давлат) ўртасидаги уруш.

1914 йилнинг 15 (28) июлида Австрия-Венгрия Сарисенодаги қотиллиқдан баҳона сифатида фойдаланиб,

¹⁵² Години ўтиласттган матн қора сиёҳда ажратиб берилди.

Германиянинг тўғридан-тўгри тазинки остида Сербияга уруш эълон килди. 19 июл (1 август)да Германия Россияга, 21 июл (3 август)да Францияга; 22 июл (4 август)да Буюк Британия Германияга қарши уруш бошлади. 1914 йил 10 (23) августда Япония Антанта томонида урушга жалб этилди. Муаллиф булар ҳақда жуда қисқа тарзда маълумот бериб ўтади. Уруш бошлиниш сабабларига батафсил тўхталган.

Балиқ йилининг охирида (1334/1916 йил) Николай II ўз фуқаролари ҳамда мусулмон аҳолисига зулм байрогини кўтарган эди. Хусусан, 1916 йилда ҳар бир гузардан 60-70 нафар мусулмонни поездга солиб ўз мамлакатига олиб кетди.

1916 йилнинг 25 июня идии Россия императори Николай II «Империядаги бошқа миллатдан бўлган эркакларни ҳаракатдаги кўшини худудидаги мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган ҳар қандай юмушларига жалб қилиш ҳақидаги» фармонини чиқарди. Унга кўра Туркистон генерал-губернаторлигидаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар Россияга жўнатилиши керак эди. Бу фармон туб аҳоли орасида «мардикорликка олиш» ибораси билан кенг тарқалди. Аслида у «ишли батальони» маъносини билдиради. Сафарбар этилган одамлар сони эса куйидагича белгиланди¹⁵³: Фарғона вилоятидан – 51.233 киши; Сирдарё вилоятидан – 60.000 киши; Самарқанд вилоятидан – 32.407 киши; Еттисув вилоятидан – 43.000 киши; Каспий вилоятидан –

¹⁵³ ЎзР МДАда сакланыётган фармонда сафарбар этиладиган мардикорларнинг сони 220 000 деб кўрсатилган. Аммо рўйхатда бу адад чикмайди. Рўйхат тўлиқ сакланмаган бўлиши мумкин.

13.830 киши. Ҳаммаси – 200.470 киши¹⁵⁴. ЎзР МДА хужожатлари орасида 30 та поездда биринчи юборилган мардикорларнинг қачон ва қайси шаҳардан жўна-тилгани ҳақида рўйхат мавжуд¹⁵⁵. Бу фармон ҳалқ ғазабини кўзғаб, Туркистон кўзғолони (1916 й.) га сабаб бўлди.

*Золим подшоҳни мудофаа қилинадиган бир ис-
теҳкомга қамаб, ҳукмронликни ўз қўлларига олдилар.
Таҳтга ўз тарафдорларидан бўлган давлат арбобини
вакътинчалик шоҳ таҳтига ўтқаздилар. Бу янги ҳу-
куматнинг номи «муваққат ҳукумат»(мухторият)
дек атала бошланди.*

1917 йилнинг 28 нояброда эълон қилинган Туркистон мухторияти жадидлар кўзда тутган миллий давлат-чилик ғоясининг илк куртаклари бўлди. Шуро ҳукумати томонидан эълон қилинган «ҳар миллатнинг ўз ҳукуқ ва
аркиниллари таъминланиши» тамойилига асосланиб,
туркистонликлар катта ишонч билан ўз мухториятига
асос солдилар. Мухторият Фарғона ва Самарқанд ви-
лоятиларини ўз ичига олган бўлиб, Мухториятни эълон
қилинган куруятой қарорларида Туркистонда яшётган оз
соили миллатларнинг ҳукуқлари ҳар томонлама ҳимоя
қилинши баён этиб кўйилган. Ўз Мухториятининг илк
тамал тошни кўйин туркистонликлар 1917 йилги во-
қеълардан кўп умидзор бўлган ва ўз мустақиллигини
тиклантига ишонгани ҳислар.

Мунюниф ӯлбодаги спесий вазиғотни баён этар экан,
уни беносита тувоҳи бўлган тоқсиларни ҳам таснирлаб
берали:

¹⁵⁴ Еъроғи. ЎзР МДА, И-326 жамарка, 1 рўйхат, 1485-йигмажидд, 1-3
бонумар.

¹⁵⁵ С. Г. Олонов тарзи.

Самарқанд шұро кенгаши тұгатилгандан бир неча күн үтгач, иккі тоифа вакилларининг аксарияти иттифок түзіб, яңғы кенгаши ташкил этдилар. Яңғы түзилған кенгаши «Самарқанд хайрия кенгаши», деге номланған. Кенгаши raisи қилиб Қози Бақохон, Мұлло Акобир котиб, Мұлло Абдусалом газначи этиб тайинланған ҳамда Дамлоғсон мударрис, Бекбұдий афанди ва бошқа бир қанча муллалар ушбу кенгашиңнег түзилишида иштирек этдилар.

Махмудхұжа Бекбұдий ижтимоий-сійесий ишларга кизғын күшилди. Аслида бу фаолият 1906 йылдан бошланған. Шу йили у «Русия мусулманлари иттифоки»-нинг Нижний Новгородда үтказилған қурултойда қатнашған зди. Бекбұдий Тошкентта бұлғын үтганды (1917 й.) Туркистан мусулманларининг қурултойда иштирек этиб, нутқ сүзлади. У мусулманлар орасидаги ҳар кандай ихтилофға қарши чыкды. Бекбұдий шу қурултойда үлка мусулманлар шұросининг raisи этиб сайланды. 1917 йыл 26 науябрда Құқонда үлка мусулманларининг 4-фавқулодда қурултойын иш бошлади. 27 науябрға үттар кечаси «Туркистан мұхторияты» зъылон қилинди. Уннинг төявий асосчиларидан бири Бекбұдий зди. Мұхторият шүролар томонидан вәхшиёна бостирилди. Бекбұдий май ойининг бошларыда Самарқандға қайтиб, у ерда күп тұра олмай Тошкентте келди. Туркистан шүролар хукумати раҳбарлари билан музокара олиб боришиша уринди, аммо натижә чиқмады. 1919 йилнинг эрта баҳорида мамлакатдан чиқып кетаёттанида Шахрисабзда Инқилобий фавқулодда комиссия айғокчилари күмагида Бухоро амирлиги одамлари томонидан күлға олинди, ҳамрохлари Мұхаммадқұл ва Мардонқұл билан биргаликда Қарпидиа зиндонға ташланғанда ва қатл қилинди.

«Хайрия кепгаши» тузилишидан олдин жорий ишлда қўплаб воқеалар содир бўлди. Кўқондаги қурултойга мухторият эълон қилингандан сўнг элликка яқин зиёли шахслар Туркистон шаҳарларига бошлиқ этиб тайинланди. Ҳар бир шаҳардан бир ёки икки нафардан мансабдор шахс Кўқонга жўнатилди. Элликдан ортиқ бошлиқлар Кўқон шаҳрида эдилар.

1917 йилда рўй берган Февраль инқилобидан кейин, тошкентлик ва водийлик эркесвар кучлар Кўқон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойига тўпланиб, Туркистон Мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон килдилар. Бу ўзбек жадид маърифатпарварлари орзу ва армонларининг тантанаси эди. Шу кувончили воқеа муносабати билан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Афандизода, Салимхон Тиллахонов, Норбутабеков ва бошқа «Миллий иттиход» ташкилоти аъзолари «Турон» театри биносида маҳсус йигилиш ўтказиб, Туркистон Мухториятини қўллаб-кувватлаш, ахоли ўртасида Мухторият фойдасига тушунириш ишларини олиб боришига қарор қилдилар. Йигилиш ташкилотчилари орасида Гулом Зафарий ҳам бўлиб, у М.Уйгар, Б.Кориев, Е.Бобожонов ва А.Ҳидоятов билан бирга «Миллий иттиход» ташкилоти раҳбариятининг карорларини амалга оширишда, хусусан, большевиклар томонидан қамоққа олинган кишиларни озод килишда фаол иштирок этди.

Яна шу санада мухторият ҳукумати даврида турли ташкилот кенгашлари тузилган эди. Ташкилот кенгашларига ҳар вилоятдан бир неча шахслар бошлиқ этиб тайинланди. Петроград (Петербург)да ташкил этилган ушбу ташкилотлар сиёсатчилар орасида турли низоларни келтириб чиқарди. Мухбир-

ларнинг фикрича, Петербургдаги ушбу ташкилотлар Самарқанддаги шўро кенгашининг якун топганига ўхшаб тезда тугатилди. Аммо, шўро бир боланинг онадан тугилиб, тилга киргунча бўлган муддатда тугатилган бўлса, Петербургдаги ташкилотлар она қорнидаётк тугилмасдан гойиб бўлган мавхум ҳомила сингари тезда йўқолиб кетди. Ушбу ўтказилган қурултойларнинг барча харажматлари Россия ҳукумати таркибидағи мамлакатлар зинмасига юклатилди.

1917 йилнинг бошларида Петроградда бўлиб ўтган воқеалар таъсири остида Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошлиниб кетди. Шу йилнинг март-апрел ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жадидлари, миллий зиёлилар ва июль уламоларининг етакчилари бўлган Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Кори, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Усмон Хўжа, Мустафо Чўкай, Мухаммаджон Танишбоев, Шерали Лапин, Аҳмад Закий Валидий, Обиджон Махмудов, Полвонниёз Ҳожи Юсупов ўлқада янги ташкил килингани «Ёш бухороликлар» (1910), «Ёш хиваликлар» (1917), «Шўрон Ислом» (1917 йил март), «Шўрон Уламо» (1917 йил июн), «Турон» жамиятлари «Турк Адами Марказият (федералитар) фирмаси» (1917 йил июл) «Иттифоқи муслимин» (1917 йил сентябрь) сиёсий партияларининг тузилишида мухим роль ўйнайдилар.

Аҳмадхон ибн Исмоилхон сиёсий вазиятни таҳлил этар экан, кўпроқ аниқ далилларга таянишга ҳаракат қиласди. Ушбу тазкира ўз номи сингари бевосита гувоҳ бўлинган воқеалардан ташкил топган. Сиёсий бекарорлик сабабли қийналган ҳалқнинг аянчли ахволи алам

билин тилга олинган. Буни куйидаги маълумотдан ҳам англаш мумкин:

Маълумки, муҳторият эълон қилингандан сўнг, менъшевиклар даврида Самарқанддаги «Олоча» бозорига тунда ўгрилар тушиб бир нечта дўкондан қиймати таҳминан 20 000 тангага етадиган молларни олиб кетдилар. Шу санада чопон (тўн) бозори дўконларидан ҳам қимматбаҳо тўнларни ўғирлашиди. Бу иккала ўғрилик 1335/1917 йилнинг ёзида Самарқанд шаҳрида содир этилди.

1917 йилдан ҳатто 1921-1922 йилларда ҳам ахоли бундай ўғриликлардан азият чекиб, оч қолишига сабаб бўлган. Масалан, биргина Жиззахнинг ўзида 1400 та хўжалик (хонадон) босмачилар азиятидан зарар кўрган¹⁵⁶. Бу ҳолат Бухорода ҳам кўп кузатилган. Масалан, Ўзбекон кишлогидан бўлган Шукур Ражаб ўғли, Муродбек Абдулкарим ўғли, Мир Муҳтор Мир Ҳидоятуллоҳ ўғли, Аҳмадхожа Сайид Қосимхожа ўтилларининг аризалари орқали ўлқадаги вазиятни англаш мумкин¹⁵⁷. Шунингдек, Хоразм ҳам бу қаби ҳолатлардан четда қолганий ўқ. ЎзР МДА фондида сакланётган №587 хужжатда Хива хонлиги шаҳар ва туманларида содир этилган ўғриликлар хусусида батафсил маълумотлар мавжуд¹⁵⁸.

Бу қаби тунаб кетишилар хуррият эълон қилингандан сўнг, Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида содир этилди. Ушбу ҳодисалар мазкур «Тазкиратул инқилоб»

¹⁵⁶ Қаранг: Самарқанд вилоят Давлат архиви. 22-жамгарма, 1-рўйхат, 19-йигмажилд, 20-варак.

¹⁵⁷ Бухоро вилояти Давлат архиви. 227-жамгарма, 1-рўйхат, 12-йигмажилд; 227-жамгарма, 1-рўйхат, 20-йигмажилд, 4, 5-вараклар; 227-жамгарма, 1-рўйхат, 59-йигмажилд, 4-варак. 5.2. иловага қарант.

¹⁵⁸ Қаранг: ЎзР МДА. И-125-жамгарма, 1-рўйхат, 587-йигмажилд, 1-370-вараклар.

асарида (тааллукли бўлмаса-да,) имкон қадар батагф-
сил ёритишга ҳаракат қилинади. Кўқонда ўгрилар
шундай кучайиб кетдики, Кўқон бошқаруви уларнинг
иҳтиёрига ўтгандек эди гўё. Ўери ва қароқчиларнинг
ишлари ҳақидаги кўплаб ҳикоялар ҳуррият замонида
нашр этилган газеталарда чоп этилди. Одам яраг-
гандан то Қиёматга қадар дунё бу каби фиску фа-
садлардан холи эмас. Лекин кейинги йилларда содир
бўлган айrim воқеаларни келгуси авлодларга ибрат
бўлиши учун ушбу тарихга муҳтасар этиб киритдик.

«Тазкиратул инқилоб» асарида «босмачилик ҳарака-
ти» хусусида сўз юритилмаган бўлса-да, ушбу ўринда
бу ҳаракат ҳақида кисқача гапириш лозим топилди.

Ўрта Осиёда 1917-1935 йилларда олиб борилган
«босмачилик ҳаракати» ҳақида бир қанча илмий ма-
қола ва тадқиқотлар ёзилди. Тадқиқотчилардан бири
Н.Каримов мазкур мавзуда ёзилган ишлар ҳақида Фикр
билдириар экан, шундай дейди: «Бу тарих фақат Ғарб
эмас, балки Шарқ муаллифларининг тадқиқотлари ёки
шу ҳаракат қатнашчиларининг хотиралари асосида ҳам
ёзилиши керак. Айниқса, замона зайлар билан ватанини
тарқ этиб, ўзга юртларга кетиб қолган ватандошлари-
мизнинг эсдаликлари чукур ўрганилмоғи лозим»¹⁵⁹.

Хусусан, 1920-йиллар охири 1930-йиллар бошла-
рида Ўзбекистонда зулм, ҳақсизлик, адолатсизликка
карши «босмачилик ҳаракати»нинг янги тўлкини бош-
ланади. «Босмачилик»ка қарши кураш баҳонасида кўплаб
бегуноҳ кишилар жисмонан йўқ қилинади. Бунга
архивларда сакданаётган хужжатлар ҳам гувоҳлик бе-

¹⁵⁹ Каримов Н. «Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган? <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/488-bosmachilik-harakati.html> (Бундан кейин: Каримов Н. «Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган?).

ради. Масалан, Бухоро вилояти Давлат архивида сақла-наётган ушбу ҳужжатдан билса бўлади:

«Барнохожса Маҳмудхожса ўғлини оиласи ва Исоҳо-жса сагир тарафидан ариза.

Ушбу ариза воситаси илан илтимос қилиб маълум қитумизким, мазкур Барнохожса Маҳмудхожса ўғлини Бухородан бошқа одам гуноҳкорлар хусусинда келиб мазкур Барнохожса Маҳмудхожса отамизни қўйлар бошидан ушлаб Бухоро олиб кетубтулар. Бизлар бечорани боши-мизни устига қарашадиган кишиниз йўқ ва ҳамда мазкур отамизни гуноҳсиз кетгани учун сиз муҳтарамлардан ўтунамизким, озодлиги учун чора кўрсангизлар. Мазкурни бечора меҳнаткаш бўлганлигига Ромитан кентини амин оқсоқолларини шаҳодат учун имзолари ...», дея 16 та гувоҳнинг исмлари ва муҳри босилган¹⁶⁰.

Дастлаб босмачилар бойларга қарши кураш олиб борган¹⁶¹, шуроларнинг уларга қарши кураши натижасида оддий аҳоли ҳам кўп ситам кўради. Шунда жабр кўрган аҳоли ҳам босмачилик ҳаракатига кўшилиб, шуролар ҳукуматига қарши миллий озодлик ҳаракатлари авж олади. Масалан, Н.Каримов ««Босмачилик ҳаракати» қандай бўлган?» номли мақолосида Турор Рисқуловнинг хотираларидан куйидаги воқеани келтиради: «Босмачи-лар Андижон шаҳрида бирмунча муваффақиятга эриши-дилар, натижада 70 та милтиқ, бир неча минг ўққа эга бўлишди. Дашибоқлардан иборат ҳарбий қалъа бу воқеа-да бутун айбни эски шаҳарликлар бўйнига юклади. Шу

¹⁶⁰ Бухоро вилояти Давлат архиви. 227-жамгарма, 1-рўйхат, 16-йиғ-мажилд, 6-варак.

¹⁶¹ Архив ҳужжатларида жабр кўрган аҳоли томонидан шикоят хатла-ри мавжуд. Қаранг: Бухоро вилояти Давлат архиви. 227-жамгарма, 1-рўй-хат, 16-йиғмажилд.; 227-жамгарма, 1-рўйхат, 48-йиғмажилд.

муносабат билан бўлинма митинги чақирилиб, Эски шаҳарни тинтиб чиқши учун қарор қабул қилинди. Тинтук бир ҳафта давом этди. Ўгрилик, қотиллик, зўргаш ҳодисалари содир бўлди. Тинтувдан сўнг эски шаҳарликларнинг кўччилиги босмачиларга қўшилиб кетди.

Оқибат шу бўлдики, бир неча кундан кейин 170 кишидан иборат даиноқлар отряди босмачилар томонидан қуршаб олинди ва битта қолдирмай чопиб ташланди. Шундан сўнг аҳолини босмачиларга ён босиша айблаш бошланди. 170 кишининг ўрнига шаҳар қўмитаси раиси Салаев бошчилигида 250 кишидан иборат отряд тузилди ва Кўқон қишилоқча ҳужум қилиниб, биронта уй қолдирмай ёқиб юборилди».

Босмачилар ўз сафларини мустаҳкамлаш, курол-яроғ сотиб олиш ва озиқ-овқат билан таъминланиш учун кишилек ахолисига солик солгандар, буйругига бўйсунмаган кишиларни жазолагандар. Масалан, Қозоқ қўрбоши Андижон шаҳридаги «Уйлик» даҳасининг элликбошиси Тўхтасинга куйидаги талаб билан мурожаат этган: «Жаноби Исройлбек Ғозий амрига мувофиқ бой сияғига мансуб аҳолидан тезлик билан 300 минг сўм тўплаб, уни мусулмон аскарлари фойдасига келтиришингизни талаб этман. Пулини келтириш пайсалга солинадиган бўлса, катъий жазоланасиз».

Қ.С.Отабоев кимга қарши қураш олиб борилган бўлса, халқ оммаси шу «жабрдийдалар»га хайриҳоҳ бўлганлиги ҳакида сўзлаб, шундай деди: «Ҳожимат эшон (собиқ авлиё) аҳоли ҳурматини қозониб, узок вакт давомида босмачиликни бошқаради. Бу ерда иктисадий сабаблар бор эди: майда кустар корхоналарнинг миллийлаштирилиши, паҳта заводларининг ёлиб қўйилишин натижасида бир гуруҳ ишчилар бос-

мачилик күчогига ташландилар. Биз ўртот Ленинга сунқасед қилиниши муносабати билан бойларни сунқасед қылғанликда айблаб, камокхөналарга ташладик. Биз ахолининг барча нуфузли қатламларини қувиб юбордик ва босмачилик советларга қарши ҳаракат тусини олди, бутун аҳоли томонидан қўллаб-кувватланди, диний урф-одатларни ва миллатни большевиклардан ҳимоя қилишга отланди. Босмачилик билан кураш бошланган эди, аммо бу кураш уни тугата олмади. Бу ҳам босмачиликнинг ривожига янги сабаб бўлиб хизмат қилди». Кўрамизки, шўро вакиллари «босмачилар»га қарши курашиш жараённанда тинч ахолига ҳам бекёс даражада катта жабр-зулмлар келтириди ва шунинг натижасида улар куролли ҳаракатга кўпроқ ёрдам бердилар.

Куролли ҳаракатда минтақалар, миллий районларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ фарқлар, хусусиятлар ҳам бўлган. Масалан, Туркманистондаги Жунаидхон бошчилигидаги ҳаракат билан Тожикистондаги Иброхимбек раҳбарлигидаги ҳаракатда, Фарғона водийсидаги Мадаминбек бошлиқ ҳаракат билан водийнинг қирғиз ахолиси яшаган Мухиддин, Жонибек қози каби қўрбонилар бошлиқ ҳаракатда талайгина миллий ва маҳаллий хусусиятлар мавжуд бўлганки, буларни эътибордан четга қолдирмаслик керак. Шу билан бир қаторда шўроларга қарши куролли ҳаракатда қайси минтақада бўлишидан катъи назар кўпдан-кўп умумийликлар бўлган ҳамда курашувчи гурухлар бир-бирлари билан ўзаро кўшилиб кетганки, шунинг учун ҳам мазкур ҳаракатни атрофлича ўрганмай туриб унга тўғри баҳо бериб бўлмайди¹⁶².

¹⁶² Каримов Н. «Босмачилик ҳаракати» кандай бўлган?

Бу очарчилик балоси туфайли Туркистон шаҳарлари, саҳро ва биёбонларида яшайдиган аҳолининг аксарияти қашшоқлашиб кетди. Саҳролик аҳоли нон топиш мақсадида хонадон аҳлини олиб яёв ёки уловда шаҳарларга кўчиб кела бошлидилар. Очликдан турли касалликларга чалиниб, кўплари Жиззах атрофига ё Тошкент томонларга йўл олдилар. Айримлари очликдан ранглари саргайиб, қоринлари шишиб хору зорлика оламдан ўтдилар. Тошкентда босиладиган нуғузли газеталардан бирида ёзилишича, фақирлик ва очлик туфайли Тошкент, Чинозга келган фуқаролар учун Тошкент аҳолиси ва мансабдор шаҳслар ишгилиб тиланчи-мискинларга ёрдам бериш мақсадида ошхоналар очишини маслаҳат қилишиди. Тошкентлик большевик ва бойлар маблаг тўплаб хайрия тадбирларини бошлиб юборди. Бундан хабар тонган саҳро аҳолиси Тошкент, Кенос, Чиноз ва бошқа шаҳарларга иккита-иккита, учта-учта бўлиб кела бошлиди.

1918 йилнинг баҳорида янада кучайган очарчилик натижасида бу каби хайрия ишлари бутун ўлкада амалга оширилган. Архив хужжатларида бунинг исботини кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд вилоятининг Давлат архивида сакланаётган хужжатларда маҳаллий аҳолига кўмак бериш максадида турли миқдордаги пул маблағлари ажратилгани хусусида сўз боради. Масалан, ўлкадаги оғир вазият сабабли 800 000 рублдан кам бўлмаган миқдорда пул ажратилиши, ундан 300 000 рублини ҳудудларга тарқатилиши (Самарқанд вилоятига 75 000 рубль, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида 100 000 рублдан, Тошкентта 25 000 рубль), қолган суммани очарчиликдан қийналган аҳолини текин ошхоналар билан таъминлаш учун ишлатилиши тўғрисида, яна Самар-

қандид вилояти комиссари ўринбосарининг текин ошхоналарни таъминлаш мақсадида 1918 йилнинг 3 июнида 15 000 рубль ажратиши, 1918 йилнинг 23 октябрида эса комиссар Мухович томонидан 15 000 рубль, 19 октябрярида Панжикент аҳолисига 15 000 рублдан маблағ ажратилган¹⁶³. Бундан ташкири, 1918 йилда Туркистонга 115 та вагон дон жўнатилди¹⁶⁴.

Самарқандда ҳам шаҳар атрофи, Жиззах ва Ургут чўлларидан очарчилик сабабли эркак-аёл ҳамда болалардан ташкил топган мискинлар чопонесиз, оёқ яланг қалбни ларзага келтиргудек кўз ёши тўкиб Самарқанднинг кўчалари ва бозорларига келар эдилар.

1917 йилда Туркистонга нон олиб келиш тўхтатилди. Қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутди. 1918 йилнинг июлидан 1920 йилнинг майига қадар кучли очарчилик давом этди. Махсулот ишлаб чиқариш 80 фоизга камайиб кетди. Шу йили шаҳарларда киши бошига кунлик нон 200 гр ва ундан ҳам кам микдорни ташкил этди. Қишлоқларда эса умуман нон етмади¹⁶⁵.

Очарчилик оқибатида озука излаб турли ҳудудларга кўчиб кетишлар авж олди. Текин ошхоналар ташкил этилди ва унинг дастури ишлаб чиқилди. Дастурда айтилишича, ошхоналарнинг очилиши учун икки мингта яқин очарчиликдан қийналган одамлар бўлиши, очарчиликка учраганларга шамол ва ёгин гарчиликдан тўйибди.

¹⁶³ Қаранг: Самарқанд вилоят Ҷаънат архиви. 830-жамгарма, 1-рўйхат, 7-йигмажилд, 1-7-вараклар.

¹⁶⁴ Зиядуллаев Н., Манохин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Т.: 1949. – С. 21.

¹⁶⁵ Абрамов М.М. Исторический очерк Столица «Конгчи» в Самаркандинской области. (1920-1927 гг). Дисс. канд. исторических наук. – Самарканд: 1955. – С. 46, 116-117.; Самарқанд вилоят Ҷаънат архиви. 1843-жамгарма, 3-йигмажилд.

силған қуруқ срда жой қилиниши лозим. Қийналғанлар уч түрүхтә бўлинган: 1. Ишлашга лаёқатли. 2. Кучсиз (мадорсиз), 3. Беморлар. Ошхоналарда доим табиблар жалб қилинган. Яъни, уларнинг ҳолидан хабар олинган.

Бунака ошхоналар ўлка бўйлаб кўплаб ташкил этилган. Шулардан бирни Жиззахдаги 48 та хужрадан иборат фаолияти тутатилган «Акрамхона» мадрасаси эди. «Самарқанд овози» газетасида ёзилишича, «...тушилик вақтида йўлда кўплаб аёл ва болаларни турли идишиларда умумий ошхонадан тарқатилган иссиқ овқат кўтариб олганини кўриши мумкин»¹⁶⁶.

Хўжанднинг Наус округида 1919 йил февраль ойининг иккинчи ярмида очларга 20 000 рубль ажратилган. 1919 йилнинг 7 марта Хўжанднинг 1-ошхонасида 1199 та, 2-ошхонасида эса кунига 1670 нафар одам овқатланган¹⁶⁷.

Хўжатларда кўрсатилишича, очарчилик тугагач, ватанига қайтишини хоҳловчилар Самарқанд округидан 1500, Жиззахдан 225, Каттакўргондан 810, Хўжанддан 370 жами 2905 нафар одам рўйхатга олинган. Самарқанддан арzon нархларда ўз юргига 37 та оила (катталар 69 та, болалар 22 та, жами 91 та одам) жўнатилган¹⁶⁸.

*Китоб аввалида айтиб ўтилганидек, 1331 йилнинг баҳорларида Европада бошланган биринчи жаҳон уруши Туркистон, Россия, Туркия, айрим Араб давлатлари вилоятларида ўз таъсирини кўрсатди. ... Бир пуд*¹⁶⁹

¹⁶⁶ Газета. Голос Самарканда. 29.11.1918. №245.

¹⁶⁷ Абрамов М.М. Исторический очерк Союза «Копичи» в Самаркандской области. (1920-1027 гг.). Дисс. канд. исторических наук. – Самарканд: 1955. – С. 46, 119-120.

¹⁶⁸ Самарқанд вилоят Давлат архви. 22-жамгарма, 1-рўйхат, 19-йиг мажнуд, 20, 31-вараклар.

¹⁶⁹ 1 пуд – 16,3804964 кг.

дүмба ёги 70-80 сүмга күтарилди. 1335/1917 йилнинг қишига келиб бир пуд дүмба ёги 200 сүм бўлди. Ярим кг тоза зигир ёги 5 сүмдан кўпроқ бўлди. Бир қадоқ¹⁷⁰ қанд 4-5 сүм, бир қадоқ тоза асал 40 танга, бир қадоқ чойнинг нархи 25-30 сүмгача чиқиб, яна 15 сүмга тушибди. Чорак кило кўй гўшти (250 гр) 16 сүм, чорак кило мол гўшти 6-7 сүм, баққолдан олинадиган ярим кило мол 20 танга, ярим кило тарик 20 танга, бир дона гугурт 20 тийин, бир дона уй товуги 10 сүмга етди.

Ушбу нарх-наволар Бухоро амирлигидаги бозорлар билан таққосланганда бир оз фарқ қиласди. Амирлик шаҳарларидаги бозор нархлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қиласди¹⁷¹. Масалан, 1917 йилнинг апрель ойида Чорсу бозоридаги 1 қадоқ дүмба ёғи 1 сүм 13 тийин, Кўргонтепа вилоятида чорак¹⁷² кг 60 танга¹⁷³, Дажли кўл бозорида чорак кг дүмба ёғи 10 сүм 65 тийин, бошқа бозорда 1 пуд дүмба ёғи 28 сүм, Шахрисабздаги бозорда 1 қадоқ дүмба ёғи 1 сүм 50 тийин, Шеробод вилоятида 1 қадоқ 1 сўмни ташкил этган. 1916 йил бундан ҳам кимматроқ бўлган.

Шеробод вилоятида 1 қадоқ зигир ёғи 70 тийин, Шахрисабздаги бозорда 60 тийин, Кўргонтепа вилоятида 1 пуди 18 тангадан 3 сүм 35 тийингача кўтарилган. 1916 йил Янги шаҳарда 1 пуд қанд 13 сўм, Келифда 120 танга, Қашқадарёда 14 сўмдан 18 сўмгача, Шеробод вилоятида 1 қадоғи 25 тийиндан 40 тийингача бўлган.

¹⁷⁰ 1 Қадоқ – 409,5 грамм.

¹⁷¹ 2-иловага қаранг.

¹⁷² 1 Чорак – 250 грамм.

¹⁷³ 1 Танга – Бухоро амирлигидаги 15 тийингача, Кўкои хонлигидаги 20 тийингача тенг бўлган кумуш пул.

1917 йилда Чорсу ва Регистон бозорларида 1 қадоқ мол гүшти 60, 1 қадоқ кўй гүшти 75 тийин, Кўрғонте-па вилоятида чорак кг мол гүшти 4 сўм, кўй гүшти эса 40 танга, Дажли кўл бозори мол гүшти 4 сўм, кўй гүшти 6 сўм, Шахрисабздаги бозорда мол гүшти 46 тийин, кўй гүшти 76 тийин, Шеробод вилоятида 1 қадоқ мол гүшти 38 тийин, 1 қадоқ кўй гүшти 306 тийинни ташкил қилган. Хуллас, буларни ўртача килога хисобласа, амирлиқда ҳам Самарқанддаги сингари кимматчилик хукм сурганини кўриш мумкин. Тошкентда эса уруш йиллари 1 пуд мол гүшти 3 рубль 60 тийиндан 4 рублгача кўтарилган¹⁷⁴.

Бир bog беда 4 сўм, агар тогдан терилган бўлса, бир эшак арава ўтин 100 танга, бир саржин тараши 100 сўмдан 120 сўмгача етди. Майдо шохли ўтин, бир эшак арава гузапоя ва янтоқ 10 сўм, бир от арава мевасиз дараҳт тараашаси 10 сўм, мевали дараҳтники эса 100 танга, бир пуд кўмирни 8 сўмдан то 10-12 сўмгача сотилди. Бир пуд тошкўмир 40 танга ва ундан ҳам ошиб кетди.

Ушбу наркларни Тошкентдаги нархлар билан солиширадиган бўлсак, уруш йилларида мойли шамнинг нархи 13 рублдан 15 рублгача кўтарилган¹⁷⁵. Бир саржин мевали дараҳт тараашаси 11 рубль, мевасиз дараҳтники эса 9 рубль 50 тийин, 1 пуд саксовулни уйга элтиб бериш хизмати билан 32 тийин, 1 пуд тозаланмаган пахта 5 рубль 75 тийиндан 5 рубль 85 тийин бўлса, 100 боғлам хашак (похол) 20 рублдан 22 рублгача кўтарил-

¹⁷⁴ ЎзР МДА. И-37-жамгарма, 1-рўйхат, 599-йигмажилд, 71-варак; И-37-жамгарма, 1-рўйхат, 456-йигмажилд, 60-варак.

¹⁷⁵ ЎзР МДА. И-37-жамгарма, 1-рўйхат, 599-йигмажилд, 1-2-вараклар.

тун¹⁷⁶. Кўқон ва Наманган бозорларида ҳам 1 пуд пахта 1 рубль 80 тийинга кўтарилиган¹⁷⁷.

Муаллиф юқоридаги кўрсатилган нарх-наволар ҳакида маълумот берар экан, янада аниқроқ бўлиши мақсадида ўзи бозорга чиқиб бир маҳал овқатга кетадиган мисалликларни неча пулга тушишини аниқ-равшан кўрсатиб беради. Бинобарин:

Мазкур калималарнинг муҳаррири бу факир шу санада яъни, 1336/1918 йил саер ойининг бошида бир пуд оқ жўхорини 160 сўмга сотиб олиб нон пишириб еган эдик. Бир яримтacha қўй гўштини 4,5 сўм, чорак (кило) яъни 5 қадоқ гуручини иккита кам 3 сўмга, икки қадоқ сабзини 2 сўмга, бир қадоқ зигир ёгини 4 сўмга, пиёзни ярим сўмга, ўтинни 1,5 сўмга сотиб олиб, бир товоқ палов пишириб еган эдик. Бир қадоқ керосинни умумий дўкондан ярим сўм, русларнинг қишилогидан 2 сўмга, Самарқанд шаҳрининг айрим баққолларидан эса 3 сўмга олиб, чироққа солиб уйни ёритган эдик.

Мазкур асаддаги воқеалар, аниқ маълумотлар орқали яқин ўтмишимизни яъни, халқнинг ижтимоий ахвали ва кора кунларини аниқ тасаввур этиш мумкин. Яна муаллиф курғоқчиликни куйидагичча тасвирлайди:

1336/1918 йилнинг баҳорига келиб қаҳатчилик янада авжига чиқди. От йилининг ҳамал ойида қурғоқчилик бўлди. Гарчанд осмонда қора булутлар кўринса-да, бир томчи ҳам ёмғир ёғемас эди.

¹⁷⁶ ЎзР МДА. И-37-жамгарма, 1-рўйхат, 599-йигмажилд, 4, 7, 13, 19-вараклар.; И-37-жамгарма, 1-рўйхат, 456-йигмажилд, 13-варак.; И-17-жамгарма, 1-рўйхат, 35157-йигмажилдида ҳам Тонкент бозорларидаги нарх-наволар кайд этилган.

¹⁷⁷ ЎзР МДА. И-47-жамгарма, 1-рўйхат, 328-йигмажилд, 9-варак.

Курғоқтилик натижасида қишлоқ-хўжалик ҳам се-зиларли даражада заарар кўрди. Турли йиллардаги йи-гиб олиниг ҳосилни ҳисоблайдиган бўлсак, 1907 йилда кузги бўғдой 130606 бўлса, 1917 йилга келиб 115278 га, 1925 йилгача 40 000 га тушди. 1907 йилда баҳорги бўғдой 112009, арпа 45582 бўлса, 1917 йилда 27140, 1925 йилгача 28500 га тушди¹⁷⁸.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Тазкиратул инқи-лоб» асари юртимизнинг яқин тарихи, ҳалқимизнинг кора кунларидан хабар бергувчи муҳим асар ҳисобланади. Собиқ Иттифок даврида ўтмиши қора қилиб кўрса-тилган, маънавияти поймол этилган, маърифатпарварлари тазиик остига олиниб, қатағонга учраган миллат фарзандининг бу каби асар ёзиши катта жасоратдан да-рак беради. Мазкур асарнинг ҳозирги кундаги аҳамияти шундан иборатки, ундаги воқеалар ёш авлодни оғир замонда яшаб ҳам қадди букилмаган аждодлари тарихидан хабардор қиласа, яна уларни истикклол шарофати билан тўкин-сочин ҳаёт, билим ва касб-хунар эгаллаш учун яратиб берилган шароитларни қадрига етишга чорлади.

¹⁷⁸ Қаранг: Справочник Самаркандской области на 1909 годъ. IX. – Самарканд: Типо-Литография Г.И.Демурова. 1908. – С. 17.; Самарканд вилоят Давлат архиви. 48-жамгарма, 42-йигмажнлд, 8,11-вараклар.

3.2. «Тазкиратул инқилоб»¹²⁹ асарн таржимаси

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ёруғ оламни яратган Аллоҳ таоло истаса, бир муддат маълум тоифадаги иносонларни бошқа бир гуруҳ инсонларга тобе қилиб қўяди. Голиб гуруҳ мағлубларни ўз тасарруфига олади. Илоҳий тақдир сабаб, улар босиб олган ерларига келиб ерлик (туб) ахолига ҳукмронлик килишади. Фуқаролар ҳам ғолибларнинг амр-фармонинга итоат этишга мажбур бўладилар. Тақдир этилган муддат тугагач, ғолиблар бошқа бир тоифа одамлардан енгилиб, улар тасарруфидаги мулклар янги гуруҳ ижтиёрига ўтади. Аллоҳ таоло дейди:

«...Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мерос қилиб беради»¹³⁰. (Аъроф сураси, 128-оят).

Ушбу сўздаги «кимни» калимаси умумий бўлиб, хоҳ мусулмон, хоҳ ғайридин бўлсин, барчага қарата айтилган. Шундай экан, Аллоҳ таоло Ўз тасарруфидаги мулкларни бир муддат мусулмонларга, яна бир муддат эса ғайри динларга беради. Агар У Зот хоҳласа, банда таомини оғзига солишга улгурмасдан мағлубни ғолиб устидан ҳукмдор этиб қўяди. Тағин шуни айтиш лозимки, содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ўзига, динига ва ватанига зарар етмаслиги учун ҳар бир бандага

¹²⁹ «Тазкира» сўзи – эслаш, хотирланш, зикр этиши маъноларини билдиради.

¹³⁰ Мансуров А. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: Тошкент ислом университети, 2012. – Б. 165.

жузъий ихтиёр берилган. Улар динини душманлардан асраш мақсадида илм-маърифатни эгаллашга ҳаракат кылсинг. Агар таълим олиш ва илм тарқатиш фойда бермаса, саодатли келажакни ибодатларида Аллохдан сўраб, тақдирга ҳавола қылсинг. Аҳли ҳақнинг тутадиган йўли шудир.

Энди биродарларга тұхфа таріқасида 1332/1914 йилнинг биринчи чорагида бошланган биринчи жаҳон уруши ҳақида ушбу сахифаларда бир неча сатр маълумотлар келтиришга қарор килдим. Ұша вактларда уруш сабабли юзага келган очарчилик, касалмандлик, ўғрилик, қароқчилик, ижтимоий ҳаёт, кенгашлар, адовар, баҳс-мунозама, бўлинешлар ва фирибгарлик ҳамда турли хил сайловлар ҳақида бир неча ҳодисалардан ҳикоя қиласиз.

1331 йилнинг бошида бошланган биринчи жаҳон уруши 1335/1917-18 йилга қадар давом этди. Матбуот ҳодимларининг фикрича, мазкур урушнинг келиб чикишига австриялик бир насроний тоифанинг ўғли сабаб бўлди. Австриялик шаҳзода саёҳат қилиш мақсадида насронийларнинг давлати бўлган Сербияга боради. У сербияликларнинг айрими билан азалдан душманчилик муносабатида бўлган. Душманлар унинг жонига касд қилишади. Шунда Австрия шохи Сербия подшохига ўғлиниң қотилини тоширишни, акс ҳолда унга қарши уруш очишини маълум қиласи. Сербия ҳукмдори унга жавобан шаҳзоданинг қотилини хеч ким билмаслиги, уни топишнинг эса сира иложи йўклигини маълум қиласи.

Шу таріқа Австрия ва Сербия ўргасида уруш бошлилади. Николай II Сербияга мадад кучларини жўнатганда уруш янада авжига чиқади. Русларнинг Сербияга берган кўмаги Германияга маълум бўлгач, Германия шохи: «Эй русларнинг сultonни, сен Сербия ва Австрия орасига ту-

шеб аралашма, Сербияга яқинлигинг учун унга күмак берма. Иккала давлатни ўз ҳолига қўй, бир-бирови билан тима қўлса ҳам, ихтиёр ўзларида. Агар яна Сербияга ёрдам берсанг, мен ҳам Австрияга ёрдам қўлини чўзаб сенга қарши уруш эълон қиласман», деди. Руслар мағурулук килиб, Германияга қарши чиқиб уруш эълон қилди. Шундай килиб, Австрия томонда Германия, Болгария ва Туркия жанг майдонига тушди. Сербия томонида эса Россия, Англия, Франция уруш бошлади.

Бу воқеалардан саросима ва изтиробга тушмаган ҳеч бир шаҳар ёхуд қишлоқ аҳолиси қолмади. Ер юзи-даги бетараф бўлган бошқа давлатларнинг шоҳлари ҳам оромларини йўқотдилар. Жанг майдонига кирмаган давлатлар – Хитой, Америка, Япония, Афғонистон, Бухоро, араб давлатларининг айримлари, кичик давлатларнинг конликлари бетараф қолдилар. Биринчи жаҳон уруши асносида рус давлати аҳолиси орасида ихтилоф ва норозиликлар юзага келди. Халқ подшоҳини таҳтдан ағдарди.

Балиқ йилининг охирида (1334/1916 йил) рус шоҳи ўз фукаролари ҳамда мусулмон аҳолисига зулм байрогини кўтарган эди. Ҳусусан, 1916 йилда ҳар бир гузардан 60-70 нафар мусулмонни поездга солиб ўз мамлакатига олиб кетди. Мусулмонларни у вилоятдан бу вилоятга кўчириб, сарсону саргардон қилди. Мардикорликка кетган мусулмонларни овора қилиб ҳар шаҳарга 100-100, 200-200 нафардан тақсимлаб, баъзиларини поезд йўлларини қордан тозалатиш мақсадида олиб қолди. Айримларини эса тог конларига, тўғон курилиши, дарахт кесиши, кесилган ёғочларни поездга юклаш каби ишларга жалб этилди. Мусулмонларнинг аксарияти қаҳратон кишининг совуғига дош беролмай қўл-оёқлари музлаб, айримлари ўша юртларда жон таслим қилди. Аксарияти уларга бе-

риладиган озиқ-овқат маҳсулоти ёмонлигидан оғир хасталикка чалиниб, ўз давлатларига бу фалокат хабарини етказдилар. Кўплари ўша ерда нобуд бўлди. Бу воқеаларни тартиб билан ушбу асарда баён этаман.

Биринчи китоб

Рус подшоҳи Александрнинг таҳтдан ағдарилиши

Рус шоҳи мусулмон аҳолининг бошига қанчадан-қанча жабр-ситамлар ёғдирмади. Унинг зулми кун сайнин ортиб, мамлакат зулм сабабли таназзулга юз тута бошлади. Оқибатда ҳалқ шоҳнинг жабр-ситамларидан қийин ахволга тушиб қолди. Давлат арбоблари ҳам ҳалқ томонида бўлиб, мамлакат тинчлиги ва фуқароларнинг осойишталигини истар эди. Улар кўплаб ҳарбий арбобларни ўз томонига оғдириб, маҳфий иттифоқ туздилар ҳамда золим шоҳ Николайни таҳтдан ағдариш учун унга қарши фитна уюштирдилар. Золим подшоҳни мудофаа қилинадиган бир истеҳкомга қамаб, ҳукмронликни ўз қўлларига олдилар ва тарафдорларидан бўлган давлат арбобини вактинчалик шоҳ таҳтига ўтказдилар. Бу янги ҳукуматнинг номи «муваққат ҳукумат» (Мухторият) дей атала бошланди. Ушбу ҳодиса балиқ йилининг охирида содир бўлди (1334/1916 йилда таҳминан хут буржига тўғри келади. Валлоҳу аълам.).

Ҳукумат бошлиғи ва таянчи, давлат арбобларидан бири Керенский¹⁸¹ муваққат ҳукуматнинг бош вазири этиб тайинланди. Мувакқат ҳукумат қўл остидаги барча ҳудудларга ўз мустақиллигини ўйлон қилди.

Золим подшоҳ таҳтдан ағдарилгандан сўнг, шу йили Николайнинг зулмига учраган турли мамлакатлардан

¹⁸¹ Александр Фёдорович Керенский (1881-1970 йй.).

псир қилиб келтирилган фуқаролар озод этилиб, ўз юртларига қайтишга рухсат берилди. Туркистон ахолиси ҳам озод этилди. Ҳамма мусулмонлар бу хабардан бениҳоя хурсанд бўлдилар. Ҳатто Туркистоннинг барча шаҳарларида аҳоли янги ҳукумат хабарлари чоп этилган турли газета ва журналларни кўтариб олишган эди. Ҳар бир давлатда ижтимоий-сиёсий табака вакиллари ўзларининг эски ҳукумат вақтида йўқ қилинган урф-одатларини тиклаш максадида ҳаракат қиласар эдилар. Уламолар тўпланиб, ўзлари учун садр, садр ёрдамчиси, котиб, газначи ва аъзолар сайлай бошладилар. Уламолар кенгашида бойларни аъзо қилишарди. Таракқийпарвар ва уларнинг тарафдорлари эса ҳуррият эълон қилиниши муносабати билан турли кўринишдаги байроқларни кўтариб олган ҳолда майдон, маҳалла, бозор ҳамда шоҳ кўчаларда кулокларни коматта келтиргудек қилиб такбир айтар, намойишлар уюштирадар эдилар. Дастлаб Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Каттақўргон шаҳарларида мажлис (уюшма, йиғин) ташкил этилди. Сўнгра ушбу тоифа вакиллари (партия) ўз мажлис (уюшма) сига ном қўйди. Тошкент уламолари ўз уюшмаларини «Уламо» ва «Аимма жамияти», дея номладилар. Ушбу ташкилотнинг маҳсус мухрини ишлаб чиқдилар. Мухрда ташкилот номи зарб этилди. Тошкентда «Шўрайи ислом» номли тараққийпарварларнинг ташкилоти бўлиб, уламолар билан ўрталарида озроқ ихтилоф кўзга ташланар эди. Таракқийпарварлар билан бошқа гурӯҳ кишилари орасида ихтилоф юзага келмаган бирор шаҳар ёки кишилоқ қолмади. Ҳатто айрим вақт бу икки тоифа вакиллари бир-бировини лаънатлаб куфрда айблар, гоҳида эса иттифоқ қилишга чакирав эди.

Самарқандда ҳам бой, уламо ҳамда тараққийпарварлардан ташкил топган турли тоифа вакиллари ўз ўюшмаларини тузган эди. Чунончи, мустақиллик эълон қилинганининг илк кунларида Самарқанд тараққийпарварлари «Қўшҳовуз» гузарida ўз ташкилотларини тузиб, номини «Кулубул ислом ва анжумани маъориф», дея номладилар. Бир оз муддатдан сўнг Самарқанд уламолари ҳам «Мирзо Улугбек» мадрасасида тўпланиб, ўзларига садр, садр ёрдамчиси, котиб, газначи ва ташкилот аъзоларини туздилар. Мазкур воқеалардан бир неча кун ўтиб, ахолидан бошқа бир гурух чиқиб бошқа ташкилот тузди. Улар мардикор, косиб ҳамда ишчилардан иборат бўлиб, ташкилотларининг номини «Ишчилар жамияти», дея номладилар. Туркистон шаҳарларида турли ўюшмалар ташкил этилгандан сўнг муваққат хукумат томонидан мамлакат ҳимояси ва қонуклар изроси учун ҳар бир шаҳар ва гузарда аҳоли орасидан бошлиқ сайлаш вазифаси юклатилди. (Ташкилот эса) «комитет» дея номланди. Буни барча давлатларда жорий этилди. Мувакқат хукумат подшоҳ Николай даврида давлатда ишлаган мансаб эгаларини (масалан, губернатор, ҳоким, пристав, ўнбоши ва бошкалар) барчасини ишдан бўшатиб ҳисбга олиб, ўрнига эркпарварлардан бўлган кишиларни тайинлади. Ҳарбийларни ҳам ўз тарафдоридан бўлган одамлар билан алмаштириди. 1335/1917 йилнинг ёз фасли ўрталарида ушбу янги хукумат ўз ватанини ҳимоя қилиш максадида ҳар бир шаҳардан бир неча бошлиқ сайлаш тўгрисида кўрсатма берди. Ва бу бир неча одамни ҳалқ «дума», деб атарди. Сўнг ҳар бир шаҳарда сайлов ишлари олиб борилди. Дума сайлови тантанавор тарзда ўтди. Ушбу сайловда ҳалқ икки синфга – уламо-бойлар ҳамда тараққийпарварларга бў-

шынди. Уларнинг аксарияти уламолар, қолган қисми эса тараққийпарварлар билан ишчилар томонида эди. Дума сайлови қоғоз билан амалга оширилди. Яъни, ҳар бир сайловчига бир дона махсус белги ёзилган қоғоз бериш низомини ишлаб чиқилди. Үнга кўра, ўша белги орқали мазкур шахс қайси ташкилотдан эканлиги маълум бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, дума сайловида Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги мусулмонлар икки тоифага ажралган эди. Уламо-бойлар ҳамда халқнинг аксарияти битта тоифа эдилар. Мазкур тоифа сайлов хатининг белгиси қўйилган қоғоз ҳар бир аъзога тарқатилган. Сайлов қоғозига «1-хат», «1-ракам» ёки битта «алиф» ёзилган, бошқа синф (тараққийпарвар ва ишчилар. Улар озчиликни ташкил этар эди) сайлов қоғозига эса «2-хат», «2-шакл» ёки «2-ракам», дея ёзилган.

Сайлов куни икки гурӯҳ ўртасида низо келиб чиқди. Ҳар бир тоифа ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш мақсадида ракиб тоифани қораловчи шиорларини ўқий бошладилар. Шундай қилиб, иккала тоифа вакиллари ҳам ошкора, ҳам яширинча одамларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди. Ҳатто сайлов куни тараққийпарварлардан айримларини бирлашган тоифа вакиллари бир неча сайлов участкаларида ҳақоратлаб, уриб ҳатто қамаб қўйишди. Сайлов ўтгандан сўнг тараққийпарварлар йигилиб ҳокимларга сайловдан олдин уламо ва бойлар тараққийпарварлардан айримларини бир кеча-кундуз қамаб қўйгани хусусида шикоят аризасини ёздилар.

Алқисса, мустақиллик замони ҳеч бир шаҳар адоват ва баҳс-мунозарадан холи бўлмаган ажойиб давр бўлди. Афсуски, мустақиллик эълон қилинган даврдан турли ихтилоф ва келишмовчиликларнинг юзага келиши оки-

иди. Ушбу сайлов ҳам аввалги
жумий эди. Аммо мазкур сай-
ловнинг барчаси бир хил сайлов
ов қоғозида фуқароларнинг ра-
з. Бу сайловда Самарқанд аҳо-
тган дума сайловидан фарқли
дан, барча бир томонда бўлди.
мларнинг айтишича, хукумат
большевиклар қўлига ўтгач,
даги мансабдор шахсларнинг
еренскийга ўхшаган айримлар
ирининг ҳикоя қилиб бериши-
биятга учрагандан сўнг қайси
ларга бўйсунмасалар, уларни
рин, Оренбургдаги қозоқлар
иадилар. Қозоқлар большевик-
ли. Турли шаҳарлардан мень-
шиб, қозоқларга қўшилди. Улар
тузиб, большевикларга қарши
живиклар қозоқ ва меньшевик-
идиа икки марта хужум уюш-
на олмади. Учинчи марта ҳам
якунланди. Давом этаётган
лан якун топганини (иншаал-
ла) зикр қилиб ўтамиш.

ГЧИ КИТОБ

иклар тасарруфида бўлган
воқсалар баёни. Туркистон-
и қилинини. Туркистон ша-
ълон қилингандан сўнг со-
оф ва қарама-қаршиликлар

баёни. Большевикләр ҳокимият тепасига келгандан сүптүн вужудга келган тартибсизликлар, ўғрилик ва истилолар баёни.

Маълумки, ҳокимият насронийлар тоифасидан бўлган большевиклар тасарруфига ўтгандан сўнг, гўё кўйларни (эгасиз) ўрмонга қўйиб юборгандан бўридан кўркиб қочгани сингари янги ҳукумат кўл остидаги турли ҳудудларда ҳам халқ ташвиш ва изтиробга тушиб исён кўтара бошлади. Даастлабки содир бўлган воқеа Петроград (Петербург) томонидан муҳториятнинг эълон қилингандик хабари Туркистонга етиб келиши билан боғлиқ. Аввалига Тошкент шахрида фуқаролар бу хабарни ижобий қабул килди. Барча олим, фозия, бой ҳамда тараққийпарварлар бу хабарни байрамона руҳда қаршилаш мақсадида йигилиб иттифоқ туздилар. Улар намойишларни кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун турли рангдаги байроқларни тайёрладилар. Байроқларда «Калимаи тойиба» ҳамда «Фатҳ» сурасидан ояtlар ёзиб кўйилган эди. Большевиклар Тошкентнинг сиёсий бошқарувини ўз қўлларига олганлари сабабли тошкентликлар улардан муҳторият тузилгани муносабати билан намойишга тайёргарлик кўрганлари, Тошкентнинг мусулмонлар ва руслар яшайдиган кўчаларидан ўзлари тайёрлаган байрокларини кўтариб ўтишга рухсат сўрадилар. Большевиклар бу ишлари яхши эканлиги, уларнинг фикрига қўшилишларини изҳор этишди. Аммо намойишни ўзларининг кўчаларида ўтказишлирини руслар яшайдиган маҳалла ва қишлоқларга бормасликни шарт килиб кўйиши. Тошкентликлар руслар яшайдиган жойларни «ярманка» деб аташар эди. Мусулмонлар илтифот юзасидан намойишни большевиклар яшайдиган жойдан бошлашни айтишганда улар

зөхиран бу фикрга қўшилдилар. Тошкентлик намойишчилар мусулмонларнинг кўчаларидан ўтиб, ярманка кўчаларига – Тошкентнинг Тупроқ кўргонига келдилар. Большевиклардан тортишувлар вактида хибсга олинган бир қанча менъшевикларни Тупроқ кўргон қамоқхонасидан озод этиб, уларга топширишни илтимос қилдилар. Большевиклар намойишчиларнинг бу илтимосларни инобатга олиб қамоқдаги менъшевикларни озод қилишга ваъда берди. Бир неча мусулмонлар қамоқхона бошлиғи олдига бориб маҳбусларни уларга топширишини илтимос қилди. Қамоқхона раҳбари эса уларнинг гапини эшитмай, нолойиқ сўзлар билан ҳақоратлади. Мусулмонлар ҳам унга жавобан бошликини калтаклаб, қамоқхона эшикларини синдириб маҳбусларни озод қилдилар. Намойишчилар ярманка кўчаларидан ўтиб, намойишни тугатиш максадида Тошкент шаҳри томон юрдилар. Мухториятга зимдан қарши бўлган бир гурӯҳ большевиклар тўп ва замбаракларни отиб, намойишчилар бўйнига кўйдилар. Бундан ҳайратга тушган (бошқа) большевиклар хавфга тушиб, тўс-тўполон бўлиб кетди. Юзга яқин намойишчилар тартибсизлик ва ҳужум оқибатида Тупроқкўргон остидан оқиб ўтаяётган катта анхорга йикилиб ҳалокатга учради. Валлоҳу аълам.

Самарқандликлар ҳам тошкентликлар сингари намойиш қилиб, мухториятни эълон қилишни исташар, аммо буни (садир бўлган воқеалар туфайли) большевикларга айтишдан кўрқдилар. Самарқандликлар тошкентликлардек йўл тутишмади. Мухториятни эълон қилиш учун мусулмонлар, яхудийлар, большевикларнинг бошликлиари, Самарқандда истиқомат қилаётган русларнинг улутларини уламолар қенгашига чакирдилар. Мухторият аъзоларидан қўқонлик Қози Камол исмли шахс Қўқон

вакили сифатида иштирок этди. У Самарқанд уламолар кенгашида (шўройи уламои Самарқанд) оташин нутқ сўзлади. Нутқи Кўқон аҳли ҳам (мусулмон, яхудий ва руслар) мухториятни зълон килгани, бу янгиликни Кўқон аҳли катта тантана билан кутиб олгани, Самарқанд аҳолиси ҳам шу тарика байрам килиши кераклигидан иборат эди. Кенгаща мухториятнинг Тошкентдан ҳам бир вакили иштирок этди. Тошкент уламолар жамиятининг вакили тошкентликлар мухториятни зълон килгани тўғрисидаги нутқи билан чикиш қилди.

Хуллас, Самарқанд аҳолиси 1335/1917 йили уламолар кенгаши (курултой) да таҳминан 304 нафар самарқандлик, Кўқон ҳамда Тошкент вакиллари иштирокида мухториятни намойишсиз зълон қилдилар. Сунгра баланд овозда такбир айтиб, Куръон тиловатидан кейин мажлисни якунладилар. Мухторият зълон килинган кун пайшанба кунига тўгри келди. Эртасига жума намози ўқилгандан сўнг мажлис аҳли Регистон майдонига тўпланди. Самарқанд аҳолисини ҳам уч мадраса сахнига тўпладилар. Самарқанд шўролар кенгаши садри Қози Исоҳожа, Қози Камол Хўкандий, садр ноиби Эшонтура Хожа, Ҳайдарбек, Самарқанд думаси садри, Кавказ тараккийпарварларидан бири Пири Мурсалзода ва Самарқанд русларидан бир нафар одам иштирок этди. Фуқароларни доира шаклида тизиб, мажлисда иштирок этаёттан юқоридаги шахслар доира ичida ўрнатилган минбарга чиқиб, ҳар бирлари мухториятнинг ташкил этилгани тўғрисидаги ўз нутқларини сўзладилар. Жаноб Васлий Афанди, жаноб Иброҳим афанди, жаноб қози Камоллар мухториятни зълон қилдилар. Самарқанд аҳлини бу кувончили хабар билан табриклаб такбир айтдилар. Лекин самарқандликлар большевиклар-



Тошкент ислом университети
«Манбалар хазинаси» фонди.




Тошкент ислом университети «Манбагар хазинаси». Аҳмадхон иби Исмоилхон фонди. Кўлёзма китоблар.



Тошкент ислом университети «Манбалар хазинаси». Аҳмадхон ибн Исмоилхон фонди. Тошибосма китоблар.

«Гаккүрдүүн түштүрүлөө» азыридан наамалан



در زمان حکومت شاه و تهماسب حقیقته بود

در نیمک روسیه که بود از سبب مجاز استعفای از حکومت ایشان آنکه اتفاقاً برگرفته

در هر چند که درین زمان هر چیزی که نشانش بود دامنه و هر رفاقت را مغضبه نوشته ایشان و کوچه ایشان

فایرج پیش خواسته آمده بسیار مغلوب است روسیه ساخته نایورش و بود و مسیح اصل اتفاق از چند بود

اینکه در جمال ایشان کوچه ایشان و دامنه ایشان در زمان بودن خود بخواهیم علیکم به وقوع اینکه بود

میگاند از قطعه المطريقان و متعقبان و این انصافان از دو دن خود طواره در پیش بینی بیچاره

جوت دور است سه هزار پیغمبر اهل طور ۱۳۵۰ دلار و قاضی خداوند ایشان شمشیر خود از توپ

سوزن کوچن کوچن در چوکلیه باشی که پسر بیکی ایشان کوچه ایشان آنچه جوت خوش بیکش

آن به کم دزدان در دوقتی که از طلاق در چوکلیه باشی بکه نمود در این مدد و باشی پیده کنند

خود بود و من و نظر باشند فخر ایشان کوچن دزدان در میان خود نه در این باشی پیده کرد

دزدان دویا نفرمودان در استیاب بدین کاچه چند تبعیق و میزانیک ده بعد بیک لد همراه

دیگر ایشان کشید او بود که ایشان انتقام بیکلی و رادیان سکه پیش از صوم باشیاده یا کترمه میخ

را از قند و دزگیکه ایشان ایشان چند میلیون دلار که موجود بود از فتنه باشی که رایحه های ایشان

چهار برابر ایشان باشند ایشان دزدان ایشان را که از این میان دچالان روسیه ایشان روسیه بیچاره

از خود از قادی ایشان دزدان دستیاب شدند سقوط ایشان دزدان بفرجه ایشان

درین ملة خفن میخ و امتو والی ایشان باشید را از فتنه ایشان دزدان خبر نهیش

معلوم از دشمنی میرشب پاکی و پیش ایشان ایشان چند فخر ایشان که بود و دوقت

اسبلد در راه ایشان با سول کرده بروای ایشان دست دست ایشان دزدان فرساد و بیک

با از محض یاغیات سفرقند ایشان باخ که در توپیع از ایشان فتنی و دلویقی ایشان

داست دزدان مذکور در بایان خود نه داشت خانه ایشان خود نه داشت خانه ایشان خود نه میخ

و ایشان ایشان خود و طرب را میخواهد ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

و هشت خانه خود و پیرون برای ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

و هشت خانه خود و پیرون برای ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

و هشت خانه خود و پیرون برای ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

و هشت خانه خود و پیرون برای ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

و هشت خانه خود و پیرون برای ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان ایشان

дан хавфсираб намойиш уюштиrmади. Самарқандлик тараққийпарварлар намойиш қилишни исташса-да, Самарқанд шўро кенгаши аъзолари большевикларнинг фитнасидан қўрқиб бунга рухсат бермади. Шунинг учун Самарқандда мухториятнинг эълон қилиниши намойишлариз ўтди. Тараққийпарварлар Тошкент, Қўқон, Фарғона ва Туркистоннинг бошқа шаҳарлари сингари мухториятни эълон қилишни намойиш қилиш тарафдори здилар. Юкорида айтилганидек, шўройи ислом амалдорлари бунга карши туришди. Оқибатда Самарқанд тараққийпарварлари билан шўро кенгаши аъзолари ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Икки тоифа ўртасида низолар авж олиб, Самарқанд шўро кенгаши фаолиятини тараққийпарварлар тутатдилар. Самарқанд шўро кенгаши тутатилгандан бир неча кун ўтгач, икки тоифа вакилларининг аксарияти иттифоқ тузиб, янги кенгаш ташкил этдилар. Янги тузилган кенгаши «Самарқанд хайрия кенгаши», дея номладилар. Кенгаш раиси килиб Қози Бакохон, Мулло Акобир котиб, Мулло Абдусалом газначи этиб тайинланди ҳамда Домложон мударрис, Беҳбудий афанди ва бошқа бир неча муллалар ушбу кенгашнинг тузилишида иштирок этдилар. Янги тузилган тараққийпарварлар кенгаши «Қўшховуз» гузарида ташкил этилди. 1336/1918 йил ражаб ойининг сесанба куни барча касб эгалари, талаба ва ишчилар мухториятни эълон қилиш учун мусулмон кўчаларида, руслар яшайдиган кишлокларда намойиш килдилар. Намойишда «кура» дейишиб, такбир айтиб, ногора чалиб куй куйлаб мухториятни эълон қилдилар. Нотиклар оташин нутқ сўзладилар. Больше-виклар орасида ҳам намойиш уюштирилди. «Хайрия кенгаши» тузилишидан олдин жорий йилда кўплаб во-

қеалар содир бўлди. Қўқондаги курултойга мухторият эълон қилингандан сўнг элликка яқин зиёли шахслар Туркистон шаҳарларига бошлиқ этиб тайинланди. Ҳар бир шаҳардан бир ёки икки нафардан мансабдор шахс Қўқонга жўнатилди. Элликдан ортиқ бошлиқлар Қўқон шаҳрида эдилар.

Яна шу санада муваққат ҳукумат даврида турли ташкилот кенгашлари тузилган эди. Ташкилот кенгашларига ҳар вилоятдан бир неча шахслар бошлиқ этиб тайинланди. Петроград (Петербург) да ташкил этилган ушбу ташкилотлар сиёсатчилар орасида турли низоларни келтириб чиқарди. Мухбирларнинг фикрича, Петербургдаги ушбу ташкилотлар Самарқанддаги шўро кенгашининг якун топганига ўхшаб тезда тутатилди. Аммо, шўро бир боланинг онадан тугилиб, тилга киргунча бўлган муддатда тутатилган бўлса, Петербургдаги ташкилотлар она қорнидаёт тутгилмасдан гойиб бўлган мавхум ҳомила сингари тезда йўқолиб кетди. Ушбу ўтказилган курултойларнинг барча харажатлари Россия ҳукумати таркибидаги мамлакатлар зиммасига юклатилди. Валлоҳу аълам.

Учинчи китоб

Меньшевиклар даврида содир этилган бузгунчилик, қотиллик ва қароқчиликлар баёни

Бу воқеаларнинг бир қисми меньшевиклар даврида, аксарияти эса большевиклар хукмронлик қилган вақтда содир бўлди. Яъни, мухторият эълон қилинмасдан олдин ва эълон қилингандан сўнг Самарқандда юз берди.

Маълумки, хуррият эълон қилингандан сўнг, меньшевиклар даврида Самарқанддаги «Олоча» бозорига тунда ўтилар тушиб бир нечта дўкондан қиймати таҳ-

минан 20 000 тангага етадиган молларни олиб кетдилар. Шу санада чопон (түн) бозори дўконларидан ҳам юмматашо тўнларни ўгрилашди. Бу иккала ўғрилик 1335/1917 йилнинг ёзида Самарқанд шаҳрида содир бўлди. Бу каби тунаб кетишлар хуррият эълон қилингандан сўнг, Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида содир этилди. Ушбу ҳодисалар мазкур «Тазкиратул инқилоб» асарида (таалуқли бўлмаса-да,) имкон қадар батафсил ёритишга ҳаракат қилинади. Кўқонда ўғрилар шундай кучайиб кетдик, Қўқон бошқаруви уларнинг ихтиёрига ўтгандек эди гўё. Ўғри ва қарокчиларнинг ишлари ҳақидаги кўплаб хикоялар хуррият замонида нашр этилган газеталарда чоп этилди. Одам яралгандан то Қиёматга қадар дунё бу каби фиску фасодлардан холи мас. Лекин кейинги йилларда содир бўлган айrim воқеаларни келгуси авлодларга ибрат бўлиши учун ушбу тарихга муҳтасар тарзда кирилдик. Ҳокимият большевиклар тасарруфига ўтгандан сўнг Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бу каби воқеалар кўпроқ кўзга ташлана бошлади. 1335/1917 йилда бир неча ўғри тунда «Сиёб» қозиси Мулло Абулқосимнинг қовлисига кириб, қозини боғладилар. Аёли ва фарзандларини эса палос (гилам) ларга ўраб ташладилар. Қозидан бойликларини қаерга яширганини сўраб, бир неча маротаба пичоқ санчишли. Қози қийноқларга чидай олмай уйдаги бор мол-мулкини ўғриларга берди. Ўғрилар бойнинг уйини шип-шийдам килиб ўмариб кетишли.

1335/1917 йили большевиклар даврида бир туда ўғрилар «Кўк масжид» гузаридаги Самарқанднинг машхур Хадрамин исмли омборхона мудирининг ҳовинисига бостириб кирдилар. Мудирни ўлдириб, бор мол-мулкини ўғрилаб кетдилар. Ўғрилардан бири Хад-

раминнинг маҳалладоши эди. Кундуз куни фотиҳа ўқигани марҳумнинг ҳовлисига келганда, Ҳадраминнинг ўғли уни таниб ўтидан қасос олди.

Мазкур санада 60-70 нафарга якин куролланган ўғрилар ярим тун соат иккита Самарқанд «Чорсу»сига тушдилар. Бозор қоровулларини боғлаб, пичок, кийим, газлама, атторчилик расталаридаги дўконларни очиб, ундаги молларни ўмардилар. Яна бazzозлик расталаридаги дўконларни синдириб, ундаги молларни талон-тарож килдилар. Бирорта коровул ўғриларга қарши чиқа олмади. Ўғрилар ўша тунда милтиклардан шунаقا ўқ ёғдиришди, шаҳар аҳли бу отишмани ўғрилар эмас, балки меньшевиклар большевикларга қарши уруш қылгани келган дея тахмин килишди. Ваҳоланки, бу милтиқ садолари меньшевикларники эмас, ўғриларники эди. Уларнинг отишмаларидан ҳатто большевиклар ҳам хавотирга тушиб уч марта тўп отишди. Большевик тўпларининг овозидан ўғрилар саросимага тушиб, атторлар растасидаги бир коровулни отиб ўлдириди ва орқага чекинди. Ўғрилар ўз ҳамроҳларидан бирини отиб, танасини «Чорсу»га ташлаб кетищди. Самарқанд «Чорсу»сидаги катта йўл ёқасига ташлаб кетилган мурда ҳам ўзларидек Ургут бозоридан эди. Шаҳарликлар бу ишларни сахро одамлари қилди, дея гумон килишлари учун шу тариқа ўз шерикларини ўлдириб, мурдасини ташлаб кетдилар. Аммо улар ўйлаганидек булиб чиқмади.

«Чорсу»га ҳужум бўлгандан бир ҳафта ё ундан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг тахминан йигирма ёки ўттиз нафар қарокчилар тунги соат иккита Самарқанднинг «Сўзангарон» дарвозасидан кириб, бир қанча дўконларни

тунадилар. Улар нонвойхона, баққоллик ва қассоблик дўконлари эди. Ҳар бир дўкондан кўплаб молларни олиб кетдилар. Мазкур воқеага гувоҳ бўлган одамларнинг айтишича, «Чорсу»даги моллари ўғриланган дўконларнинг сони 24 та эди. «Сўзангарон» бозоридан 4 ёки 5 та, тўн бозоридан 8 та, газлама бозоридан 6 ёки 7 га дўкон талон-тарож килинган. Биринчи жаҳон уруши даврида Туркистон ўлкаларидағи миллатларнинг аксарияти фарзандларидан жудо бўлдилар.

Биринчи жаҳон уруши вактида Туркистонда содир бўлган ёнғинлар баёни

Бу даврда ёнғинлар йилдан-йилга кўпайиб борди. Масалан, уруш даврида Самарқанддаги Хожа Зулмураднинг ховлиси, «Хоним мадрасаси»нинг бир ховлиси, янги растандаги бир ҳовли, «Лувчагон» гузаридағи бир ҳовли, «Шарбатдор» растанидан икки сарой ва яхудийлар саройи ёниб кетди. Аммо русларнинг ҳудуди (мулклари) даги ёнғинлар большевиклар ҳокимиятни кўлга олганларидан сўнг бошланди. Ҳуррият замонидаги нашр этилган газеталарда ёнғинлар тафсилоти баён этилган. Қисқаси шуки, бу урушда Россияядаги кўплаб фабрика ва бинолар ёниб кул бўлгани барчага маълум бўлди. Биз бу воқеаларни қисқача баён этдик.

Бу даврга келиб ўғриликлар янада авж олди. 1335/1917 йилнинг 23-роббиъул охир ойида инсофсиз шо Конхўр ўғрилардан ташкия топган қароқчиларнинг бир тўласи Самарқанд шаҳри Қозиси Абдурасул гузаридаги «Сўзангарон»га қарашли ҳовлига тушибди. Бу ҳовли Ахмиджон бой читфурушники эди. Ўғрилар хуфтон нақли шактида ҳовлига бостириб кирганда меҳмонхонада бўйинот ўғли икки ёки уч ўртоклари билан ўтирган бўл-

ган. Ўгрилар уларни бойлаб, чўнтақларидағи бор пулларини олгандан сўнг ўзларини чаваклаб ташлайдилар. Гувоҳларнинг айтишича, 3000 сўм пулни олиб, меҳмонлар чўнтақларидағи бор пулларини ҳам қолдирмадилар. Ҳатто меҳмонхонадаги гилам, қимматбаҳо буюмларгача ташиб кетишиди. Қоровуллар ва одамларнинг ҳеч бири ўгриларга бас кела олмайди. Бу орада бойнинг пул, мато, либос ва бошқа қимматбаҳо нарсаларини олган ўгрилар шаҳардан чиқиб улгурди. Миршабга хабар қилишгач, у бир гурӯҳ қуролланган отлиқ аскар (изтопар) ва соқчиларни ўгриларни хибсга олиш учун жұнатди. Бу изтопарлар Самарқанднинг Эшон қишлоғига қарашли боғларнинг ахолисидан здилар. Ўгрилар ҳам мазкур боғнинг меҳмонхонасига тушиб, келтирган бойликларидан сархуш ҳолда айш-ишратга берилиб кетишиди. Изтопарлар ўгрилар базм қилаётган хонаға бостириб киришдан олдин улар хабар топиб, милтиқ ва тўппончаларини олиб меҳмонхонадан чиқди. Айримлари соқчиларга қаратса тўппончада ўқ узиб, кочиб кутулдилар, қуроли бўлмаган айрим ўгриларни эса соқчилар хибсга олиб шаҳарга келтирдилар. Гувоҳларнинг хабар беринича, кўлга тушган ўгрилар беш нафар бўлиб, уларни тафтиш қилингандай иккитаси меҳмонхона эгалари бўлиб чиқди. Яъни бир қария ўгриларга ҳамроҳ зди. Бошқа бир ўгри бола унинг фарзанди эди. Алкисса, беш нафар ўгридан учовини гуноҳига икрор бўлгандан сўнг қатл этишга келишилди. Беш нафар ўгридан иккитасини «Кўшҳовуз» гузарида Мирзо Мухаммад Яъқуб миршабнинг ўғли Давронбек миршаб ишлайдиган шаҳар (милитция) маҳкамаси ҳовлиси олдида қатл этилди. Ўгриларнинг бирини Самарқанд қоровулхонаси ёнида оломон ўзи қатл этди. Аввал пичоқлаб яраланган ўрини ҳам халқ қатл

этди. Самарканд шаҳри соқчилари ўғриларни тафтиш этишга масъул эдилар. Қўлга олинган ўғрилар орасида Даргом ариги бўйидаги кўргонлардан бирида истикомат қилувчи Сибирдан келган, «Ражабча Сибирий» лақаби билан танилган киши ҳам бор эди. Машхур Ражабчани Самарқанднинг жасур соқчилари қўлга олиб, шаҳардаги маҳкамага олиб бордилар. Шерикларининг сони ҳамда кимлар эканини сўраб унга темир қиздириб босишар, турли қийноққа солар эдилар. Қанча қийноққа солишимасин, у «мен ёлғиз ишлаганман, шерикларим йўқ», дея икрор бўлмас эди. Оқибатда Самарқанд «Чорсу»сининг катта кўчасида жойлашган маҳкама яқинида оломон Ражабчани ҳам қатл этди. Қўлга олинган беш нафар ўғридан учови катт этилиб, ёши катта меҳмонхона эгаси ва унинг ўғли омон қолдирилди. Ҳуррият ва мухторият даврида содир этилган ўғриликлар баёни шулардан иборат. Яна бу даврда қанча конунбузарлик ва тартибсизликлар ҳам юз берди. Аммо мазкур «Тазкиратул инқилоб» асарида у воқеаларни тўлиқ баён этмадик.

Тўртинчи китоб

«Тазкиратул инқилоб» асарининг муаллифи бевосита гувоҳи бўлган воқеалар баёни

Европада бошланган биринчи жаҳон уруши оқибатида юзага келган воқеалар: 1335/1917 йилнинг охирларида ҳуррият ўзлон қилинган вақтда Туркистон вилоятларида очарчилик, қимматчилик, курлоқчилик, ўғриликларнинг кўпайиши баёни. Очлик ва касалликлар туфайли вилоятларда одамларнинг вафот этиши. Бугдойнинг камайиб кетиши. 1335/1917 йил сўнгида козоқлар билан большевиклар ўртасида ли ихтилофлар баёни.

Китоб аввалида айтиб ўтилганидек, 1331 йилнинг баҳорларида Европада бошланган биринчи жаҳон уруши Туркистон, Россия, Туркия, айrim Араб давлатлари вилоятларига ўз таъсирини кўрсатди. Шу йили бир мани¹⁸² баҳорги буғдойнинг (олий нави) нархи Самарқандда 80-90 бухорий тангага етди. Урушнинг иккинчи йилида эса бир мани буғдой 100 бухорий танга бўлди. Фалланинг нархи кундан-кунга ошиб борди. Россия, Англия, Франциянинг Германия, Австрия, Туркия ва Болгария ўртасида бўлаётган биринчи жаҳон урушининг тўртинчи йили бир мани буғдойнинг нархи 400-500 тангага етди. Шу тўртинчи ҳурриятнинг эълон қилинган йилида (1335/1917 й) баҳорги буғдой 2000 бухорий танга, бир мани жўхори 1500 бухорий танга, бир мани тарик жўхоридек 1500 танга бўлди. Шу йилнинг қишида 1335/1917 йилнинг охири 1336/1918 йилнинг бошларида бир мани буғдой нархи 8000 бухорий тангага кўтарилди. Бир мани оқ жўхори эса 7000 тангага етди. Ҳуррият эълон қилинган 1335/1917 йилнинг бошларида бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва пояфзал баҳоси ҳам ошди.

Бир пуд думба ёғи 70-80 сўмга кўтарилди. 1335/1917 йилнинг қишига келиб бир пуд думба ёғи 200 сўм бўлди. Ярим кг тоза зигир ёғи 5 сўмдан кўпроқ бўлди. Бир қадоқ қанд 4-5 сўм, бир қадоқ тоза асал 40 танга, бир қадоқ чойнинг нархи 25-30 сўмгача чиқиб, яна 15 сўмга тушди. Чорак кило кўй гўшти (250 гр) 16 сўм, чорак кило мол гўшти 6-7 сўм, бакқолдан олинадиган ярим кило мөш 20 танга, ярим кило тарик 20 танга, бир дона гутурт 20 тийин, бир дона уй товуги 10 сўмга етди. Туя ўркачи ёғи 100 сўм, бир бое беда 4 сўм, бир эшак арава ўтин агар

¹⁸² Мани, Мано (ботмон) = 1,03125 л (\approx 1,04 л). Оғирлиги = 816 гр.

тоғдан терилган бўлса 100 танга, бир саржин тараша 100 сўмдан 120 сўмгача етди. Майда шохли ўтин, бир эшак арава ғўзапоя ва янтоқ 10 сўм, бир от арава мевасиз дарахт тараашаси 10 сўм, мевали дарахтники эса 100 танга, бир пуд кўмирни 8 сўмдан то 10-12 сўмгача сотдилар. Бир пуд тошкўмир 40 танга ва ундан ҳам ошиб кетди.

Хуллас, 1336/1918 йилнинг баҳорида Самарқанд, Тошкент, Фаргона, Жиззах, Каттакўрғон, Кўкон, Хўжанд ва Ўратепа бозорларида бугдой камайиб, сотиб олиш амримаҳол бўлиб қолди. Хоҳ баҳорги, хоҳ кора бугдой бўлсин, бир манни 1200 сўмга кўтарилди. Оқ жўхорининг бир манни 800 сўм, айрим бозорларда бундан ҳам кимматга сотила бошланди. Олий навли чорак кило гуручнинг нархи 100 тангадан ошди. Чорак кило сигир гўшти 8 сўм, чорак кило кўй гўшти 16-18 сўм бўлди. Бир олчин лос иш 40 танга, бир олчин чит 20 танга, бир олчин оқ сурп 20 танга, битта «Досмушка» кўк чойи 20 танга бўлди. Биринчи жаҳон уруши бошланмасидан олдин бир мири 20 пулга сотиб оладиган бир дона бозор иони урушнинг 5-йили, яъни 1336/1918 йилнинг баҳорига келиб, ўша бир дона нонни бир сўмга сотиб олардик. Чорак кило думба ёғини 20 сўмга, бир дона (тика-диган) ишни 2 сўмга харид килинди. 1335/1917 йилнинг охирларида ҳамма нарсанинг нарх-навоси шу сингари ошишда давом этди.

Бу очарничик балоси туфайли Туркистон шаҳарлари, сахро ва биебонларида яшайдиган аҳолининг акса-рияти қашноқлашиб кетди. Сахролик аҳоли ион тониш масадидаги жонидон аҳлини олиб яв ёки улонда шаҳарларга кўчиб кела бошиладилар. Очликдан турли касалликлари чалиниб, кўплари Жиззах агрофида ё Тошкент томонларга йўл олдишар. Айримлари очликдан рангла-

ри сарғайиб, қоринлари шишиб хору зорликда оламдан ўғдилар. Тошкентда босиладиган нуфузли газеталардан бирида ёзилишича, факирлик ва очлик туфайли Тошкент ва Чинозга келган фуқаролар учун Тошкент аҳолиси ва мансабдор шахслар йиғилиб тиланчи-мискинларга ёрдам бериш мақсадида ошхоналар очишни маслаҳат қилишди. Тошкентлик большевик ва бойлар маблаг тўплаб хайрия тадбирларини бошлаб юборди. Бундан хабар топган сахро аҳолиси Тошкент, Кенос, Чиноз ва бошқа шаҳарларга иккита-иккита, учта-учта бўлиб кела бошлади.

Самарқандда ҳам шахар атрофи, Жиззах ва Ургут чўлларидан очарчилик сабабли эркак-аёл ҳамда болалардан ташкил топган мискинлар чопонсиз, оёқ яланг қалбни ларзага келтиргудек кўз ёши тўкиб Самарқанднинг кўчалари ва бозорларига келар эдилар. Самарқанд ҳалки ҳам тўпланиб факирларга ёрдам қўлини чўзиш мақсадида уларга турар жой ҳозирлаб, бойлардан пул, ғалла ва кийим-кечак тўпладилар. Мискинларни кийинтириб, қоринларини тўйғаздилар. Самарқанддан чиқадиган айrim газеталарнинг хабарига кўра, ўша вактдаги ночор факирларнинг сони мингдан ошар эди. Бу кўрсаткич кундан-кунга ортиб борар, 1336/1918 йилнинг баҳорига келиб саҳродаги аҳолининг аксарияти очликдан нобуд бўлмаслик мақсадида ўт-ўландан овқат қилиб ейишарди. Бошқалари эса ҳукумат ташкил этган ошхона ва ғарибхоналарга бормасдан кишлоқ атрофлари, кўча ва бозорларда тиланчилик қилиб кун кўрар эдилар. Булар юкорида саналған ададдан тапшари одамлар эди.

1336/1918 йилнинг баҳорига келиб қаҳатчилик янада авж олди. От йилининг ҳамал ойида курғоқчилик бўлди.

Гарчанд осмонда қора булатлар күринса-да, бир томчи ҳам ёмғир ёғмас эди. Мазкур сананинг ҳамал ойи охирида бир манин бүгдой уни ва бир манин бүгдой нархи 12 000 танга, бир манин гуруч ҳам бүгдой нархидек 12 000 тангага күтарили. Бир пуд яъни, 8 ни 4/1 агар бүгдой уни бўлса, бечораҳол оиласлар 225 сўмга сотиб олар эдилар. Бир пуд жўхори уни 1100 танга, бир пуд тарик 1000 дан озроқ кам, бир пуд курмак 110 сўмга күтарили.

Очарчилик вактида Туркистон шаҳарларига бошқа юртлардан ўғил-қизларини етаклаб келган эркак ва аёллар бир чимдим нон топиш умидида кўча-кўйларда ва бозорларда тиланчилик килиб юришарди. Нон танқислигидан бир кунлик тиланчилик килиб топган пуллари бир дона нонга етмасди. Тиланчиларининг аксарияти очликдан ранглари сарғайиб, девор остида ҳолсизликдан паст овозда нон, нон, дея шивирлашар, ҳатто қўлларини кўтаришга ҳам мадорлари колмаган эди. Улар ўт-гиёҳ, кунжара ва суюкларни ейишдан ҳам тоймас эдилар. Аксариятининг юз, бош ва қоринлари шишиб кетган, қўпладари эса очарчилик балосидан вафот эта бошладилар.

Хусусан, бу очарчиликдан Фарғона вилояти ва Жиззах атрофларидаги шаҳар, кишлоқ ва маҳаллалардаги очарни бокиши максадида козилар, мингбошилар ва бошқа амалдорларга ҳар бир кишлоқ ва унинг атрофида яшоини бойлар билан келишиб маблағ тўплаш вазифаси юклаганган эди. Икки-уч кишлоқдан тўпланган маблағга миссонилар учун кунига икки маҳал овқат, нон тарқатиб уларни очиликдан саклаб қолдилар. Аллоҳга шукр бўлсинки, 1336/1918 йилда Аллоҳ таоло осмон хазиналаридан озроқ ёмғир ёғдирди. Дағтада экилган бүгдой, ўт ва бошқа экинлар куримай қолди. Барчанинг қалбидан очарчилик васвасаси кетиб тасалли топди. Бу ём-

ғир халқининг жонидан ҳам азизроқ (нельмат), беморларга шифо бўлиб келди. Ёмғир меҳмон бўлиб келгандан сўнг, одамлар нон ейишга умидвор бўлиб, курсандчиликларининг чеки йўқ эди. Аста-секин бозорларга турли ноҳиялардан дон ва ғаллалар кела бошлади. Ёмғир ёғиши муносабати билан бозорлардаги нарх-наволар ҳам изга туша бошлади. Шу санада бир дона ноннинг нархи бир сўмдан икки сўмгача, бир қадоқ қора зогора бўлка нони эса 20 тантага етди. Оз ейдиган одам учта бир сўмлик бозор нони билан қорин тўйдирса бўларди. Шу санада 5 қадоқ думба ёғи 25 сўм (26-27 га ҳам етди), беш қадоқ тоза зигир ёғи 24 сўм бўлди.

Мазкур калималарнинг муҳаррири бу факир шу санада яъни, 1336/1918 йил савр ойининг бошида бир пуд оқ жўхорини 160 сўмга сотиб олиб нон пишириб еган эдик. Бир яримтacha қўй гўштини 4,5 сўм, чорак (кило) яъни 5 қадоқ гуручни иккита кам 3 сўмга, икки қадоқ сабзини 2 сўмга, бир қадоқ зигир ёгини 4 сўмга, пиёзни ярим сўмга, ўтинни 1,5 сўмга сотиб олиб, бир товоқ палов пишириб еган эдик. Бир қадоқ керосинни умумий дўкондан ярим сўм, русларнинг қишлоғидан 2 сўмга, Самарқанд шаҳрининг айрим баққолларидан эса 3 сўмга олиб, чироқка солиб уйни ёритган эдик.

Фонда

Мустакилликнинг дастлабки даврида янги ҳукумат томонидан Россия таркибига кирувчи барча давлатларнинг шаҳар ва уездларидаги ҳар бир гузарга аҳоли эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотлар арzon нархда сотиладиган умумий дўконлар (у дўконлар рус тилида «общество» (жамият), деб аталарди) ташкил этиш тұғрисида фармон бўлди. Шу тарика ажратилган маҳ-

сулотлар подшоҳ ғазнаси ҳисобидан бериларди. Аҳоли ўзи яшатган маҳалла дўконларидан ун, нон, гуруч, чой, қанд, гутурт, майчироқ, ёғ, кунжара, кийим-кечакларни бир, икки ёки учта гузар бир бўлиб бир жойда бозор нархидан арzon нархларда сотилар эди (ярмаркадек).

Шаҳар атрофида жойлашган қишлоқ ва шаҳар ичи-даги бозор ва расталардаги бу турдаги «жамият» дўконларида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар маҳсус қофоз ва дафтарча оркали сотиларди. Дафтарча-да харидорнинг исми, уларнинг сони ва маҳалласи каби маълумотлар қайд этилган. Ким у дўкондан бир нарса харид кильмокчи бўлса, дафтарча ёки қофозни дўкон мудирига кўрсатиб, ўзига керакли маҳсулотни сотиб олади.

Илон йилининг охириларида, хусусан от йили бошида ҳукумат аъзолари ва сиёсий шахслар ўргасида юз берган инқилоб ва ихтилофлар сабабли ҳукумат бир кўлдан иккинчи қўлга ўтди. Туркистон ўлкаларида рус ҳукуматининг большевиклар деб номланган учинчи тоифаси жанг, қотиллик ва бузғунчиликларни амалга ошириллар. Бу эса мамлакатда нотинчлик ва нархларнинг кескин кўтарилиб, очарчилик бошланишини келтириб чиқарди. Шу сабабли умумий дўконлар аввалидек фаолият олиб бормай қўйди. Эндиликда бу дўконлардан рус зигир ёғи, чарви ёғи ҳамда майчироқдан ўтиш ҳеч нарса топиб бўлмайдиган ҳолга етди. Умумий дўконлар эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳалқка умуман сотмасди. Аммо фукаролар орасидаги очарчилик хавфини кетказиб тасалли берарди. Вакт ўтиши билан нархлар ошиб, бу дўконлардан фукаролар эҳтиёжига керакли маҳсулотларни топиш қийин бўлди. Ҳукумат ғазнасидаги маҳсулотлар етмай, ҳалқнинг умумий дўконлардан буткул умиди узилди ва очарчи-

лик ҳамма ёқини эгаллаб олди. Бу ҳодиса 1336/1918 йилнинг баҳорида содир бўлди.

Хуялас, биринчи жаҳон уруши оқибатида 1335/1917 йилнинг охирида русларнинг янги ҳукумати большевиклар кўлига ўтгандан сўнг урушашётган мамлакатлар ўргасида сулҳ тузилди. Россия, Германия, Туркия, Болгария ва Австрия ўртасида сулҳ тузилган йили Россиядаги гурухлар ўртасида ихтилофлар авж олди. Россиядаги ҳар бир давлат ва шаҳарларда кичик сиёсий гурухлар ўртасида ички низо ва жанглар юзага келди. Шундай жанглардан бири Оренбургда қозоқлар билан большевиклар ўртасида содир бўлди. Оқибатда большевикларнинг кўли баланд келиб, жангда голиб бўлишди. Москвада ҳам большевиклар билан русларнинг «канархизм» ва «монархизм» гурухи ўртасида кирғинбарат уруш бўлиб ўтди. 1336/1918 йили турли фирмалар орасида ихтилофлар авж олди.

Мазкур санада Бокуда ҳам мусулмонлар билан большевиклар ўртасида шиддатли жанг бўлди. Бир томонда мусулмонлар, иккинчи томонда эса арманлар билан большевиклар жанг олиб борди. Ушбу жангда мусулмонлар ғалаба қозонишди. Яна шу санада Кавказ, Туркия ва Арманистон мамлакатларида қонли урушлар бўлиб ўтди.

Хуроса килиб айтадиган бўлсак, илон йилининг ўртасидан то от йили аввалига қадар (1335/1917-1336/1918 йй.) русларнинг янги ҳукумати даврида ҳар бир давлатда хунрезлик, истило, мусодара ва ўғриликлар авжига чиқди. Шу санада Туркистоннинг Самарқанд, Тошкент ва Қўқон шаҳарларидан большевикларга аскарликка, яъни шу вилоятларга аскар бўлиб хизмат қилиш учун кирган эдилар. Илон йилининг охири ёки ўрталари, от

йилининг бопида Самарқанддан кўплаб ёшлар аскарликка қабул килиндилар.

Бошқа ҳикоя. 1336/1918 йилнинг баҳорида Жиззахдаги Янгикурғон бозорида 5 қадоқ гуручнинг нархи 34 сўм, 5 қадоқ бутдой уни гуручдек 34 сўм, 5 қадоқ зоғора уни 25 сўм, 5 қадоқ кўй гўшти 20 сўм, 5 қадоқ сигир гўшти 18 сўмдан 12 сўмгача берар эди, от гўшти ҳам 20 сўмдан 12 сўмгача эди.

Тамом. Тамом.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлили асносида куйидаги хуласаларга келинди:

1. Ўрта Осиё мадрасаларида кенг доирадаги мутахассислар тайёрланган. Битирувчиларнинг аксарияти мударрис, олим, адабиётчи, амалдор, элчи, ҳарбий, имом, рассом, мусиқашунос ва ҳатто маърифатпарвар бўлиб етишган.

Мадрасалар юқори савиядаги илм соҳибларини етиштириш қаторида, миллий ўзликни англаш, ўтмиш анъаналарини қадрлаш, юрт қайғуси-ташвишини хис килишни ҳам бера билган. Бу хислатлар қайсицир маънода жасоратлилик, маърифатпарварлик, фидоийлик билан боғлиқцир. Бу тарихнинг инкор этиб бўлмас ҳақиқати эди. Муҳими, мадрасалар таълим миннинг бош гояси бу ахлоқ илмини ўргатиш, гўзал имонли фазилатларга эга бўлиш каби ахлоқий-таълимий масалаларни бош мезон қилиб белгилаган.

Дастлаб илм мажлислари масжидларда олиб борилган бўлса, кейинчалик мадрасаларда таҳсил олина бошлапди. Бухородаги «Форжак» ва «Абу Ҳафс Кабир Бухорий», Самарқанддаги «Работи Ғозиён» мадрасалари Мавроунаҳрдаги дастлабки мадрасалардан саналади. Мадраса ўкув дастурининг умумий жиҳатлари X-XII асрларда ишлаб чиқилган ва кейинчалик такомиллашиб борган.

Амир Темур ва темурийлар даврида мадрасалар олий маълумот берувчи марказ вазифасини ўтаган. Улугбек мадрасаларни давлат ҳисобига кириптган ва давлат бюджетидан маблағ ажратган. Мадрасаларда

камбағалларнинг болалари ҳам ўқиши ҳукуқига зга бўлганлар. Улар стипендия ва кийим билан таъминланган. Ўкув йили 8 йилга кисқарган ва хафтада 5 кун ўқилган. Улугбек ўкув дастурларини ҳам янгидан ишлаб чиқкан. Янги ўкув кўлланмалар ёзилган. Улугбек машгулотларни якка тартибда олиб бориши ман этиб, «жамоа»(группа)ларга бўлиб ўқитиш услубини жорий қилган.

Бухоро XVIII асрнинг биринчи ярми XIX асрда ҳам ўрта асрлардаги нуфузини сақлаб колган. Ҳатто давлат раҳбарлари ҳам мадрасаларда мударрислик қилган. Жумладан, амир Шоҳмурод ва Ҳайдарлар даврида мадрасалар гуллаб яшнаган даври бўлганини юқорида келтирилган манбалар тасдиқлайди.

